


ТЕМИРОВ ФАРРУХ



БУХОРОЛИК  
АЛЛОМАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ**

**БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ФАРРУХ ТЕМИРОВ**

***БУХОРОЛИК АЛЛОМАЛАР***

**(ЎҚУВ – МЕТОДИК ҚҮЛЛАНМА)**

**Бухоро - 2022**

**Темиров Фаррух**  
Бухоролик алломалар  
Бухоро: 2022.-...101.

*Ушбу методик қўлланмада қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифда яшаб ижод этган, ўз номларини абадиятга муҳрлаган машҳур алломалар, олимлар, ўз даврининг илму-маърифат фидойилари ва тарихий шахслар ҳақида, шунингдек Бухоронинг Жаҳон илму-фғани ва маданияти тарихида тутган ўрни ҳақида маълумотлар берилган*

*Мазкур методик қўлланмадан “Тарих” ва “Тарих.Бухоро тарихи” таълим йўналиши талабалари, “Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихи тадқиқот усуллари” ва “тарихи” мутахассислиги магистрантлари, профессор-ўқитувчилари педагогик фаoliyatlарини ташкил қилишида фойдаланишилари мумкин.*

**Масъул мухаррир:**

*тарих фанлари доктори, профессор Ҳалим Тўраев*

**Тақризчилар:**

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,(PhD) Дилноза Жамолова  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,(PhD) Азам Болтаев*

Мазкур ўқув методик қўлланма Бухоро давлат университети ўқув-методик **кенгашининг 2020 йил, 27.05. даги № 7 – сонли** йиғилиш баённомаси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

*“Бухоронинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшиған ҳиссаси беқиёс. Бу заминда кўплаб алломалар таваллуд топган ва яшаган. Уларнинг бой меросини чуқур ўрганиши ва кенг тарғиб қилиши керак. Бухоронинг кўхна ва боқий шаҳар, деб аталишида китта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атиқалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган. Бундан самарали фойдаланиши керак”.*

Ш.М.Мирзиёев  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Буюк алломалар юрти деганимизда дунёни ўз илми билан ларзага солган ҳадис илмининг султони, бетакрор илм соҳиби Муҳаммад и бн Исмоил ал-Бухорий, алгебра фанига асос солган Мусо ал-Хоразмий, “Астрономия асослари” фундаментал оламнинг тузилиши, ернинг ўлчови ҳақида дастлабки маълумотларни IX асрда бера олган Аҳмад Фарғоний, улуғ қомусий аллома, биринчи бўлиб ер шари глобусини яратган Абу Райҳон Беруний, тиббиёт бобокалони деб тан олинган Абу Али ибн Сино, “Шарқ Аристотели” деб ном олган буюк аллома Абу Наср Фаробий, 1018 та юлдузни ҳолатини ва жойлашувини XV асрда баён қилиб берган астрономия соҳасида буюк аллома Мирзо Улугбек,

“Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган, калом илмининг етук алломаси Имом Мотурудий, “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган ном билан ижод қилган ислом ҳукуқшуносларидан бири Бурҳониддин Марғиноний, “Дилинг Аллоҳ, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган пурмаъно сўзлар соҳиби, дунёга машҳур бўлган буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, ўзбек тилининг асосчиси, юртбошимиз таъбири билан айтганда “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони” бўлган, жаҳон адабиёти тарихида порлоқ юлдуз бўлиб порлаган ҳазрат Алишер Навоий ва яна шунга ўхшаш минглаб азиз авлиё, олиму уламо, фозилу фузалоларни мисол келтира оламиз.

Аллоҳнинг назари тушган олимларнинг она заминимизда қўним топишлари, шу замин тупроғида мангу ётишларида ҳамҳикматлар бисёр. Шундай экан ташлаётган қадамларимизни, олаётган илмимизни, гапираётган гапимизни устозларга муносиб шогирт сифатида амалга оширишимиз зарур.

Бухоро қадимдан шоир ва уламолар тўпланган энг йирик шаҳарлардан биридир. Унга „Куббат ул-ислом“, “Бухоройи тариф” унвонлари берилган. Бухорода “Малик ул-калом” Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий яшаб, ижод қилди. Муҳаммад Жаъфар Наршахий Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида гўзал шеърий парчалар мавжуд. Балъамий Табарийнинг “Таърих...” асарини Бухорода форс тилида қайтадан ёзган. Ибн Сино буюк қомусий олим бўлиш билан бирга араб ва форстожик тилларида шеърий асарлар ёзган. Бухоролик Дақиқий Абу Мансур Муҳаммад Фирдавсийнинг устози бўлиб, „Шоҳнома“ достонини дастлаб у ёза бошлаган. Бухоро ерида улуғ олимлар ва файласуфлар яшаб, ижод этганлар. Уларнинг мероси ҳозир ҳам бутун дунёда зўр қизиқиши ўйғотиб келмоқда. Улар жаҳон илм-фани, кишилик маданияти хазинасига жуда катта ҳисса қўшганлар.

Абу Мансур Саолибий „Ятимат уд-дахр“ тазкирасида 10-асрда пойтахт Бухорода яшаб араб тилида ижод қилган 25 шоир ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича, “Бухоро Сомонийлар ҳукмронлиги даврида шоншуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йигилган жой эди“. Авфий Бухорий адиб, таржимон ва тазкиранавис олим эди. У Турон адабиётида тазкиранавислик жанрига асос солган. Шарофиддин Бухорий (13-14-асрлар) машҳур “Чор китоб”ни тузган шофирконлик улуғ мутасаввуф шоирдир.

Темурийлар сулоласи даврида Бухорода Носир Бухорий, Исмат Бухорий (1365-1426), Бурундуқ Бухорий, Тоҳир Бухорий, Хаёлий Бухорий, Сайфий Бухорий (15-аср) каби шоирлар яшаб, девон тузишган. Исмат Бухорий ўзбек, форс ва араб тилларида шеър ёзиш анъанасини Бухорода бошлаб берди. “Иброҳим Адҳам” достонини ўзбекчада битди. У темурий шаҳзода Халил

Султоннинг мураббийси эди. Муҳаммад Солих Муҳаммад Шайбонийхонта бағишлиланган ўзбекча “Шайбонийнома” достонини езди. Шайбонийлар сулоласининг вакиллари бўлган Бухоро хонлари Муҳаммад Шайбонийхон “Шайбоний”, Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султон “Убайдий”, Абдуллахон II “Хон” та халлуслари билан шеър ва достонлар ёзишди, девон тузишди. Хусусан, Убайдуллахоннинг ижоди сермаҳсул бўлиб, у ўзбек, форс, араб тилларида лирик ғазаллар, маснавий йўлида сўфиёна мазмун билан сугорилган рисолалар ёзган. Ҳасанхўжа Нисорий “Музаккири аҳбоб” тазкирасида 16-асрда фақат Бухоронинг ўзида яшаб, ижод қилган 110 нафар шоир ва тарихчиларнинг номларини келтиради.

Улар орасида Мавлоно Абдураҳмон Мушфиқий, Мавлоно Мажлисий, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфаҳоний (“Меҳмонномайи Бухоро” тарихий асари ва ўзбекча шеърлари бор), Мавлоно Нахлий (1549-1636; у Ҳофиз Таниш Бухорий бўлиб, “Абдулланома” - “Шарафномаи шоҳий” тарихий асарининг муаллифидир), Мавлоно Ҳожа Муҳаммад Садр (Афзалий), Мавлоно Фоний, Мавлоно Қабулий Бухорий, Девона Ҳусомий (Ҳусомий Қоракўлий; 1442-1505), Сайд Подшоҳхўжа бин Абдулваҳҳобхўжа (Ҳожа), Мавлоно Касирий, Мавлоно Афсарий, Сайфий Арузий, Саққо Бухорий каби машҳур шоирлар бор. Турди Фарогий, Бухорий Нахлий, Шавкат Бухорий (17-аср), Мулҳам Бухорий, Ворас, Сайдкамол Фитрат (17-18-асрлар), Имло Бухорий, Абдуллатиф Киром Бухорий (18-аср) аштархонийлар давридаги энг таниқли шоирлар эди. Бухоро вилояти да машҳур шоир Сайидо Насафий (17-аср) яшаб ижод қилди. Йирик файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорий (вафоти 1697) “Фавоиди Ҳоқония” (1643), Муҳаммад Юсуф Мунший “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амир Бухорий “Убайдулланома”, Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замон Бухорий „Муҳит ат-таворих“ тарихий асарларини ёзишди.

Мир Муҳаммад Амин Бухорий Субхонқулихон (ҳукмронлиги 1681 — 1702) ва Убайдуллахон-II ибн Субхонқулихон (ҳукмронлиги 1702-1711) саройида бош муншийлик лавозимида хизмат қилди. Бухоро хони

Субхонқулихон “Нишоний” тахаллуси билан шеърлар ёзди. Мұҳаммад Вафойи Карминагий (1685-1769) “Тұхфат ул-Хоний” (“Хон тұхфасы”) китобининг муаллифидир. Шоир, тарихчи ва мунажжим Абдураҳмон Толеъ (18-аср) “Тарихи Абулфайзхон” асарини яратди. Мұҳаммад Шариф Бухоро амирлиги тарихига оид “Тож ут-таворих” (1800) асарини ёзди. Бухорода манғитлар сулоласи даврида Мирзо Содиқ Мунший, Мирзо Ато, Мұҳаммад Нишотий, Мужрим Обид, Сўғиҳўжа Сўфий, Бебок, Возех, Савдо (1824-73), Музтариб, Исо Маҳдум Бухорий (1827-88), Мұҳаммад Сиддиқ Ҳайрат (1876-1902), Абдураҳмон Тамкин (1851-1915), Мирзо Ҳайит Саҳбо, Аҳмад Дониш, Яъқуб ибн Дониёл Бухорий (1771-1831), Мулла Ибодулла ва Мулла Мұҳаммад Шариф (18-19-асрлар), Мұҳаммад Олим Бухорий (19-аср), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний каби шоир ва тарихчилар ижод қилишган.

Шарифжон Маҳдум Садр Зиё (1867-1932), Мирзо Сирожиддин Ҳаким (1877-1912), Мулла Икром (Икромча домла) ҳам уларнинг муносиб издошлари эди. Бухоролик Афзали Пирмастий (вафоти 1915) „Афзал уттазкор“ (1904) тазкирасида 19-аср охири ва 20-аср бошида Бухорода яшаб ўтган 135 ижодкор ҳақида маълумот беради. Жадид адабиётининг тамал тошини қўйганлар сафида бухоролик Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний бор. Абдулвоҳид Бурҳонов „Мунзим“ тахаллуси билан шеърлар ёзган. 20-асрда Бухорода ўзига хос адабий мұхит шаклланди. Султон Жўра (1910- 43), Мұҳаммаджон Раҳимий (1901-67), Жалол Икромий, Тошпўлат Ҳамид (1927-84), Саъдулла Кароматов, Немат Аминов, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ойдин Ҳожиева, Тошпўлат Аҳмад каби шоир ва адиблар шўролар режими даврида ҳам бадиий жиҳатдан пишиқасарларяраҳдди. Бугунги ўзбек адабиётининг тараққиётида Гулчеҳра Жўраева, Усмон Қўчқор, Садриддин Салимов, Тилак Жўра, Нортўхта Қилич, Сафар Барноев, Юсуф Жумаев, Ҳалима Аҳмедова, Аҳад Ҳасан, Вафо Файзулло, Сулаймон Раҳмон, Чоршаъм Рўзи каби шоир ва ёзувчиларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Мустақиллик даврида бухоролик ижодкорлар ўз салафларининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўзбек, тожик, рус тилларида самарали ижод қилишмоқда.

## **Бухоронинг шарафли мақоми**

*“Азалдан Шариф, яъни шарофатли, шарафли мақомида бўлган Бухоро энди Ислом олами маданияти пойтахти, деб ҳам атала бошланди”.*

*“Шарафли ва шарофатли Бухоро Ўзбекистоннинг энг машҳур шаҳарларидан бири, Буюк ипак йўли Бухоро орқали ўтган. Шаҳар азалдан мусулмон оламида, жумладан Марказий Осиёда, Мовароуннаҳрда Ислом тамаддунининг энг муҳим марказларидан бири бўлиб келга”.*

*“Бухоро - буюк алломалар, азиз авлиёлар юрти. Олти ишионарли ҳадислар тўпламишининг энг мартабалисини жаҳон аҳлига түхфа этган буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратлари шу ерда таваллуд топганлар. Ушибу инсон Бухорони ва юртимизни жаҳонга машҳур бўлишига олиб келди”.*

*“Бухоро том маънода Аллоҳнинг назари тушган замин. Бу ерда етти масаввуф даргалари – етти тир абадий қўним топганлар ва ҳар йили минглаб сайёҳлар уларни зиёрат қилишига ошиқадилар”.*

*“Бухоро ва бухороликларга, бутун юртимизга “Ислом олами маданияти пойтахти” табаррук унвон фахр ва ифтихордир.*

***АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ***

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ асос солган ҳанафийлик мазҳаби VIII асрнинг ўрталарида, кенг тарқала бошлаб, шу асрнинг охирларида узок-яқин ўлкаларга, жумладан Мавароуннаҳр етиб келган эди. Турли шаҳарлардаги ҳанафий марказларининг шаклланишига Ироқ, Хурросон мактабларининг таъсири самоқли бўлди. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 805 й.)нинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (150/768 йили туғилиб, 216/832 йил вафот этган) Бухоро мактабига асос солди.

Унинг тўлиқ исми шарифи Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забурқон ибн Абдуллоҳ ибн Бухорий. У ўз юртида эгаллаши мумкин бўлган барча илмларни пухта ўзлаштиргач, Бағдод сари йўл олади. У ерда Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳидан ҳанафийлик мазҳаби фиқхини ўзлаштиргач, яна ўз юртига қайтиб келади. Шу боис, у ҳанафийлик таълимотини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келган шахс сифатида маълум ва машҳурдир.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий Бухорада илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солади. Шарқшунос олим Анас Боқиевич Холидов бутун араб салтанати худудида илк бора Мовароуннаҳр ва Хурсонда мадрасалар барпо этилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги “Фаржак” мадрасаси деган фикрни илгари суради. Ушбу мадраса 937 йилги ёнғин натижасида ёниб кетган. Шунингдек, Ножий Маъруфнинг тадқиқотига таянган ҳолда “Нишопур, Бухоро, Ғазна ва Бушанжда Боғдоддаги биринчи мадраса барпо этилгунга қадар 33 та мадраса мавжуд бўлган”, деган маълумотни келтиради. Бухородаги Абу Ҳафс Кабир мадрасаси ўз замонасида машҳур мадрасалардан саналган. Тарихчи Вамбери ўзининг “Тарихи Бухоро” ва ас-Саъдий “Тарих ад-дувал”номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабалар орзу қилган энг яхши мадраса бўлганини таъкидлашган.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир устозлари силсиласи:

Устозлари Бағдодлик аллома Имом Мұхаммад Ҳасан Шайбоний ҳисобланади. Абу Тохирхожанинг «Самария» китобида бу сулола Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитдан бошлаб Ҳазрати Пайғамбаримиз с.а.в.гача туташгани асослаб берилган.

Имом Шофеъийнинг Абу Ҳанифа ва Абу Ҳафсга берган таърифлари: “Одамлар фикҳда у зотнинг боқимандалари” деганлариңек, Бухоронинг барча олимлари ҳам Абу Ҳафс Кабир олдиларида қарздордирлар. Чунки буюк мұхаддис, ҳадис илмининг пешвоси Имом Бухорий у кишининг шогирди бўлган. Бухоронинг аксар олимлари Абу Ҳафсдан таҳсил олишган. Абу Ҳафс Кабир, амир бўладими, оддий фуқаро бўладими, қандай муаммо билан келса, ҳал қилиб берар эди. Олди-сотди ёки ибодат масалаларини жуда аниқлик билан ечарди. Шу боис одамлар олимни “Ҳожатбарор имом” деб ҳурматлашган.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир раҳматуллоҳи алайҳ кўпгина фақиҳларни тарбиялаб камолга етиштирган. Жумладан, ўғли Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс (Абу Ҳафс Сагир), Абу Жаъфар Ризвон ибн Салим Бадокорий, Абулҳасан Муқотил ибн Сайд Байдарий, Мұхаммад ибн Ҳотам Субизуғукий, Абу Захҳок Фазл ибн Ҳассон Сутиканый, Абу Сайд Сулаймон ибн Довуд Шарғий, Ҳорис ибн Абдулвафо Бухорий ва Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс Заборқон (ваф.264/878й.) каби кўплаб шогирдларни мисол келтириш мумкин. Абу Солих Тойиб ибн Муқотил ал-Хуноматий, Абу Ҳасан ибн Толиб ал-Ғишатийлар у кишидан ҳадис ривоят қилишган. Абулкарим Самъоний “ал-Ансоб” номли асарида келтиришича, Абу Ҳафснинг шогирдлари Ҳарожир деган қишлоқда кўп бўлган экан. У туфайли Бухоро шаҳри Ҳанафийликнинг марказларидан бирига айланган. Ўша замонда Абу Ҳафс номли уламолар кўп бўлганлиги сабабли Аҳмад ибн Ҳафс ҳазратларини Абу Ҳафс Кабир (улуг, катта) деб номладилар.

Имом Бухорий ёшликларида Абу Ҳафс Кабирнинг олдиларида илм олганлар. Имом Бухорийни ҳадисларнинг саҳиҳини тўплашга унданаган зот ҳам Абу Ҳафс Кабирдир. Абу Ҳафс Кабирнинг устозларидан бири Абул

Ҳасан Нурий саҳиҳ ҳадисларни тўплашга киришганлар, лекин охирига етказа олмаганлар. Шундан сўнг у кишининг васиятлари билан Абу Ҳафс раҳматуллоҳи алайҳ ҳам саҳиҳларни жамлайдилар, лекин у зот Бухорога келган даврда фиқҳга кўпроқ эътибор берадилар. Ниятларига етмаганликлари сабабли ўзларининг қобилиятли шогирдлари Муҳаммад ибн Исмоил (Имом Бухорий)га шу ишни охиригача етказишни буюрдилар. Манбаларда Қайд қилинишича, Абу Ҳафс Кабир Бухорий Имом Бухорийга дарс бериб, у кишидаги ҳадисга бўлган муҳаббатни билгач, Имом Бухорий Ҳақларида дуо қилиб: «Келажакда Бу кишидан улуғ муҳаддис чиқади!», деб каромат этганлар. Имом Абу Ҳафс Кабир замонасининг мұжаддид олимни сифатида тан олинган. Бу зотнинг бизгача етиб келган ноёб асарлари бундан кейин ҳам мусулмонларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Исломшунос олим Аширбек Мўминовнинг қайд этишича, ҳанафийлик мазҳабининг Мовароуннахрга кириб келиши ва ёйилиши асосан Бухоро орқали амалга оширилган.

Бухорода фаолият олиб борган “Садруш- шариъа”лар ва уларнинг оила аъзолари фикҳ илмини ўз замонасининг машҳур олимларидан олганлар. Бу силсила Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Кабирга етиб боради. Абу Ҳафс Кабирнинг шуҳрати Бухорога, қолаверса, бутун ислом оламига тарқалди. Олимлар унинг илми фазлини баҳолаб, Абу Ҳафс Кабирни “Муаллими Ислом” яъни “Ислом динининг муаллими”, унинг шарофати билан Бухорони “Куббатул ислом” (“Ислом динининг гумбази”) ва у киши яшайдиган маҳалла дарвозасини “Ҳақроҳ” (“Ҳақ йўл”) деб аташган. Ҳатто, араб диёри олимлари бирон- бир масаланинг жавобини топишда қийналиб қолишиса, Бухорага Абу Ҳафс Кабирнинг олдига бир кишини юбориб, ўша масаланинг ечимини билиб олишар экан.

Наршахийнинг ёзишларича, Бухоро Абу Ҳафс Кабир туфайли «Куббатул ислом» номини олган. У кишининг ўғли Абу Абдуллоҳни (Абу Ҳафси Сағир деб ҳам атаганлар) илмлари шу даражага етганки, ҳожилар

карвони Каъбадан қайтаётганда, уларнинг уламолари Хожа Имом Абу Ҳафс ёнларига бориб, у кишидан муаммо масалаларга жавоб сўрар экан.

Шунда Абу Ҳафс: «Ўзинг-ку Ироқдан келяпсан, Нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?» деганда, у олим: «Бу масалада Ироқ Олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога боргандада бу муаммони Хожа Имом Абу Ҳафс ёки у кишининг фарзандларидан сўра!» дедилар.

Юқоридаги нақлдан маълум бўляптики, Имом Бухорий, Абу Исҳоқ Гулободий Бухорий, Ибн Сино, Абдулхолик Фиждувоний каби буюк алломаларнинг Бухорода ўсиб вояга етиши беҳикмат эмас, балки Бухорода аллақачон бундай алломалар учун илму урфоний замин ҳозирланган эди.

Абу Ҳафс Кабир р.а. юқори мансаб эгалари олдида ҳам ўзига хос нуфузга эга бўлган. Жумладан, султон илтифотига ҳам мұяссар бўлган. Зандавистийнинг “Равзатул -уламо” (“Олимлар бўстони”)номли асида келтирилишича, султон Абу Ҳафс Кабир Бухорийга р.а. салла тортиқ қилган. Салла мұхим илтифот қилинган кийимлардан бўлиб, одатда амирлар уни ўzlари танлаган ва яқин кишиларига совға қилганлар.

Бухорода Мұхамад ибн Толут исмли бир амир бўлган. Бир куни у вазири Хашуя унга: “Абу Ҳафснинг олдига боришинг яхши эмас, сен унинг яқинига борганингда салобатидан ҳеч бир сўз айттолмай қоласан” – деб жавоб беради. Амир эса “ҳар нима бўлса ҳам бораман”, деб вазир билан бирга имомнинг олдига боради. Абу Ҳафс масжидда пешин намозини тугатгандан сўнг вазир имомнинг ҳузурига кириб, ундан: “Амирнинг киришига рухсат борми?”, – деб сўрайди. Вазир розилик жавобини олгач, амирни ичкарига таклиф этади. Шунда амир кириб, унга салом беради ва бошқа бирон- бир сўз айта олмайди. Абу Ҳафс унга юзланиб: “Нима иш билан келдинг?”, – деганда, амир гапирмоқчи бўлиб ҳар қанча ўринса ҳам, лекин тили калимага келмайди. Бу вақеадан сўнг Хашуя амирдан: “Хожа Абу Ҳафс қандай экан?” – деб сўраганда, амир унга: “Сен айтгандек экан, унинг ҳузурида ҳеч гап гапира олмай ҳайронликка тушиб қолдим, неча марта хукмдорнинг ҳузурига бориб у

билан сўзлашганман. Ҳукмдорнинг ҳайбати мени сўзлашишдан тўхтата олмаган эди, бу ерда эса у кишининг салобатидан сўз айтолмай қолдим”, – деб жавоб берган.

Олим фиқҳнинг турли масалаларига доир қўп асарлар ёзган. Булардан “Фатавои Абу Ҳафс Кабир”, “Китабул имон” айниқса машҳур бўлган. Абдулкарим Самъоний айтишича, Абу Амр Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Хузой ал-Мохий: “Мен Абу Ҳафс Кабирнинг “Китабул имон” китобларидан таълим олганман”, деган. Абу Ҳафс Кабирнинг фиқҳга доир турли масалалар ёритилган “Ал-Аҳвөъ вал ихтилоф” (“Ҳавоий гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар-Радду алал лафзия” (“Юзаки қаровчиларга раддия”) каби асарлари ҳам бор.

Абу Ҳафс Кабир раҳматуллоҳ алайхнинг берган фатволари, унинг асаридан олинган иқтибослар кейинги давр уламоларининг фиқҳий асарларида кенг истифода этилган. Жумладан, унинг фикрлари Алоуддин Бухорийнинг “Ҳайратул- фуқаҳо”, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий”, Бурҳониддин Маҳмуднинг “Муҳитул- Бурҳоний”, Абу Бакр ибн Масъуд Косонийнинг “Бадойиъус- санойиъ фи тартиби-ш- шароиъ”, Абу Музаффар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (ваф. 1118/1707 й.)нинг буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий бошчилигига 23 нафар фақиҳ томонидан ёзилган “Фатовойи Оламгирий”каби қатор асарларда учрайди. Баъзи асарларда Абу Ҳафс ҳақида алоҳида боб ажратилган. Масалан, Сўфи Аллоҳёрнинг “Маслакул- муттақин” асарида “Ҳикояти Хожа Абу Ҳафс Кабир Бухорий”, “Баёноти Абу Ҳафс Кабир” сарлавҳалари остида икки боб ажратилган. Биринчи маснавий ўттиз олти мисрадан иборат.

Бундан ташқари, Сўфи Аллоҳёр Абу Ҳафс Кабир асарларидан фойдаланиб, “Фарзанларга насиҳат” бобида яхши ҳулқ, одоб, яхши инсоний фазилатлар, ҳақ-ҳукуқини таниш, ота-она, қариндош, ёр биродарларга ёрдам кўлини чўзиш, уларнинг хурматини қозониш, меҳнатни улуғлаш каби отанинг насиҳатлари баён қилинган. Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Мозороти Бухоро” (“Тарихи Муллозода”) номли асарида ҳам олим ҳақида алоҳида бўлим

ажратилган. Айрим адабиётларда бошқа муаллифларнинг асарларига “Абу Ҳафснинг асари” деб янгиш тарзда нисбат берилган. Масалан, 2017 йилда нашр этилган “Маслакул муттақин”нинг илова қисмида Абу Ҳафс кабирнинг “Китоб ал-аҳво вал- ихтилоф” номли китоби ҳам бўлган дейилади.

Яна ислом энциклопедиясида ва Ўзбекистон Миллий энциклопедияларида “Абу Ҳафс Кабир “Ал-Аҳвоъ-вал-ихтилоф” (“Ҳавоий гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар-Радду ала-лафзия” (“Ҷозаки қаровчиларга раддия”) китобларининг муаллифидир”, деган жумлаларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, Умар Ризо Каҳҳоланинг “Муъжамул- муаллифийн”, Султон Муҳаммад ибн Қаландаршоҳнинг “Рисолайи сultonий” номли асарларида ва яна бир қанча табақот жанридаги китобларда бу асарнинг муаллифи Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс деб келтирилади. Абдулкарим Самъоний бу китоблар билан бир қаторда, Абу Ҳафс Сағирнинг “Китобул- иймон” номли асари ҳам борлигини эслатиб ўтади. Бироқ, бундан у зотнинг ўзи таълиф қилган бирон-бир китоб йўқ экан-да, деб шошилинч хулоса чиқариш керак эмас.

Зотан, манбаларда Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг қаламига мансуб “Китобут- тахриж” номли асарнинг бўлганлиги қайт этилган. Масалан, Тошкен ислом университетининг “Манбалар хзинаси”да сақланаётган 72-ашёвий рақамли қўлёзма ва Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (бундан кейин ЎзФАШИ – Л,А)нинг қўлёзмалар фондида сақланаётган Лутфуллоҳ Насафийнинг (14 аср) “Фиқҳи Кайдоний” китобига Саъдуддин Тафтазоний (722/792 – 1322/1392) томонидан ёзилган шарҳнинг нусҳаларида бу ҳақда аниқ маълумот берилган: “...устознинг бир асарлари бор бўлиб, Хожа Абу Ҳафс Кабир уни “Китобут- тахриж” деб номлаганлар. Ва унда “Тасмия”нинг маъносини қўйидаги жумлалар билан шарҳлаганлар... .Бироқ, биз танишиб чиқсан қўлёзма жамғармаларининг каталогларида “Китобут- тахриж” учрамади. Ажаб эмас, келажакда қўлёзма жамғармалари, архив ва хусусий кутубхоналардан мазкур

асарнинг бирон- бир нусхаси ёки олимнинг қаламига мансуб бўлган бошқа асар топилса.

Абу Ҳафснинг зеҳнлари баёни:

Абу Ҳафс Кабирнинг ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги турли ҳикоялар манбалар орқали бизгача етиб келган. Масалан, “Салоти Масъудий”да келтирилишича, Хожа Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Халаф Айюб ва Хожа Абу Сулаймон Журжонийлар Муҳаммад Ҳасаннинг шогирдларидан бўлганлар. Халаф Айюб ва Журжонийлар бир йилда ёд олган сабоқларини Абу Ҳафс бир ойда, улар бир ҳафтада ёд олган нарсаларини эса бир кунда ёд олар эканлар. Хожа Абу Ҳафс ёд олган нарсаларини ёзмас эдилар. Улар нега китоб ёзмайсиз деган саволга: “Ман шул тариқа илм ўрганаманким, қоғозга ёзмоқға ва китобга ҳожат қолмагай, мен кўкракка ёзарман”, деб жавоб берардилар. Шунда улар: “Тўғри айтасиз, аммо, агар сизга ажал етса, сиздан китобат мўминларга ёдгор қолмайди” – дедилар. Хожа эса уларга:

“Менинг йўлимда дарё бор қўрқарманки, мабодо кемага сув кириб китобларимни хўл қилиб нобуд бўлғай”, – деб жавоб бердилар. Ахири, улар Хожани китоб ёзишга кўндиридилар. Шундан сўнг, Абу Ҳафс Кабир китоб ёздилар. Таҳсил олиб бўлганларидағ сўнг, учалови ҳам фатво беришга ижозат олиб, ўз юртларига қайтдилар. Халаф Айюб Балхга, Хожа Абу Сулаймон Журжоний Самарқандга ва Хожа Абу Ҳафс Кабир кемага ўлтириб Бухорога кеттилар. Хожа каромат қилганлариdek, кемага сув кирди ва барча китоблар тамом хўл бўлиб, ўқиб бўлмайдиган даражага етди. Абу Ҳафс юртига яқинлашганда, Бухорога одам юбориб, аҳволини маълум қилишни ва у ердан қалам, қоғоз ва сиёҳ келтиришини буюрдилар. Керакли нарсалар келтирилгандан сўнг, барча китобларни қайтадан хатосиз зеҳнлари самараси билан ёздилар. Фақат уч масалада (Бир ривоятда эса, беш масалада) ихтилоф воқе бўлди, дея келтирилади.

У кишининг қаҳатчиликда қилган тадбирлари баёни: Яна шу китобда келтирилишича, Бухорода бир йил қаҳатчилик бўлиб бир харвор бўғдойнинг баҳоси 100 тангага етишган экан. Хожа хазиначиларини чақириб ҳамма

молларни чиқариб сотиб, пулига буғдой харид қилишни буюрибдилар. Бухоро халқи Хожага таъна қила бошладилар. Қаҳатчиликдан халққа танглик этишганда, Хожа хазиначиға омборларни очиб бир харвор бўғдойнинг баҳоси 90 тангага сотишни айтибдилар. Бухоро халқи келиб бир харвор буғдойни 90 тангадан харид қилибди, шу тариқа бир харвор буғдойнинг баҳоси 90 тангага қарор топибди. Хожа яна буғдой олиб, омборлар тўлгандан сўнг 80 тангадан баҳо қўйиб сотишга буюрадилар. Шу тариқа буғдойнинг баҳоси 80 тангага тушади. Алқисса, шу тадбир билан буғдой баҳосини то ўн тангага келтирадилар. Кейин хожа хазиначини чақириб унга: “Кел қўрайлик, биз қанча фойда кўрибмиз”, – дедилар. Хазиначи: “Юз тангалик буғдой ўн тангага тушди аммо, хазина бўшаб қолди”, – деди. Хожа: “Сен билмабсан, онча хазина охират хазинасидир. Биз охират хазинасини тўлдирдик”, – дедилар. Бу Хожанинг саховатларидан бири эди.

Абу Ҳафс ал- Кабир Бухорийнинг фазилатлари:

Абу Ҳафс ал- Кабир Бухорийнинг жуфти ҳалоли ҳам ниҳоятда илмли аёл бўлиб, фақихга доим қимматли маслаҳатлар берар ва унинг қарашларига жиддий муносабатлар билдиради.

Ҳикоят: Хожа Абу Ҳафс Кабир пирлари ижозат бериб: “Бухорога бориб йўл кўрсатинг ва панд насиҳат қилинг”, – дедилар. Хожа Абу Ҳафс Кабир хотинларига маслаҳат қилдилар. Заифалари айтдиларки: “Ё имом, аввал ҳеч нарса эгасидан бе ижозат едингизми?” Хожа айтди: “норасидалик вақтимда бир куни оташ паастларнинг кучасидан борар эдим. Бир гандони пиёзга ўхшаш кўкат баргини олиб едим. Сени сўзинг билан у гуноҳим ёдимга келди”. Хотини айтди: “Эй хожа, кишининг ҳаққи сизда бордур, сўзингиз ҳалойиққа таъсир қилмас. Бу гуноҳингиз билан уялмайсизми Бухорога бориб ваъз айтаман дегани?” хожа бу сўзни эшишиб оташпаастнинг қўчасига югурди. Кўзидан ёши оқди. Ул гандонанинг эгасини топиб, озироқ ялинди, ёлвордики рози бўлгин деб, рози бўлмади. Хожа айтди: “Эй биродар, ўша гандона барги учун бир танга берайин”. У қабул қилмади. Охири Хожи: “Юз танга берай”, деди. Шунда у кофир айтди: “Эй Хожа, бу сўзни сенга ким айтди?” Хожа:

“Заифам айтди”, деди. Кофир айтди: “мен ҳам бу кеча хотиним билан маслаҳат қилиб жавобини айтаман”, деди. Тарсо уйига бориб, хотинига бу сўзларни баён қилди. Хотини: “бир барги гандона учун сендеқ кофирга бунчалик тавалло қилибди демак унинг дини ҳақ экан. У Хожа яна эртага келса, уни динига кирайлик”, деди. Тарсонинг ҳам кўнгли мойил бўлди. Эртаси Хожа борди. Икковлари Хожанинг олдида иймон келтириди. Уларни кўриб кофирнинг қариндошлари ҳаммаси мусулмон бўлди. Бу тақволари ҳамма жойга тарқалди ва бутун Бухоро халқи ул зот бормасларидан туриб иймон келтиридилар.

Имом Абу Ҳафс айтдилар: “Таҳоратим йўқ ҳолида қоғоз бозоридан ўтмадим”. Фақих Абу Лайс Самарқандий айтдилар: “Юз туюнинг кейнидаги туюда Қуръон бўлса, аввалги туюнинг жиловини бетаҳорат ушламадим”. Ҳикоят: бир подшоҳ шикор қилиб, шикоридан адашиб бир қишлоққа кирди. Анда бир уйга тушди. У уйда тонг отгунча роҳат қилиб ухламади. Субҳда уй соҳиби айтди: “нима учун ухламадингиз?” Подшоҳ айтди: “Мен қандай роҳат қилайки бу уйда каломуллоҳ бордир”. Уй соҳиби айтди: “Агар менга билдирсангиз ўзга уйга олар эдим”. Подшоҳ айтди “Хуп ғафлат қилмоқ учун “Каломуллоҳни олғил”, дейишга шарм қилдим. Агар ундей десам жонимга жафо бўлар эди”.

Эй азизлар! Подшоҳ шунаقا тақво қилса, фуқоролари қачон хилоф қилур!

Каломуллоҳни қунлик вазифа қилганлари баёни: Имом Абу Ҳафс Кабир бир кеча-кундузда Қуръон каримни икки марта хатм қилас, одамларга дарс ҳам берар эди. Кексайиб заифлашгач, бир марта хатм қиладиган бўлди. Яна ҳам заифлашиб қолгач, то дунёдан ўтгунига қадар, бир кеча-кундузда Каломуллоҳнинг ярмини ўқийдиган бўлди. Етти ёшларида Қуръони каримни тўлиқ ёдлаганлар. Аллоҳ таоло у зотни раҳматига олсин.

Ривоят қилишларича, Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорода ҳанафий мазҳаби асосида таълим бериладиган илк мадрасани қурдирган. Бу мадраса ҳозирги “Пойи Калон” мавзеида бўлган. Аллома уйларидан мадрасага боришда бозор

орқали ўтардилар. Шунда ҳайбатларидан бозорчиларнинг шовқин-сурони тўхтаб қоларди.

Ривоят қилишларича, Яхё ибн Наср шундай деган: “Мен Хожа Абу Ҳафснинг хузурида бўлдим. У эрталабки намозини ўқиб бўлиб, қиблага қараб ўтирас ва бир нарса ўқир эди.

Кун чиққач, орқасига қараган эди, у илм ўргатадиган шогирдлари ҳали келмаган экан. Ўрнидан туриб тўрт ракат намоз ўқиди ва мана шу тўрт ракат намозида Қуръони каримдан Бақара, Оли имрон, Нисо ва Моида сураларини (Қуръондан 127 бетгacha) қироат қилиб салом берганида ҳам жамоа ҳозир бўлмаган эди. У яна ўрнидан туриб, ўн икки ракат намоз ўқиди ва Раъдгача қироъат қилди”. (Қуръондан 249 бетгacha).

Ҳазрат Абу Ҳафс илмиятидан фойдаланиб, “Чаҳор китоб”, Суфи Аллоҳёрнинг “Маслакул муттақин” китоблари юзага келганлиги манбаларда такидланади.

Ҳазрати Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафат-ул қулуб” асарларидаги “Ғийбат-гап-сўз-ифво” бобида Абу Ҳафснинг қуидаги гапларини мисол келтиради: “Бирорнинг ифво қилишнинг гуноҳи бир Рамазон ойи рўза тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир”.(110-бет). Ва фақих бу сўзларига илова қилиб ўшбу сўзни келтиради:

Маълумки, Бухоро Шахрида биринчи бўлиб Қутайба ибн Муслим томонидан 712 йил масжид бино қилинган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу масжид ўша даврда ҳам мактаб, ҳам мадраса вазифасини ўтаган.

Имом Бухорий тўғилмасданоқ Бухоро «Қуббатул ислом» — ислом динининг гумбази деган ном билан машҳур бўлган. У зот ҳамма жойи маконни олими забардастларга тўлдирган бир маҳалда тўғилганлар. Абу Бақр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ёзилишича, Имом Бухорийнинг тугилган йилларида – ҳижрий сананинг 194 йили яъни, (шаввол ойининг 13 куни) мелодий 810 йилда (20 июль) кунига тўғри келади. Демак бу ислом ривожланиши у кишида катта бир мақсадларни хосил қиласиган маконга

айланган десак, муболаға бўлмайди. Бу вақтда Бухоро олимларидан Хожа Ином Абу Ҳафс Кабирнинг довруғи ҳам етти иқлимга етиб борган эди.

У зоти шариф ҳанафийликнинг ҳақиқий тирик забардаст олими ва тарқатувчиси эди у киши туфайли барча атрофидаги бирор шаҳар бошқа мазҳабга қарамасдилар. Чунки ҳамма мазҳабларнинг асли Абу Ҳанифадан тарқаш сабабларини кўрсатарди. Ином Шофеъийлар ҳам у кишининг невара шогирди ҳисобланишини ўша замон вакили бўлиб яхши тушунтирадилар. Ўзлари Ином Шофеъий билан замондош ва бир йилда яъни: 150 ҳижрий йилда тўғилганлар. Буюклар аҳволини буюк китоблар ва буюк устозларнинг қўлида таълим олганларнинг эътирофи ила тушунамиз.

Аслида бу таърифни биз Садруш шариъани таърифи билан яхши тушунсак бўлади. У зоти шариф Ином Бухорий раҳматуллохи алайҳ ҳақларида шундай дейди: У зоти шариф пиrimiz, устозимиз, мақоми ва мартабаси ва фазилати тенги йўқ муаллимимиз, деб кейин у зотнинг ҳаққига яхши дуоларни қилиб жуда ҳам юмшоқлик ва мулоҳимлик билан ҳадис айтиш қоидаларига тўлиқ амал қилиб, кейин ҳадисни ўз масалаларига хужжат қилганларини келтириб ўтадилар. Лекин шуни ўнитмаслик керакки шундай буюк муҳаддис И smoil Бухорий р.а. Абу Ҳафс Кабир раҳматуллохи алайҳининг буюк шогирдларидан ҳисобланади ва у зотнинг буюк дуолари шарофатидан шу мартаба ва мақомни эгаллаганлар.

Шак йўқки улуғлар дуоси ва шарофати билан инсон умуман етиб бўлмайдиган кирраларни босиб ўтиш мумкин. Ином Бухорий раҳимаҳуллоҳ замонида у кишидан ўтадиган бирор- бир киши бўлмаган. У зот айтадилар менга тенглашадиган бирор- бир киши йўқ бўлса ҳам у зот палончи устозим мендан кўра илмда юқори турди, деб айтган эканлар. Бу гапларидан сўнг у устозларидан бу гапни сўраганларида устозлари у аслида илмда мендан юқорилаб кетган лекин айрим масалаларда мен билан тенглашганидан шундай, деган деб у зотни ўз устозлари буюклигини таърифлаган экан. Ҳар бир замонда олимлар ичida етиб бўлмайдиган мақом ва мартаба бўлади, уни олимлар ўзлари ҳам эътироф қилиб ўз замонасидаги олимлар билан ўзларини

тарозига солиб ким мақомда қандай натижага эга эканликларини ҳар хил йўллар билан аниқлашганлар.

Бағдодлик аллома Имом Муҳаммад Ҳасан Шайбоний Абу Ҳафс Кабир раҳимаҳуллоҳга ижоза берган. Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳаби асосида фиқҳ илмининг сир- синоатларини Мовароуннаҳрда, Ўрта Осиёда биринчи маротаба тарқалишида жонбозлик кўрсатган зотдир. Бу дуонинг шарофатидан бутун Мовароуннаҳр ва қўшни давлатларни илм нурига тўлдириб ташлади. Бу зот келмасданоқ тақволарининг натижасиданоқ бутун Бухора ҳалқи таслим бўлди. Бу зотнинг сўзлари ва иршодлари ва кўрсатмалари орқали улар қалбий касалларига шифо топишли. Бутун қалбий касалликлардан фориғ бўлганлар бу кишига шогирд тўшарди. Бир ўзлари 40 дан ортиқ мадраса таъсис этди ва дарс ҳалқаларини пайдо қилди. Гўё у зотга келган шогирдлари ана энди ҳақиқий ҳаётда яшаётганларини айтишарди.

### ***АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ИСҲОҚ АЛ БУХОРИЙ КАЛОБОДИЙ***

Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ алБухорий [(? , Калобод (Бухоро ш. яқинида)—990 ёки 995, ?) - ҳанафийлик фақиҳи, тасаввуф бўйича араб тилида ёзилган энг машҳур илк асарлардан бирининг муаллифи. Бухорода вафот этган деб тахмин қилинади. Калободий ҳуқуқни Муҳаммад ибн Фадладан ўрганганд, суфий шайх Қосим Фарисга шогирд тушган. Калободий ёзган 5 ёки 6 асардан 2 таси бизгача етиб келган. Пайғамбарнинг баъзи ҳадисларига ахлоқий тусдаги қисқа шарҳ – “Маъоний ал-ахбор ва ат-таъарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасаввуф” (“Хабарлар маънолари ва тасаввуф ахли мазҳаби билан танишиш китоби”) исломнинг биринчи уч асрида тасаввуфни ўрганишда асосий асарлардан бири бўлди. Китобни суфийларнинг кейинги авлодлари юқори баҳолаган. Хусусан, шайх Яҳё ас-Сұхравардий ал-Мактұл (1191 й. в. э.) “агар “Ат-Таъарруф” бўлмаганда тасаввуфдан бехабар қолардик» деган эди.

Суфийларнинг қарашлари ва амалиёт усули баён этилган бу асарда тасаввуфнинг ислом ақидаларига тўғри келмайдиган жиҳатларини

келиштиришга уриниш бор эди. Бунда тасаввуф бутунлай «тақводорлик» доирасидан чиқмайди, у ўзининг диндорлик йўлига шубҳа туғдирмайди деб тушунирилган. Асар 75 бобдан иборат, уни 3 қисмга бўлиш мумкин: биринчи-тарихий қисмида суфий ва тасаввуф тушунчасига таъриф берилади, машхур мутасавифлар, уларнинг тасаввуфии жасоратлари ҳақида ҳикоя ва ривоятлар; иккинчи-диний ақидаларни ҳимоя қилувчи қисмида суфийлик ақоиди усули, мутасавифлар тақводорлигининг исботи; учинчи-тасаввуф амалиёти қисмида тасаввуф йўлининг асосий босқичлари, суфийлар ўртасида қабул қилинган баъзи атамалар баён қилинади. Калободий асарига кўплаб шарҳлар ёзилди. Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлийнинг (1042 й. в. э.) форс тилида ёзган «Нур ал-мурийдий («Муридлар нури») асари шухрат қозонди. (Муаллиф К. билан ватандош бўлган. Шу туфайли уни Калободийга шогирд бўлиши керак деб ҳисоблашади). Бу шарҳ тасаввуф тарихига оид манба сифатида деярли оригинал асардан қолишмайди. Унинг фиҳристларидан бири 1081 й. 7 апр. да кўчирилган, бу бизгача етиб келган қад. форсий қўлёзмалардан иккинчиси ҳисобланади.

## **ДАҚИҚИЙ БУХОРИЙ**

(асл исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад) (956, Балх — 980, Бухоро) - форс-тожик шоири. Дақиқий ёшлигига ўқиш учун Бухорога келган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. Дақиқий сомоний амирларидан Мансур ибн Нуҳ (961-76 й.) лар хукмронлик қилган) ҳамда Абулқосим Нуҳ ибн Мансур (976-997 й.) лар хукмронлик қилган) саройида хизмат қилган. Дақиқий шарқ адабиётида мавжуд лириканинг барча жанрларида шеърлар ёзган. Эски манбаларда унинг қасида, ғазал, рубоий, қитъа, баҳориёт, чистон сингари жанрлардаги асарлардан таркиб топган девони борлиги таъкидланган. Лекин ҳанузгача шоирнинг қўлёзмаси топилмаган. Шоир меросидан айрим намуналар тазкира ва луғатлардагина сақланиб қолган. Дақиқий қасидагўйлик ва ғазалнавислиқда устод санъаткор даражасига кўтарилиганди. У ўз шеърларида дўстликни,

муҳаббатни, маърифатни куйлаган; қасидаларида донишманд, одил подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш ғоясини ифодалаган. Бундан ташқари Д. Абулқосим Нух ибн Мансур Сомоний топ-шириғи билан қадимги аждодлар тарихи ҳақида «Шоҳнома» ёзишга киришади. Аммо 1000 байтдан иборат «Аржасп ва Гуштасп» достонини ёзиб тугатган пайтида ўз ғуломи томонидан ўлдирилади. Кейинчалик Фирдавсий бу достонни ўз «Шоҳнома»сига киритган. Асарда Заратуштранинг пайдо бўлиши, Гуштасп ва б. аёнлар унинг динини қабул қилишлари, Турон подшоҳи Аржаспнинг бу воқеадан норозилиги ҳамда Гуштасп билан Аржасп ўртасидаги уруш ҳикоя қилинган. Мазкур жангнома Эрон ва Турон халқлари тарихини, жумладан, зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

### **ИМОМ ИСМОИЛ АЛ БУХОРИЙ**

Бу буюк зот Мовароуннаҳрнинг энг кўхна ва гўзал шаҳарларидан бўлмиш Бухорои шарифда, ҳижрий 194 йил Рамазон ойининг 13-санада, жума куни таваллуд топдилар. Имом Бухорий бутун ҳаётларини, интилиш ва ҳаракатларини ҳадис илмига бахшида этган эдилар. Жуда оз ухлар, уйкудан ташқари пайларда эса атрофдагилар у кишини ё устозлардан ҳадис эшитаётган ёхуд ёзиб олаётган, ё ўзлари шогирдларга ҳадис айтаётган, ё ёлғиз ўтириб, қўлда қалам билан жамлаган ҳадисларининг нодир жойларини қайд этиб ўтирган ҳолда кўрап эди. У кишининг ҳар бир куни илм олевчи, таълим берувчи ва китоб таълиф қилувчи мақомида ўтарди. Буларнинг гувоҳи бўлган шогирдлари Ибн Абу Хотим бундай дейди:

“Бухорий билан сафарда бирга бўлиб, бир уйда тунашга тўғри келди. Ўшанда шунинг гувоҳи бўлдимки, у киши бир кечанинг ўзида ўн беш мартадан йигирма мартагача уйғониб, ҳар гал чақмоқ тошни ишлатиб чироғини ёқар, тўплаган ҳадисларининг саҳиҳларини ажратиб, белгилаб қўяр эди. Сўнг чироқни ўчириб, бошини ёстиққа қўяр эди”. Имом Бухорийнинг ҳадис ёдлаш қобилиятлари, зеҳнларининг ўткирлиги тилларда достон бўлиб кетган эди. У киши ўзларининг шоҳ асарлари бўлмиш “Жомеус-саҳиҳ” таълиф

қилиш олдидан жами олти юз минг, шундан юз минг саҳиҳ ва икки юз минг саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёд олганларини зикр этган эдилар. У киши “Саҳиҳ”дага ҳар бир ҳадисни қўшиш олдидан фусл қилиб, сўнг ҳадисни ёзар эдилар. Ҳадис илми равнақи йўлидаги буюк хизматлари учун “Имомуд-дунё” (Дунё имоми) мақомига мушарраф бўлган эдилар.

Замондошларининг гувоҳлик беришларича, Имом Бухорий ҳазратлари жисман нозик, озғин, ўрта бўйли, нафсини бир маромда ушлаган, таомни жуда кам истеъмол қиласиган фазилатли, тамкинли инсонлардан эдилар. У кишининг зуҳди-қаноати ва тақвоси ҳаммага ибрат эди. Имом Бухорий нафс риёзати, тўғрилик ва ҳалоллик билан зийнатланган ва танилган эдилар. Ҳалоллик йўлида ҳар қандай машаққатни зиммага олардилар. Ҳаётларининг энг оғир дамларида ҳам бирордан бир нарса сўрамас, одамлар миннатидан юзларини сарғайтирмас эдилар. Очликнинг қийноқларига чидаб, кўкат ейиш ёки сув ичиш билан чора топардилар. Ваҳоланки, Абу Абдуллоҳ ҳаётда бой одам эдилар, оталаридан жуда катта мол-давлат мерос қолган эди. Аммо у киши охиратдаги ҳисоб-китобда масъул бўлмаслик учун дунё неъматларидан воз кечган эдилар. Бухорийнинг ўzlари айтишларича, ҳар ойда беш юз дирҳам фойда олганлар ва ҳаммасини илм йўлида сарфлаб юборганлар. “Чунки бу сарфиёт Аллоҳ йўлида бўлгани учун энг яхши ва боқий қолувчи сарфиётдир”, деганлар. Имом Бухорий гўзал хулқли, ҳамма ёқтирадиган одам бўлганлар.

Муҳаммад ибн Абу Хотимнинг айтишича, Имом Бухорий бундай деганлар: “Гийбатнинг ҳаромлигини билганимдан буён бирор кишини гийбат қилмадим. Аллоҳга рўбарў бўлганимда бирор кишини гийбат қилмаганим ҳақида мени ҳисоб-китоб қилмаслигидан умид қиласман”. Бир гал Абу Маъшар исмли бир ожиз кишининг беихтиёр қилган қилиғига қараб табассум қилиб қўйганлари учун бориб ундан кечирим сўраганлар. Бошқа бир пайт қамон отишни машқ қилаётганларида отган ўқлари ўша жойдаги кўприкнинг қозигига тегиб, уни синдириб қўйди. Шунда у киши шогирдларидан бирига пул бериб, кўприк эгасидан узр сўраш ва кўприкни тузатиш харажатига пулни олиш таклифи билан жўнатдилар. Кўприк эгаси Имомга бўлган хурматидан

эваз олмай, уни ўзи тузатиб қўйишга ваъда берди. Шунда Имом азбаройи хурсанд бўлганларидан шу куни шогирдларга беш юз ҳадис ўқиб бердилар ва уч юз дирҳам садақа қилдилар. Имом Бухорийнинг Аллоҳ таолога бўлган имон-ишончлари ботину зоҳирларидан яққол кўриниб тураг эди. Ибодатда бутун қалблари, ҳар бир аъзолари билан хушуъ-хузуъда, ихлос билан Аллоҳнинг Ўзига юзланар эдилар. Доимо Қуръони каримни тиловат қилардилар. Аллоҳ таолога дуолари ижобат эди. Имом Бухорий ҳазратлари ўзларидан улкан илмий мерос қолдирдилар. Ёш бўлатуриб, дунёга машҳур асарларни ёздилар.

Хатиб Бағдодий Имом Бухорийнинг шундай деганларини ривоят қилган: “*Ўн саккиз ёшига етганимда саҳоба ва тобеинларнинг масала ва қавлларини тасниф қила бошлидим...* Ўша пайтда “Китобут-тарих”ни *Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари ёнида ойдин кечаларда тасниф этганман*”. Имом Бухорийнинг жами асарлари йигирмадан ошади. Улар орасида “Китобут-тарих”дан ташқари одобга оид бир минг уч юздан ортиқ ҳадисни жамлаган “Адабул-муфрад” алоҳида ўрин тутади. Булардан ташқари, “Китобус-сунан фил фиқҳ”, “Халқу афъолил-ибод”, “Зуафоус-сағир”, “Ал-асмөв ва куно”, “Биррул волидайн”, “Жомеул-кабир”, “Муснадул-кабир”, “Тафсирул-кабир”, “Китобул-илал” каби йирик асарлар бор. Булар ичида “Жомеус-саҳиҳ” китоби бу асарларнинг гултожи, ҳадис китобларининг энг аълоси ва мукаммали, Имомнинг шоҳ асарларидир. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг вафотлари ҳижрий 256 (милодий 870) йил Рамазон ҳайити кечасида бўлди, ҳайит куни пешин намозидан сўнг дағн этилдилар. Фано дунёсида ўн уч куни кам олтмиш икки йил умр кечирдилар.

2017 йилда Имом Бухорий мажмуаси ёнида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилиши бошланди. 6 гектар майдонни эгаллаган марказ биносида ҳадис, қалом ва қироат илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, қўлёзмалар кутубхонаси, музей ташкил этилади. 2017 йилнинг 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-

сессиясида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Куръони каримдан кейинги энг мўтабар китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

### **МУҲАММАД ЖАҲФАР НАРШАХИЙ**

Абу Бакр Наршахий — Марказий Осиё тарихнавислигининг ilk қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шухрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943—944 йилларда араб тилида ёзган ва уни шу йилларда таҳтга ўтирган Сомонийлар давлати ҳукмдори Амири Ҳамид, яъни Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Ахмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943—954)га бағишилаган. «Бухоро тарихи»нинг ўзида ҳам бошқа тарихий манбаларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига дойр бирор кенгроқ маълумот учрамайди. Факат XIII аср муаллифи Самъонийнинг «Китоб ул-ансоб» асарида унинг тўла исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро аҳлидан (Наршах қишлоғидан) бўлиб, 286 ҳижрий (899 мелодий) йили таваллуд топган ва 348 (959) йили вафот этганлиги эслатилади.

Афсуски, «Бухоро тарихи»нинг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келган эмас. Бизга насиб бўлгани бу форс тилига таржима қилиниб, қарийб уч аср давомида бир неча бор таҳrir, қисқартиш ва қўшимчаларни бошидан кечирган нусхадир. Асарнинг сўз бошисида айтилишича, 1129 йили асли ҳозирги Қува шаҳаридан бўлган Абу Наср Ахмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий Наршахийнинг китобини дўстларининг илтимосига биноан араб тилидан форсийга таржима қилган ва бунда у асарнинг баъзи жойларини қисқартирган; аммо, шу билан бирга айрим қўшимчаларни ҳам киритган.

Шундан ярим аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна қайтадан таҳrirга учраган; 1178—1179 йиллар давомида Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни

иккинчи марта қисқартириб баён этган. Аммо асарни ўқир зканмиз, биз унда мазкур 1178 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳам қисқа-қисқа маълумотларни учратамиз. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Муҳаммад ибн Зуфарнинг қисқартиришидак (яъни 1178 йили) кейин ҳам бир неча номаълум кишилар ана шу форсий таржимани таҳрир қилганлар. Улар асарни яна қисқартирганлар дейишга асос бўлмаса-да, лекин қўшимчалар киритганликлари воқеалар мазмунидан кўриниб туриди. «Бухоро тарихи»нинг қўлимиздаги барча нусхалари ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Асарнинг араб тилидаги асли бизгача етиб келмаганидек, форсий таржима ҳам кейинги таҳрирчилар орқалигина мавжуддир. Чунончи, таржимон Абу Наср Аҳмад асардаги баъзи жойларни қисқартириш билан бирга, унга катта тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни киритган.

Бунда у ўзидан олдинги ишончли манбалардан фойдаланган. Улардан бири IX аср муаллифи Абулҳасан Абдураҳмон ибн Муҳаммад Нишопурининг «Хазоин ул-улум» номли асариdir. Бундан ташқари таржимон Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг «Ахбори Муқаннаъ» асаридан, Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» асаридан қўшимчалар келтирган. Таржимон Абу Наср Аҳмад ва ундан кейинги таҳрирчи, қайта ишловчилар ҳам «Тарихи Бухоро» матнига анчагина ўзгартишлар киритган бўлсалар ҳам, аммо Наршахий номини муаллиф сифатида сақлаб қолганлар. Масалан, асарда учрайдиган «бу китобнинг мусаннифи айтади» (Теҳрон нашри, 1939 й., 4- бет) деган таъкидлар буни яққол исботлайди. Лекин шунга қарамай, Наршахий ўз асарини тамомлаган 944 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлган воқеалар муаллифлари деб биз мазкур таржимон ва таҳрирчиларни танимогимиз лозим.

Наршахийнинг ўзи аслида асарга қандай ном берганлиги маълум эмас. Шунинг учун у қўлёзма нусхаларда ва тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Таҳқиқул-вилоят», «Ахбори Бухоро», «Тарихи Бухоро» номлари билан юритилади. Лекин улардан энг аниқроғи ва илмий адабиётда кўпроқ

ишлатиладигани «Тарихи Бухоро»дир. Наршахийнинг бу китобида асосан Бухоро воҳасининг обод бўлиши, овчилик, балиқчилик ва дехқончиликнинг касб этилиши, Нумижкат, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитон, Вардана каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кўтаришигача бўлган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Китобда Марказий Осиёда араб халифалиги хукмронлигининг ўрнатилиши, Ислом динининг тарқатилиши, оташпастлик ва у билан боғлик маданий ҳаётнинг инқирози, Муқанна - «Оқ кийимликлар» ҳаракати, Сомонийлар давридаги давлат идораси, маданий қурилишлар борасида турли-туман қизиқарли маълумотлар келтирилган; Бухоронинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига, айниқса, пул муносабатларига, хирож йиғиш тизимиға оид маълумотлар бор. «Бухоро тарихи»да ер-сув муносабатлари ҳақида сўзлар экан, Наршахий қадимги заминдорларни «дехқонлар», яъни «қишлоқхокимлари», зироатчиларни «кашоварзлар», яъни «ер ҳайдовчи»—«қўшимчалар», йирик ер эгаларига қарам қишлоқ аҳолисини «кадиварлар» номлари билан атайди. VIII-X асрларда Бухорода хунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсули билан шуҳрат топган.

Масалан, Зандана қишлоғида тўқиладиган ипак ва ип матолар «занданийча» номи билан бутун Шарқقا машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида «Байт ут-тиroz» номли тўқимачилик корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари Форс, Кермон, Щиндистон, Ирок, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой та-бақа бўлиб, Наршахий уларни «кашқашон» деб атайди. Савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шаҳарига «Маданият ут-тужжор» яъни «Савдогарлар шаҳари» деб лақаб берилган. Китобда Бухоро воҳасини суғорувчи анҳорлар, обод қишлоқлар, работлар ва кўшклар ҳақида маълумотлар бор. Бутун воҳа VIII-XII асрларда Кармана, Шопурком, Щарқонат ул-Улё, Щарқонруд, Овхит-фар, Сомжон, Байконруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кайфур, Руди Зар каби суғориш тармоқлари орқали

сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ бўлган.

Бухоро воҳасини ташқи хужумлардан мудофаа этиш мақсадида унинг барча дехқончилик музофотлари бир неча юз фарсаҳга чўзилган мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу девор 782-831 йиллар мобайнида қуриб битказилган ва у «Кампирак» номи билан машхур бўлган. Асарда Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси тўғрисида ҳам қим-матли маълумотлар бор. Ўрта асрларда Бухоро аркининг «Дари Регистон» ва «Дари Ғўриён» номли икки дарвозаси бўлган. Унинг ичидаги «подшоҳлар, амирларнинг тураги жойлари бўлиб, подшоҳлик девонлари ва подшоҳлар турадиган қаср қадимдан шу ерда жойлашган». 850 йилда Бухоро шаҳри янгидан девор билан ўраб олинган. Унинг етгита дарвозаси бўлган. Бухоро қадим замонларда, Нумижкат, Бумискат, Фохира, Мадинат ус-суфрия, яъни «Мис шаҳар» номлари билан аталган.

Хулоса шуки, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун қимматли тарихий асардир. Шу боис, Марказий Осиё халқ-ларининг VIII-XII асрларга бағишлиланган илмий тадқиқотларда Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуаллифи, таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Қубовийнинг қўшимчалари XIX асрданоқ кенг фойдаланиб келинмоқда, асарнинг нусхалари дунё қўлёзмалар хазиналарида қўплаб учрайди. Биргини Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 20 дан ортиқ нусха мавжуд.

Асарнинг форсий матни бир неча бор - 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йили Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр қилинган. «Бухоро тарихи»нинг Н. Лиқошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изоҳлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембриджда, Насруллоҳ Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чоп этилди. Бир неча қўлёзма ва нашрлар матни солиштирилиб,

тафовутлар қайд этилган илмий изохли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили А. Расулов ва А. Ўринбоевлар томонидан (тариҳий шахсларга изоҳ-лар Д. Юсупованики) «Фан» нашриётида нашр этилди. «Тарихи Бухоро»нинг матнини ва маълумотларини бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиб, ундаги маълумотларни манбашунослик ва матншунослик фани нуқтаи назаридан таҳлил этиш ишлари ҳали давом этмоқда.

### **БАРС БОЙКАНДИЙ**

Унинг фаолияти Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврига тўғри келиб, у 874-907 йилларда Мавороуннахрда ҳукмдорлик қилган Исмоил ибн Аҳмад ас-Самонийнинг саркардаси бўлган. Ўзининг тиришқоқлиги, ҳарбий ишга салоҳияти, интизомга қатъий риоя этиши, қийин ва оғир, мураккаб вазиятларда тез қарор қабул қила олиши билан амир Исмоил ибн Аҳмадга манзур бўлиб, оддий ёлланма аскарлиқдан марказлашган давлатнинг сипоҳсолори (лашкарбоши) даражасига етган. Шундан кейин Амир Исмоил уни Хуросоннинг Рай, Табаристон ва Журжон вилоятларига ҳоким этиб тайинлаган. Ҳокимлик лавозимида ишлар экан, бутун Хуросонда катта мавқега эга бўлган. Унинг ихтиёридаги Хуросон қўшини деб ном олган тўрт минг отлиқдан иборат гвардия нафақат Мавороуннахрда, балки халифалиқда ҳам машҳур бўлган. Амир Исмоилнинг вафотидан кейин унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоил билан ўрталарида низо келиб чиққанлиги боис Бойкандий халифалик пойтахти Бағдодга йўл олади ва халифа ал-Муқтадир томонидан Бану Ҳамдан қабилалари ерларига юборилиб, Диёр Роббия вилоятига ҳоким этиб тайинланади. Сараланган отлиқ қўшини билан вилоят ҳокими бўлиб турган Барс Бойкандийнинг янада юқори лавозимга кўтарилиб боришидан хавфсираган халифанинг атрофидаги амалдорлар унга суиқасд уюштириб ўлдирадилар. Барс Бойкандий тўғрисида Наршахий, Ибн ал-Асир, Ибн Ҳавқал ўзларининг асарларида маълумот берган.

### **АБУ АБДУЛЛОҲ РУДАКИЙ БУХОРИЙ**

Бухоро ерида улуғ олимлар ва файласуфлар яшаб, ижод этганлар. Уларнинг мероси ҳозир ҳам бутун дунёда зўр қизиқиш уйғотиб келмоқда. Улар жаҳон илм-фани, кишилик маданияти хазинасига жуда катта ҳисса кўшганлар.

Х асрнинг энг машҳур шоири «Шоирлар отаси» Абдулла Жаъфар Рудакий эди. Унинг туғилган йили номаълум. У камбағал оиласдан чиққан бўлиб, болалигидан руд (музиқий асбоб) чалишни ўрганган, ширали овози бўлиб, ашула айтган. Унинг шон-шухрати сомонийлар салтанати пойтахти Бухорогача етиб келган ва амир Наср ибн Аҳмад шоирни ўз ёнига, сарой шоир ва мусиқачилари сафида туриб ижод қилиш учун таклиф қилади. Рудакий қасидалар битишнинг моҳир устаси эди, у «Калила ва Димна», «Синдбоднома» поэмаларининг муаллифи сифатида шухрат қозонди. «Синдбоднома»да у аёл жинсининг маккорлиги ҳақида, «Араис ан-нафоисда» («Нам куртаклар»), «Даврони офтоб» («Куёшнинг айланиши») асарларида ижтимоий турмушга тааллуқли турли хил мавзуларни илгари сурган. Унинг асарларидан жуда кам сонларигина бизгача келиб етган, кўплари эса сақланмаган. Рудакийнинг энг ажойиб қасидаси – «Май онаси» бўлиб, унда шоир май ва кайфу-сафони таърифлайди. Шоир ўз асарларида ақл ва билимни улуғлайди. Рудакий ажойиб шоиргина бўлиб қолмай, у ўз замонасининг зукко олими ҳамдир. Сомонийлар саройида у шоирлар устози бўлган. Шу сабабли унинг ижодидан намуна бўларли асарлар кўпчиликни ташкил этади. Низомий Арузи Самарқандийнинг ёзиб қолдиришича, ўз замонасида донишмандлиги билан Рудакийга teng келадиган киши бўлмаган. Кейинроқ Рудакийнинг моддий аҳволи ёмонлашади, унинг кексалик қашшоқликда ўтади. Баъзи бир манбаларга кўра, унинг кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган. Рудакий 941 йилда вафот этган ва ўз қишлоғида дафн этилган. Унинг бадиий мероси жуда салмоқли бўлиб, бизгача етиб келган асарларига қараганда, у замонасининг ҳақиқий улуғ даҳоси бўлган.

Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқкан буюк мутафаккирлардан бири Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир.

Ибн Сино Бухоронинг Афшона қишлоғида 980 йилнинг сафар ойида, амалдор оиласида туғилди. 986 йилда Ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вактдан бошлаб ёш Ҳусайн бошланғич маълумот олишга, илмфанни ўрганишга киришади. Унинг ёшлиги, йигитлик ҷоғлари сомонийлар хукмронлигининг сўнгги йилларига, хусусан, Нұх II ибн Мансур Сомоний хукмронлиги даври (976–997)га тўғри келади.

Ибн Сино истеъоддли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тезда эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ Қуръони каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фикҳ, фалсафа илмлари билан шуғуллана бошлайди. Ибн Сино ёш бўлишига қарамай, Абу Абдулло Нотилий раҳбарлигида фалсафани, Ҳасан ибн Нұх Қумрийдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста-секин табиблик билан ҳам шуғулланади. У ўзидан аввал ўтган Шарқ мутафаккирларининг асарларини чуқур ўрганиш билан бирга, қадимги юонон табиийилмий, фалсафий меросини, хусусан, Аристотел, Эвклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийларнинг асарларини ҳам қунт билан ўрганди. 16–17 ёшидаёқ ибн Сино машҳур табиб – ҳаким бўлиб танилди. 1000 йилда Ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги ўз замонасининг етакчи олимларини бирлаштирган академиясига қабул қилинди. Ибн Сино Беруний, Ибн Мисқавайҳ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ каби етук олимлар билан яқиндан танишди.

Абивард, Тус, Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шахрига келган Ибн Сино ҳоким Қобус ибн Вашмгир саройида машҳур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишди.

1023 йилда Исфаҳонга борди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишилади. Ибн Синонинг “Китоб ал-қонун фит-тибб”, “Китоб ун-нажот”, “Китоб ул-инсоф” каби машхур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантиққа оид рисолалари, “Ҳайй ибн Яқзон” фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У Исфаҳонда расадхона қуриш билан машғул бўлди. Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Ибн Синонинг илмий қизиқишилари, дунёқарашининг шаклланишида қадимги Шарқ маданияти, юонон илми, фалсафаси, Марказий Осиё халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари муҳим рол ўйнади. Ибн Сино таржимаи ҳолида Форобийнинг “Метафизика мақсадлари”, “Фусусул-ҳикам” каби муҳим рисолаларини қунт билан ўргангани, улардан кенг фойдаланганини таъкидлаб ўтади.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган. Кўп рисолалари шаҳармашаҳар қўчиб юриш, урушлар, сарой тўполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Кўп манбаларда Ибн Сино, аввало, табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир, холос. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари “Китобуш-шифо” (“Шифо китоби”) 22 жилдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага доир масалалар эгаллаган. Унинг айрим қисмлари лотин тилига, Европадаги бошқа тилларга, шарқ тилларига, шунингдек, рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. 20 жилдан иборат бўлган “Китобул-инсоф” (“Инсоф китоби”) бизгача етиб келмаган, чунки Исфаҳондаги ёнгинда йўқолган. “Китобун-нажот” (“Нажот китоби”) 4 катта қисмдан – мантиқ, физика, математика, метафизикадан иборат, “Китоб лисонул-араб” (“Араб тили китоби”) 10 жилни ташкил этади. “Донишнома” форс тилида ёзилган бўлиб, 4 қисмни – мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади.

Ибн Сино асарлари ўрта асрларда Европада илмий тил ҳисобланган лотин тилига, у орқали Европанинг бошқа тилларига таржима этилган. Ибн Сино илмий рисолалардан ташқари, чуқур фалсафий мазмунли бадиий образлар ва маълум воқеалар орқали ифода этувчи “Тайр қиссаси”, “Саломон ва Ибсол”, “Хайй ибн Яқзон” каби фалсафий қиссалар яратган.

Ибн Сино замонасининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс шеъриятида рубоий жанрининг асосчиларидан бири бўлиб, рубоийлари ўзида чуқур фалсафий хулосаларни ифодалайди. Ибн Сино арабча қитъалар ҳам ёзган.

Ибн Сино табобат масалаларини оммабоп ҳолда назм билан изоҳловчи “Уржуза” номли тиббий асар яратди. Унинг Аристотел (Арасту) таълимоти хусусида Абу Райхон Беруний билан ва ўзининг шогирди – озарбайжонлик мутафаккир Бахманёр билан ёзишмалари фан оламида машхур. Айниқса, табобат, у билан боғлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар Ибн Сино ижодида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди ва янги босқичга кўтарилди. Булардан ташқари, кимё, минералогия, астрономия, математика, ўсимлик дунёси, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги-янги фикрларни олға суро олди. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги асарларидан “Китоб ал-қонун фит-тибб” (“Тиб қонунлари”), “Китобул-қуланж” (“Ичак санчиклари”), “Китобун-набз” (“Томир кўриш ҳақида китоб”), “Фужул-тиббия жориа фи мажлисих” (“Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар”), “Тадбирул-манзил” (“Турап жойнинг тузилиши”), “Фил-ҳиндубо” (“Сачратқи ўсимлиги ҳақида”), “Рисола фидастурит-тиббий” (“Тиббий кўрсатмалар ҳақида рисола”) каби асарлари мавжуд.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта рол ўйнади. Ўз ижоди, илмий фаолиятида Ибн Сино Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағи юқори маданий кўтаринкилик, маданий “уйгониш”нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатади. У ўз даврида Шарқ

ва Европада “Шайх ур-раис”, “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшоҳи” каби энг буюк номларга сазовор бўлди. Ибн Сино машҳур мураббий сифатида Абу Убайд Журжоний, Умар Исфаҳоний, Муҳаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурӣ, машҳур озарбайжон мутафаккири Бахманёр ибн Марзбон, Юсуф Ийлоқий, ажойиб олим ва шоир Умар Ҳайём каби шогирдларини тарбиялади. Уйғониш даври миниатюра ва суратларида Ибн Сино машҳур қадимги юонон олимлари Аристотел, Гален, Гиппократ, Птолемей, Эвклид билан бир қаторда тасвириланган.

Ибн Сино асарлари Европада XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилина бошлади. “Тиб қонунлари” асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. “Китоб уш-шифо”нинг кўп бўлимлари, мантиқ, музика, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам лотинчада нашр этилди. Сўнгги илмий тадқиқотлар Ибн Синонинг Шарқ адабиётига ҳам таъсир кўрсатганлигини, чукур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубоий ва фалсафий қиссалар жанрининг тараққиётига туртки берганлигани кўрсатади.

Ибн Сино халқ орасида шу даражада хурматга сазовор бўлди, у фолклор қаҳрамонига айланиб кетди. Шарқ халқларида унинг тўғрисида турли ҳикоя, ривоят, афсоналар вужудга келди. Жаҳон олимлари Ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида қўпдан бери илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳоннинг деярли барча йирик тилларида Ибн Сино ҳақида асарлар яратилган.

## **АМЬАҚ БУХОРИЙ**

Абу Нажиб Шаҳобиддин Амъақ Бухорий қораҳонийлардан Хизрхон (1079— 1080) саройида малик уш-шуаро бўлган. У XI асрнинг 40 — 50-йиллари орасида туғилиб, Ризоқулихон Ҳидоятнинг маълумотларига қараганда, 1147 (542 ҳижрий) йили, Таги Кошийнинг айтишича эса 1158 (553 ҳижрий) йили вафот этган. У форс-тожик классик адабиёти тарихида баҳор гўзаллиги, ошиқ ва маъшук латофати, муҳаббат ва унинг бешафқатлигию, тақдир бевафолигини тараннум этган қасидалари билан машҳур. Амъақ

қасидаларида илтизом услубидан кенг фойдаланган. У ҳам қўпгина сарой шоирлари сиигари, умри охирида қораҳонийлар саройидан кетиб, сўнгги ҳаётини гўшанишинликда ўтказган. Амъақ Бухорий улуғ шоирлар жумласидан; Султон Санжар замонида яшаб, «Юсуф» қиссасини назм этганки, уни икки баҳр била ўқиса бўлади. Устод Рашидиддин Ватвот унга издош эди ва унинг айтганларини «Ҳадоик ус-сехр» («Сехр боғлари»)да, мисол тариқасида, тилга олиб ўтган. Унинг ўғли Ҳамид ибн Амъақ Ҳаким Сўзаний замонида ўтган ва уни (Сўзанийни) ҳажв этган.

### **МУҲАММАД АВФИЙ БУХОРИЙ**

Муҳаммад Авфий, Нуриддин Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Усмон Бухорий (1172/77, Бухоро-1233, Ҳиндистон) - адабиётшунос, таржимон. Шарқ адабиётида тазкирачилик асосчиларидан. Бухородаги мадрасада ўқиган. 1201 й. Бухорода илек (ҳоким) саройида котиблик қилган. Хоразм, Хурросон шаҳарлари - Нишопур, Тус, Ҳирот, Марвга саёҳат қилган, Нажмиддин Кубро, Шайх Маждиддин Баг-додий каби олимлар билан мулоқотда бўлган. 1219 й. да Бухорога қайтган. Мўғул истилоси даврида Ҳиндистонга кетиб, умрининг охиригача ўша ерда яшаган. «Лубоб ул-албоб» («Мағизларнинг мағзи») тазкирасини яратган (1222—23). 12 бобдан иборат мазкур тазкира мўғул истилосидан аввалги адабиёт ва маданият арбоблари ҳақида ягона манба саналади. 1223 й. да Крзи Муҳсин Таннуҳий (Ю-а.)нинг «Алфараж» («Шодлик») асарини арабчадан форсчага таржима қилган. Авфий Бухорийнинг иккинчи йирик асари «Жавомеъ ул-хикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт» («Хикоятлар тўплами ва ривоятлар жилоси», 1228) да турли фанларга оид илмий лавҳалар, баҳслар ва хulosалар ҳикоя ва ривоят тарзида содда баён қилинган. Асар Шарқда кенг тарқалган, айрим ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

### **ХОЖА АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ**

Хўжагон тасаввуфий тариқатининг муршиди, кейинчалик нақшбандия тариқати ва таълимотининг ҳақиқий асосчиси, улуғ инсонпарвар сўфий

Абдухолик Ғиждувоний ҳисобланади. Улуг мутасаввуф олим, шайх Абдухолик Ғиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халфалари (муридлари) бўлиб, 1103 йилда Ғиждувон шахрида таваллуд топганлар. Тасаввуф ва суфийлик маданиятига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган.

Улардан қўйидагилар: «Рисолаи соҳибия», «Мақомати шайхул-шуйух Юсуф Ҳамадоний», «Насиҳатнома», «Васиятнома», «Рубоийёт» ва бошқалар. Илк устози тафсир илмининг султони Имом Садриддин ҳисобланиб, йигирма икки ёшда Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унинг муридига айланади. Хожа Юсуф Ҳамадоний Абдухолик Ғиждувоний қалбида Аллоҳга бўлган чексиз муҳаббат борлигини билгач, суфийлар жамоасига олиб киради. Хожа Абдухолик Ғиждувоний устози билан боғлиқ тарихни ўрганувчи барча мусулмон ва европалик олимлар "Рашаҳот айнул ҳаёт" асарига ишончли манба сифатида мурожаат этадилар.

Фахруддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Рашаҳот айн ул ҳаёт" асарида Ҳўжай Жаҳон Абдухолик Ғиждувонийнинг хўжагон нақшбандия таълимотининг асосчиси эканлиги, бу таълимотнинг моҳияти, ўзига хос томонлари, бу таълимотнинг барча табақалар учун маъқул эканлиги ҳақида ёзилган. Бу манба Ҳўжагон тариқатининг моҳиятини ўрганишда кенг китобхонлар оммасига ёрдам беради.

XV асрнинг мўътабар адиби ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий тасаввуфнинг йирик намояндалари ҳақида қомусий маълумотларни қолдирган. Бу улуг зотнинг ҳозирча - 2 та асарида: "Нафаҳотул унс" ва "Баҳористон"да Абдухолик Ғиждувоний ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлар бор. "Нафаҳотул унс" (Қувончли тухфалар") Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуф аҳли таржимаи ҳоли ва ижодини ўз ичига олган тазкираси 1475-1476 йилларда ёзилган. Асарда турли даврларда яшаган тасаввуф тариқатининг 600 дан зиёд вакили ҳақида маълумот берилади. Асарнинг 242-243 бетларида Ҳазрат Ҳўжа Абдухолик Ғиждувонийга оид тавсиф баён этилган. Алишер Навоий бу асарлардан илҳомланиб, "Насойимул муҳаббат" номли асар яратган. Алишер Навоийнинг "Насойимул

муҳаббат мин шамойимул футувват" тарихий-фалсафий асарида улуг зот ҳақида маълумот бериб, Хожа Абдухолик Ғиждувоний ҳақида тавсифлар ифодаланган.

"Абдулланома" тарихий асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий (XVII аср) "Хожайи Жаҳон Хожа Абдулхолик Ғиждувоний" деб ҳурмат билан ул зотнинг номларини тилга олади. Бундан маълум бўладики, у кишини Хўжайи Жаҳон деганлар, шу манбада туғилган йили 1111, вафоти 1179 йил деб кўрсатилган. Қабрлари ўз она юртлари Ғиждувонда деб кўрсатилган.

Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳридаги "Хожа Абдулхолик Ғиждувоний" жомеъ масжиди соҳибикаромат Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратлари номлари билан аталади. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний "Хўжайи жаҳон", "Зикр қалб султони", "Икки олам Хўжаси", "Қутби замон", "Офоқи замон" каби жуда кўп сифатлар берилган. Ҳазрат Абдулхолик Ғиждувоний "бўз тўқиши" касби билан шуғулланганлар. Хўжагон тариқати асоси Қуръон ва ҳадисга таяниб, бидъату хурофот, сохта пиру-муридликка қарши қаттиқ курашиб, тама ва миннатдан инсониятни қайтариб халол меҳнат орқасидан кун кечиришга Аллоҳ берган ризқни кўпчилик билан баҳам кўришга ундан келганлар.

Буюк аждодларимиздан соҳибқирон Амир Темур Хитой урушидан қайтгандан сўнг Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратларининг шарафларига атаб мадраса ва мақбара қуришни ният қиласди, аммо ниятини амалга ошиrolмайди. Ёш бўлишига қарамасдан бобосининг ёнида юриган невараси Мирзо Улуғбек бу эзгу ниятни амалга ошириб, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний шарафларига атаб 1433 йилда болаларни Қуръон ва ҳадис, фикҳ ва тафсир илмлари ўрганишлари учун мўжаз бир мадраса, Ғиждувон шаҳрида кутубхона ва тошҳаммом қурдириб беради. Бухоро амири Амр Абдуллоҳон томонидан Абдулхолик Ғиждувоний шарафларига атаб масjid, минора ва ҳовуз барпо этади.

### **ХОЖА ОРИФ МОҲИ ТОБОН АР РЕВГАРИЙ**

Хожа Ориф Ревгарий қуддиса сирруҳу (Аллоҳ сиррини муқаддас қиласин) туғилган йиллари аниқ эмас. Милодий 1237–38 (хижрий 635)

йилларда Ревгарда вафот этган. Асл исмлари маълум эмас. Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий ўрта бўйли, ой юзли, кўзлари катта-катта, қошлари ҳилолдек ва ингичка, қизғищранг эди. Вужудидан хушбўй ҳид тараларди. Улуг валийлардан бўлиб, илм, ҳилм, зухд, тақво, риёзат ва ибодат аҳли эди. У киши кўпинча катта оқ салла ўраб юарди.

Хожагон – нақшбандия тариқати силсиласидаги ўн биринчи бўғин шайхи, Бухорои шарифнинг етти пирларидан иккинчиси бўлиб, унинг тўлиқ исми Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарийдир. Ориф Ревгарий устози Абдулхолик Фиждувоний ҳазратларининг тўртинчи халифасидир. Ревгарий қишлоғи Бухородан 36-38 чақирим масофада жойлашган. Бу манзил Шоғиркон шаҳридадир.

Фахриддин Али Сафий (1463–1503) ўзининг “Рашоҳату айнил ҳаёт” номли асарида Хожа Ориф Ревгарийни Бухоронинг Ревгар даҳасидан эканини, Абдулхолик Фиждувонийнинг суюкли шогирдларидан бири бўлганини ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) у ҳакида хурмат билан сўзлаганини эслатиб ўтади: “Хожа Ориф Ревгарий Хожа Абдулхолик Фиждувоний қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг хулафоларидин тўртинчи халифа туурлар. Мавлид ва мадфанлари Ревгардирким, Бухоронинг даҳаларидин бир даҳа туур, шаҳардин олти фарсах ерда. У ердин то Фиждувонгача бир шаръий фарсах туур”. Мазкур асарда яна таъкидланадики: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуни силсилайи нисбатлари ва иродатлари Хожа Абдулхоликнинг хулафолари аросидин хизмати Хожа Ориф қуддиса сирруҳуга етушур”.

Хожа Ориф йигирма ёшлар атрофида илм ўрганиш ва мадрасада ўқиш учун Бухорога келади. “Мақомоти Абдулхолик Фиждувоний ва Орифи Ревгарий” асарида ривоят қилинишича, Ревгарий болалигиданоқ Абдулхолик Фиждувонийнинг хизматини қила бошлиган. Мадрасада ўқиб юрган пайтида бир қассобнинг дўкони олдида ўша даврнинг улуғ зотларидан Абдулхолик Фиждувоний ҳазратларини кўради, салобат ва файзидан таъсирланиб кетади ва “Ҳазрат! Ижозат берсангиз, қўлингиздаги нарсаларни мен кўтариб, сизга

ёрдамлашай”, дейди. Ғиждувоний ҳазратлари рози бўлиб: “Майли, болам, олақол. Бизнига қадар бирга кетамиз”, деб жавоб беради.

Ўша кундан эътиборан Ғиждувоний ҳазратларининг ҳайбат ва камолини асирига айланиб, ул зотга шогирд тушади. Ул зот хонақосида зоҳирий илмларни тарк этиб, ботиний оламнинг кашф ва асрорини қўлга киритиш учун сайру сулукда юра бошлайди. Ғиждувоний ҳазратларининг ёнида сайру сулукда давом этган Ориф Ревгари қисқа фурсатда пири томонидан асос солинган тамойилларни тўлиқ эгаллаб, энг илғор муридларидан бирига айланади. Аммо ишнинг ботиний тарафи Аллоҳга ҳавола қилинади. Улуғлиги ва хокисорлиги туфайли Аллоҳ амри билан бу муриднинг номи чор атрофга ёйилади, Ясси элларига қадар етади. Муаллим қилган ишининг талабасига аён бўлганидан уялиб кетиб тавба қиласи, кечирим сўрайди. Сўнгра у билан бирга бориб, Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратларига мурид бўлади.

Ориф Ревгари Абдулхолик Ғиждувоний вафотларидан кейин тасаввуфнинг Хожагон тариқатини бошқарди, шоху-гадо унинг ҳузурига югарди ва эл уни “Моҳитобон” (зулматни ёритувчи ой) деб атай бошлади. Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг суннатига эргашишда жуда талабчанлиги боис, юксак даражага етган эди. Абдулхолик Ғиждувоний вафотидан кейин унинг йўлини давом эттиришда самимий ихлос ва ғайрат кўрсатган. Шунинг учун ўзидан тўрт авлод кейин келадиган Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари улар изидан бориб, руҳониятларидан файз олиб, дунёга машҳур бўлганлар.

Ревгари Қуръони карим ва Пайғамбаримиз суннатларига мухаббатни бутун Туркистон диёрига ёйишга интилиши билан у ҳақли равишида “Турк машойихининг улуғларидан” деган ном олган. Ғиждувоний ҳазратлари каби у ҳам илм, ирфон, Қуръон ва суннатга асосланган тасаввуфий таълимотини Бухоро, Ғиждувондан бошлаб бутун турку тожик элларга ёйишга ҳаракат қилган.

Ориф Ревгариининг бизгача маълум бўлган ягона асари “Орифнома”дир. Бу асарда илк сўфийларнинг фикр-қарашлари билан бирга,

устози Абдулхолиқ Ғиждувоний билан боғлиқ манқабалар ҳам ўрин олган. Ориф Ревгари ҳазратлари бу китоби орқали соликларга ва китобхонларга насиҳат қиласди. Мухаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин” асарида Хожа Орифнинг “Тадбирга боғлиқ, тақдирга мункир киши дўзахий, илоҳий тақдирга таслим бўлган киши эса жаннатийдир”, деган сўзлари қайд этилган. 1993 йилда Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллигига бағишлиб республикамиизда ўtkazilgan улкан халқаро йигин муносабати билан Ревгари ҳазратларининг ёзган “Орифнома” асарининг қўлёзмасини покистонлик нақшбандшунослар Бухоро олимларига совға қилишади. Бу асар Хожа Наъим деган кишининг илтимоси билан Ориф Ревгари томонидан 622 хижрий (1225 мелодий) йилда, форс тилида Нур қасабасида ёзилган экан.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул “Хожа Ориф Моҳтобон” эссесида Моҳтобон ҳазратларининг ўз пири бузругворидан эшитган бир ҳикоясини келтиради: “Хорун ар-Рашид замонасида нуфузли бир амалдор бор экан. У ҳар куни Хизр(а. с) билан қўришиб сұхбатлашар экан. Бир кун шу киши ўз ишига истеъро берибди. Ва зоҳид бўлиб, инсонлардан бир четда тоат-ибодатга шўнгибди. Лекин унинг Хизр билан учрашиши ҳам тўхтабди, яъни Хизр (а. с) унинг хузурига келмай қўйибди. Шу тарзда кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверибди. Зоҳид эса тундан тонгга қадар Оллоҳга ёлвориб, кўз ёшларини оқизиб, тавба-тазарру этишдан тўхтамабди. Ниҳоят бир кечатушига Хизр (а. с) киргач, у ёлвориб дебди:

“Эй вафоли дўст! Мен сен билан доимий тарзда сұхбат қурмоқ мақсадида дунё ишларига этак силкитдим. Узлатга чекиниб, танҳоликда ибодатга киришдим. Сен эса дийдорингни дариғ тутдинг. Нечун бундай бўлди?” Хизр(а. с) дебди: “Эй рафиқ! Менинг сен ила қўришиб, сұхбатлашувимнинг боиси: қилаётган ибодатлар, хайр ҳасанот учун эмасдур. Балки ўша масъул вазифада мусулмонларнинг ишларини ҳақ ва адолат билан бажо келтирганинг учун эди. Сен ўзингни шахсий камолотинг учун бир гўшага чекиндинг. Ўз маънавий манфаатингни кўпчилик манфаатидан устун қўйдинг. Энди сенинг ўрнингни эгаллаган адолатсиз кимса мўмин-мусулмонларга зулм

ва ношаърий машруъ ишлар билан алам ва азоб етказмоқдалар. Шу кунларда улар ранж ва кадар оғушидадирлар. Буларнинг барига сен сабаб бўлдинг! Шуни билгинки, сенинг шахсий манфаатинг мусулмон қардошларингнинг умумий манфаатлари олдида юксак бир қимматга эга эмасдир. Чунки узлатга кириб, рўза тутиб, намоз ўқиб, зикр айлашни ҳамма ҳам адо этмоғи мумкин. Бироқ халққа холис, юксак маърифат ва диёнат мақомида хизмат қўрсатишни ҳамма ҳам удалай олмас!”...

### **МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ**

Маҳмуд Анжир Фағнавий 12 аср охирида, Бухоронинг Вобкент туманидаги Анжир Фағнав (ҳоз. Анжирбоғ) қишлоғида туғилган. Хожагон-нақшбандия сил- силасининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг учинчиси.

У ўрта бўйли, оқ танли, бурни чиройли, кенг оғизли, қора соқолли, кўркам юзли эди. Бошига оқ салла ўрап, кароматлари жуда кўп эди. Насли-насаби саййидзодалардан бўлиб, умр кечириш учун дурадгорлик ва тижорат билан шуғулланар эдилар. Манбаларда у кишининг Сайид ва Умар исмли икки ўғиллари бўлгани қайд этилади.

Анжир Фағнавий Хожа Ориф Ревгарийга хизмат қилиб етишган, энг комил муридларидан ва энг улуғ халифаларидан бўлган. Ревгарийдан таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. Ҳазратнинг хилват, тариқат ва ҳақиқатда сирдоши эди. Якка шахс учун зикри хафийни (яширин), жамоат учун зикри жаҳрийни (баланд товушли) афзал кўрарди. Анжир Фағнавий «Силсилаи шариф»да ўн иккинчи ҳалқанинг пири ҳисобланади. Хожа Али Ромитанийга (Хожай Азизон) устозлик қилган.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Вобканий (Вобкент) жомеъ масжидида кўп йиллар халқни иршод қилиш билан машғул бўлди. Хожагон тариқатида жаҳрий зикрни бошлаган зотлардан эди. Замонасининг буюк олимларидан Ҳафизуддин ҳазратлари бир куни Хожа Маҳмуддан сўрайди: «Тариқатингиз зикри хафийга асосланган бўлса-да, зикри жаҳрия қилишингизнинг сабаби нима?»

Хожа Маҳмуд ҳазратлари: «Ғофилларнинг уйғонишлари, Аллоҳнинг амирини тутишлари ва зикрга рағбат кўрсатишлари учундир. Шу тариқа улар Ҳақ йўлига кирадилар, ихлос билан тавба ва интисоб қиласадилар, ҳақиқатга эришадилар. Зеро, зикр бутун хайрларнинг ва саодатларнинг боши, шунинг учун зикр очиқ бўлиши, халқ эшлиши ва келиши керак», деб жавоб берди. Ҳафизуддиннинг: «Тил билан қилинган зикрда ҳақиқий билан соҳтасини қандай ажратиш мумкин?» деган саволига эса Хожа Маҳмуд: «Жаҳрий зикрни дилни ёлғондан, ғийбатдан, ҳаром луқмадан, қалбни шубҳадан, кўзни хиёнатдан ва ҳаром нарсаларга бокишдан, кўнгилни риё ва манманлиқдан, ботинни мосиводан тозалаганлар бажара оладилар» дея жавоб беради.

Фағнавий фикрича, ошкора ёки хуфя зикрдан мақсад бир бўлиб, ҳикмат, маслаҳат ва ҳолат зарурати ҳар икки нав зикрда ҳам мавжуддир. Бироқ сайру сулук махфий зикрга асосланган.

Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнул-ҳаёт», Бадриддин Сарҳиндийнинг «Ҳазарот ул-қудс», Муҳаммад Толибнинг «Матлаб ут-толибин», Маждууддин Бадаҳшонийнинг «Жомиъ ус-салосил» асарларида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг катта бир оқ қуш шаклига кириб учганлиги ва халифаси Али Ромитаний билан сұхбатлашганлига зикр этилади.

У ҳижрий 685, милодий 1286 йилда Анжир Фағнада вафот этган ва шу ерга дағн этилган. Бухоро вилояти Вобкент тумани Пирмаст қишлоқ фуқаролар йигини Анжирбоғ қишлоғида жойлашган “Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий” зиёратгоҳи Шўролар замонасида қаровсиз, жуда хароб ҳолда эди. Ушбу зиёратгоҳдаги масжид эса колхоз омборига айлатирилган.

Истиқлол шарофати билан юртимиздаги бошқа масжиду-зиёратгоҳлар қатори бу масканда ҳам қайта қуриш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. 1999-2000 йиларда ҳашар йўли билан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий қабрлари устига икки қаватли мақбара, 300 кишини ўзига сифдирадиган уч айвонли янги жомеъ масжид, ҳовуз, дарвозахона, меҳмонхона, замонавий таҳоратхоналар қуриб битказилди. Масжид ҳовлисида

манзарали ва мевали дараҳтлар ўтказилиб, боғ-роғлар ташкил қилинди. Зиёратга ва намозга келадиганлар учун барча шароитлар яратилди. Зиёратгоҳдаги жомеъ масжид эса 1998 йил Адлия рўйхатидан ўтиб, жомеъ масжиди сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Зиёратгоҳнинг умумий ер майдони 1,5 гектарни ташкил этади.

### **ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ**

Хожагон тариқатининг вориси Хожа Али Ромитаний машҳур ва йирик мутасаввуф олим бўлиб, 1315 йилда вафот этган. Тариқат аҳли бу кишини устоз сифатида хурматларини ғоят баланд тутгандар. Хожа Али Ромитаний халқ орасида Хожа Азизон номи билан машҳур бўлиб, авлиё сифатида танилган. Хожа Азизон ҳақида Фахруддин Али Сафий, Ж.С. Тримингем, Садриддин Салим Бухорий асарларида маълумот берилади. Хожа Али Ромитаний 39 нафар хожагон тариқати ворислари орасида “Силсилаи хожагон” занжиридан ўн учинчи халқани ташкил этади. Хожа Алиниң устози Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдир. Ҳазрати Алишер Навоий ўзининг “Насойимул муҳаббат” асарида “Хожа Али Рометаний – Хожа Муҳаммад хулофосиндурулар ва бу силсилада аларнинг лақаби Ҳазрати Азизондур ва аларда Олий мақомат ва зоҳири каромат қўп экандур ва тўқумоқ санъатига машғул бўлур эмиш”, деб ёзган. Жалолиддин Румий Хожа Али Рометанийни Хожай Нассож деган. Нассож – тўқувчилик билан шуғулланувчи, деган маънони билдиради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг камолга етишишида Хожа Али Рометанийнинг хизмати катта бўлган. У 11 ёшида Хожа Азизон рисолаларини таҳсил қилган.

Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи Азизон” номли асари машҳурдир. Ул зот 16 та рашҳа яратганки, бугунги кунда ҳам бу ҳикматлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. 1994 йилда Г. Наврӯзова ва И. Қосимовларнинг “Ҳазрат Хожа Али Ромитаний” номли рисоласи нашрдан чиқди. Ушбу

рисолада “Рисолай Ҳазрат Азизон” асарининг форс тилидан ўзбек тилига таржимаси берилган.

### **МУҲАММАД БОБОЙИ СОМОСИЙ**

Сўфийлик тариқатининг давомчиси Муҳаммад Бобо Самосий 1340(1354) йилда вафот этган. Халқ орасида “Ҳазрати Бобо” номи билан машҳур. Бобо Самосий Азизон Ромитанийнинг халифалари бўлган.

Бобо Самосий “Силсилаи Шариф”да ўн тўртинчи халқадан ўрин олган. Бу зот Қасри Ҳиндувондан ўтиш чоғларида Баҳоуддиннинг дунёга келишини олдиндан башпорат қилган ва уни маънавий фарзандликка қабул қилган. Бобо Самосий Баҳоуддин Нақшбанднинг тарбияси билан шуғулланишни Мир Сайд Кулолга топширади.

Алишер Навоийнинг “Насойимул мухаббат” асарида шундай ёзади: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддинга сұхбат нисбати ва тариқат сулуки одоби таълими ва зикр талқини алардан(Сайд Амир Кулол)дур. Бир кун азим мажмъда Амир Кулол Хожа (Баҳоуддин) ҳазратни тилаб дедики, “Эй фарзанд Баҳоуддин, Хожа Муҳаммад Бобо нафаси васиятин сизнинг борингизда тамом бажо келтирдум. Устозим деган эдиларки, ҳар не тарбият бобида бормен, сенинг ҳақингда кўргазибмен, сен фарзандим Баҳоуддин бобида кўргизгил”. Бобо Самосий дехқончилик қилиб кун кечирган.

### **САЙИД МИР КУЛОЛ**

1288 йилнинг 30 ноябрида Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида кулол Амир Ҳамза хонадонида Амир Калон деб исм берилган, бутун дунёга эса Ҳазрат Сайд Амир Кулол номи билан машҳур бўлган ўғлон туғилади. Отаси Амир Ҳамза яссавия шайхларидан, ўша замоннинг машҳур валийси Сайдид ота ҳазратлари билан дўст эди. Сайдид ота ҳазратлари Сайдид Ҳамзага яқинда бир ўғил кўражагини муждалаганда валий унинг отини “Амир Кулол” қўй, дея тавсия қилган эди. Ва айни пайтда бу туғилажак боланинг катта авлиё бўлажагини айтган эди.

Сайдид Амир Кулол табиатан жуда камтарин инсон бўлиб, эътиroz ва қайсалик нималигини билмасдилар. Тарихий манбаларда , у киши

куйидагича тасвириланади: узун бўйли, буғдойранг, кўкраги кенг, қўллари узун, чатмақош, соқолига оқ оралаган, жисмонан бақувват, паҳлавон келбатли Пайғамбаримиз наслидан – саййидзодалиги учун Сайид ва Амир дейилар эди.

Амир Кулол ҳазратларининг онаси шундай дейди: “Амир Кулолга ҳомиладор эканман, шубҳали бир нарса есам, дарров қорним оғрирди. Ўша лукмани меъдамдан чиқармагунча қорин оғриғидан кутулолмас эдим. Бу ҳол уч марта содир бўлди. Пок ва хайрли бир чақалоққа ҳомиладор бўлганимни англадим. Ва еганларимнинг ҳалол бўлишига диққат этиб, эҳтиёткор бўлдим”. Ҳазрат Сайид Амир Кулол Ҳожа Бобо Самосий ҳазратларининг энг устун халифаларидан эди. Амир Кулол ҳазратлари 30 километр узоқликда яшайдиган устоди Ҳожа Самосий ҳазратларининг уйига ҳафтада икки марта дарсга бориб келарди. Ҳожасининг вафотидан сўнгра унинг ўрнида иршод вазифасини давом эттирди. Ҳазрат Сайид Амир Кулол шариат бобида замоннинг энг кучли олими эди. У 1370 йилда Сухор қишлоғида вафот этади.

### **БАҲОУДДИН НАҚШБАНД**

Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий 1318 йил Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ Бухородан бир фарсанг масофада жойлашган бўлиб, Когон тумани таркибиға киради. Қишлоқ бу зот шарафига кейинчалик Қасри Орифон деб аталган.

Асл исми Муҳаммад бўлган бу зот ҳалқ орасида Ҳожа Баҳоуддин, Баҳоуддин Балогардон, Шоҳи Нақшбанд, Ҳожаи Бузрук номлари билан машҳурдирлар. Бу номлар ичида энг машҳури Баҳоуддин Нақшбанд ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг камолотга эришишида суфийлар билан яқин муносабатда бўлган бобосининг хизматлари катта бўлган. У суфийлар яқин алоқада бўлган. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотади. Муҳаммаднинг биринчи устози Ҳожа Муҳаммад Бобо Самосий эди. Кекса шайх ёш Баҳоуддинни тарбиялашни ўринбосарларидан бири бўлмиш Амир

Сайид Кулолга топширади. Кейин у мавлоно Ориф Деггароний даргоҳида (Ҳазора қасабасида) 7 йил хизмат қиласи. Турк тасаввуфий шайхлари Қусам Шайх (Насафда) ва Халил ота қўлида илм олиб, яссавия тариқати асосларини ҳам ўрганади. У Халил ота даргоҳида 13 йил хизмат қиласи.

Баҳоуддин Нақшбанднинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда суфийлик билан ўтган. У икки марта ҳаж сафариға борган. Иккинчи ҳаж сафарида шогирди Хожа Муҳаммад Порсо унга ҳамроҳлик қиласи. Қайтишда Ҳиротда бир муддат истиқомат қиласи. Бухорога қайтиб келгач, қолган бутун умрини шу ерда ўтказади. Баҳоуддин Нақшбанд кимхобга нақш солиш билан шуғулланиб, кун кечирган. Сайид Мир Кулол вафот этгач (1370), пирининг васиятига биноан унинг халифаси сифатида хожагон тариқатини бошқарди. Бу тариқат кейинчалик нақшбандия тариқати деб аталади.

Нақшбандия тариқати хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолик Фиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини бирлаштириб, уларга янги рух бериб, ривожлантиради. Хусусан у ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолик Фиждувоний назарияларига асосланади. Нақшбандия таълимотининг асосида “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Кўнгил худода бўлсину, қўл иш билан банд бўлсин”) шиори ётади.

Баҳоуддин Нақшбанд панд-насиҳат ва тасаввуф таълимотига оид бир қатор асарлар ёзган. Шамсуддин Сомийнинг “Қомус ал-аълом” китобида ёзишича, унинг “Ҳаётнома” номли ваъз ва панду насиҳатлардан иборат манзумаси ва “Далойил ул-ошиқон” (“Ошиқлар далили”) деган тасаввуфга оид китоблари бўлган. Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари қўлёзмаси сақланади. Бухоролик тарихчи Гулчеҳра Наврӯзова томонидан “Аврод” асарининг ўзбек тилидаги таржимаси 2000 йилда Бухорода нашр қилинади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзи туғилган қишлоғи – Қасри Орифонда 1389 йилнинг март ойида 71 ёшида вафот этади ва шу ерда дағн этилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг икки фарзандлари – бир ўғил ва бир қизлари бўлган. Ўғиллари ёшлигига вафот этган. Қизлари вояга етганда, халифалари Алоуддин Атторга турмушга узатадилар. Набиралари Хожа Ҳасан Аттор, абиралари Хожа Юсуф ўз даврининг валийлари бўлган. Унинг авлодлари қизи орқали бугунги кунгача етиб келган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Яъқуби Чархий нақшбандия тариқатини давом эттирганлар. Бу таълимот ва тариқат ҳозирги кунгача жаҳоншумул аҳамиятга эга.

### ***ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО***

Тасаввуф илмининг Нақшбандия мактаби ислом оламига мутасаввуф шайхлар билан бир қаторда етук олимларни ҳам етиштириб берган эди. Ана шундай зотлардан бири Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийдир. Унинг исми-шарифидаги «ал-Бухорий» қўшимчасига асосланиб айтиш мумкинки, Порсо Бухорода туғилган. У мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, қалом каби турли линий илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишди ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлди.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳот ул-унс» номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Хофиз ал-Бухорийдир. «Порсо» унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган. «Рашаҳот» муаллифи бунинг тафсилотини қуидагича баён қиласи: «Муҳаммад Порсо қўчада мунтазир ҳолда турардилар. Ногоҳ ичкаридан Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг канизаклари чиқиб қолди. Ҳазрати Хожа канизакдан: «Кўчада турган ким?» — деб сўрадилар. «Бир порсо (диндор) йигит турибди», деди канизак. Ҳазрати Хожа ташқарига чиқиб, Хожа Муҳаммадни кўрдилар ва унга: «Сиз порсо экансиз», дедилар. Шу кундан бошлаб эл орасида у «Порсо» лақаби билан машҳур бўлиб

кетди. Хожа Мұхаммад Порсонинг Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган ўзаро муносабатлари шу даврда яшаган Мұхаммад Бокирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли асарида мукаммал баён қилинган. Хожа Мұхаммад Порсо «Тухфат уз-зоирин» китобида кўрсатили-шича, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси эди. Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг бу шогирдига катта умид билан қараган ва унинг тарбиясини ўз назоратига олган.

«Рашаҳот»да Хожа Мұхаммад Порсонинг қўйидаги ҳикояси келтирилади: «Ҳижоз йўлида Хожаи Бузруг (Баҳоуддин) касалга чалиндилар ва васиятлар қилдилар. Шу аснода дўстлар ҳузурида бу мажлисга юzlаниб: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаҳу халқига еткиз», дедилар. Ҳижоз сафаридан қайтганимизда эса дўстлар ҳузурида: «Бизда нимаики бўлса, сен ҳаммасини тўлиқ олдинг», дедилар. Ҳаётларининг охирида эса: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Мұхаммад (Порсо)нинг зухури эди», дедилар».

Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдиdan Хожа Мұхаммад Порсони ўз ўрнига тайин қилганлигини унинг яқинларидан бўлган Хожа Али Домод қўйидагича тавсифлайди: «Ҳазрати Хожа Баҳовуддин охирги bemorliklari пайтида ҳозирги жасадлари ётган қабрни ковлашга буюрдилар. Қабрни ковлаб бўлиб, уларнинг ҳузурларига келдим. Ўзларидан сўнг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўгирилиб: «Ҳижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Мұхаммад Порсога назар қилсин», дедилар». Мазкур мисоллар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдига нисбатан ҳурмат ва эътиқодининг далилидир.

Хожа Мұхаммад Порсо ўз устози каби мусулмонларнинг аҳволи ҳақида қайғуриб, подшоҳлар ишига ҳам аралашиб турган. «Рашаҳот»да келтирилган бир ҳикоя аввалида Хожа Мұхаммад Порсадаги каромат қувватининг

кучлилигидан далолат қилинса, сўнг давр уламоларининг ҳамда подшоҳнинг илму фаннинг соф бўлиши борасида қайғур-ғанликлари кўрсатилади. «Рашаҳот» муаллифи Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Муҳаммад Порсо кучли каромат соҳиби бўлса-да, бироқ буни иложи борича яширишга ҳаракат қилган. Аммо, қатгиқ зарурат туғилғандагина уни ошкор қилишга мажбур бўлган. Шундай воқеалардан бирининг тафсилоти қуидагicha:

“Ҳадисчи олимларнинг пешвоси шайх Шамсаддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий алайҳир раҳмат Мирзо Улуғбек замонида Самарқандга келган эдилар. Баъзи ғаразгўй кишилар: «Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни нақл қиласди-лар, уларнинг аснодлари тўғри ёки нотўғрилиги ҳеч кимга маълум эмас. Ҳазрати Шайх буни текшириб кўрсалар ёмон бўлмас эди», дедилар. Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар. Мирзо Улуғбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо)ни Самарқанд га келишларини илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Шайх Самарқанднинг шайхулисломи бўлган Хожа Исомиддин ҳамда уламоларнинг энг улуғлари билан бирга катта мажлис ташкил қилдилар. Хожа Муҳаммад ҳам мажлисга етиб кел-дилар. Шайх ундан илтимос қилиб, асноди билан биргалиқда бир ҳадис айтишни сўрадилар.

Хожа Муҳаммад айтгач, Шайх: «Бу ҳадиснинг тўғрилигига шубҳа йўқ, бироқ унинг асноди бизга маълум эмас\*, дедилар. Бу сўздан ҳасадчилар хурсанд бўлиб, бир-бирига кўз қисди-лар. Хожа Муҳаммад эса бу ҳадиснинг иккинчи аснодини ҳам айтиб бердилар. Шайх яна ўзининг юқоридаги сўзини такрорлади. Хожа Муҳаммад қанча аснод айтса ҳам сўзи бу ерда мақбул бўлмаслигини фаҳмладилар. Сўнг бир лаҳза муроқабага берилдилар, бироз сукут-дан кейин Шайхга қараб: «Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги аснодларни мўътабар дер ҳисоблайсизми?\* — дедилар. Шайх: «Ҳа, у китоблардаги аснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойиқdir. Ҳадис фанини таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган аснодлар шу китобдан бўлса, у пайтда бизнинг ҳеч қандай эътиrozимиз йўқ»,

дедилар.

Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) Хожа Исомиддинга қараб: «Сизнинг кутубхонангизда фалон токчада, фалон китобнинг тагида, фалон рангли ва фалон жилдли китоб бор, унда биз айтган аснод фалон варақдан сўнг, фалон сахифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингиздан бир кишини юборсангиз, уни тезда олиб келса, дедилар.

Хожа Исомиддин, бу аснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиланиб турарди. Мажлисдагилар эса ҳангу манг бўлиб ўйга толган эдилар. Ҳазрати Хожанинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганликлари ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, Хожа Исомиддин ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган нарсалар ўша ерда бўлса, олиб келишни буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва аснодни топиб, мажлисга келтирди. Айтилган ҳадис ўша аснодлар билан ўша сахифада ҳеч бир тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мажлис аҳлидан ҳайрат овозлари баланд кўтарилди. Шайх ва бошқа уламолар таажжуб ичида қолдилар. Айниқса, Хожа Исомиддининг ҳайрати бошқаларницидан зиёда эди, чунки у бу аснодли китобнинг ўз уйида борлигидан бехабар эди. Бу қиссани эшитган Мирзо Улугбек Ҳазрати Хожани чақиртирганидан хижолат бўлди. Ҳазрати Хожадан юз берган бу каромат одамлар орасида уларга нисбатан ақидаларини мустаҳкамлади.

“Рашаҳот”да Хожа Муҳаммад Порсонинг ўша даврдаги сиёсий воқеаларга ҳам алоқадор бўлган и ҳакида маълумотлар келтирилган. Унинг фаолиятидан Амир Темурнинг фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Халил Мирзо, шунингдек, Хуросон шоҳи Шоҳруҳ яхши хабардор бўлганлар. Порсо Шоҳруҳ билан турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борганлиги манбаларда қайд этилган.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта ҳаж сафарини адо этган. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72 ёшида вафот этади. Амир ул-мўъминин Аббос мақбараси ёнига дағн эгилади. Шайх Зайнуддин ал-Хавофий Мисрдан

тарошланган оқ тош келтириб, унинг қабрига қўяди. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишлиланган. Бу калималар Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз оғзидан эшитилган бўлиб, Муҳаммад Порсо уларни жамлаб юрган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (уларнинг) муборак оғизларидан чиққан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда... бу қудсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табаррукона ва иршод сифатида қаламга олиб юрарди». Муҳаммад Порсо ўзининг бу асарида улуғвор устозининг қудсий калимларини келтирибгина қолмай, уларни шарҳлаб ҳам беради. Асар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, унинг хизматлари ва маънавий оламини очиб бериш ҳамда Нақшбандия сулукининг асослари ҳақида чуқур маълумотларни ўз ичига олиши билан ниҳоятда қимматлидир.

Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишлиланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ун-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Катта ҳажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасқца қўлланма сифатида фойдаланилган. Асар бир неча марта чоп этилган. Ўтмишда шариат, тариқат ва фирмалар тўғрисида қандайдир баҳс туғилиб қолса, албатта «Фасл ул-хитоб»га мурожаат қилиб, Порсонинг фикрини ҳужжат сифатида қўрганлар ва унга суянганлар. Мазкур асарнинг мундарижаси билан танишиб чиқишнинг ўзи асарда муҳим масалалар кенг ёритилганинидан гувоҳ беради. Асар 494 та масалага бағишлиланган бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда баҳсли ҳисобланган ва Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган ҳолда ечиб берган. Умуман олганда, Хожа Муҳаммад Порсо Марказий Осиё халқдари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган алломадир.

## **ХОХОЖА ИСМАТУЛЛО БУХОРИЙ**

Хожа Исматулло (1365-1426) XIV — XV асрнинг йирик шоирларидан. Кўйинча қасида, ғазал, маснавий ва рубоийда қалам тебратган. Шеърларида

пок муҳаббат, меҳнат ва инсонийликдан баҳс юритади. У Бухорда зуллisonайн (икки тилда шеър битиш) анъанасини бошлаб берди, ҳажв жанри ривджига ҳисса ҳўшди. Улуғ Навоий «Мажолис уннафоис»да унинг тўғрисида мана буларни ёзган: «...зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштаъблигидин ўзмн шеърга мансуб қилиб, девони машҳур бўлди...» Хожа Ис-матуллонинг саккиз минг байтли девони ва 1035 байтдан иборат ўзбек тилидаги «Иброҳим Адҳам» достони бизгача стиб келган. Жумладан, икки девон нусхаси (инв. № 805/X. 1435) ва қасидалар тўплами (инв. № 2529/Ш) Узбекистон ССР Фанлар Академияси Шарҳшунослик институтида сақланмоқда.

### **БУРУНДИҚ БУХОРИЙ**

Ҳаётига оид маълумотлар жуда оз сақланган. Давлатшоҳ ва Навоий («Мажолис уннафоио асарида) сўзларига қараганда, XV асрда ўтган ва темурийлардан Султон Бойқаро (1416 йили ўлдирилган) хизматида бўлган. Жумладан, ҳазрат Навоий унинг хусусида мана буларни ёзган: «... надимваш ва ҳаззо.4 киши эрмиш. Султон Бойқаро бинни Умаршайх хизматида бўлур эрмиш ва ул замон шуароси аниг тилидан қўрқуб, аниг жонибини кўп риоят қилур эрмишлар...» Хушсухан, хуштаъб ва надим шева киши, табиати ҳазил ва мutoибага мойил эди. Ҳажвиётдан бошқа шеърларни ҳам кучли айтар эди. У олий даражали шаҳзода Бойқаро ибн Умаршайх султон ибн Амир Темур кўрагон хизматида эди. Бухоро ва Самарқанддан ул шаҳзода хизматига — Хурсон ва Ироққа бориб қолган. Шуаронинг у билан муроса қилиш, келишишдан ўзга чораси бўлмаган, зеро фасоҳатли ва ҳозиржавоб киши эканидан, ҳамсұхбатлар ундан чўчиб турар эдилар. [Шунинг учун ҳам] уни устод, деб атаганлар.

### **НОСИР БУХОРИЙ**

XIV асрда ўтган улкан шоир. Қасида, таржиъбанд, маснавий, ғазал, қитъа ва муҳаммаслари билан машҳур. Носир Бухорий инсоний муҳаббатни тараннум этади, кишиларни яхшиликка чаҳиради, риёкор руҳонийларни фош этади. Девони Ленинград, Тошкент, Душанба шаҳарларида саҳланмоқда. Фозил ва дарвиш (табиат)дир- Шеърлари аҳволи руҳиясига муносиб.

Фақирона сўзлари қалбга етнб боради. (Носир Бухорий) ҳамиша дарвиш либосида саёҳат қилиб, наматдан тикилган қабо, тақия, бўз чопон кийиб юрган. Унинг китобдан бошқа бирон нарсаси бўлмаган. Баъзи байтлари мазкур тазкирада тилга олинган. Мана бу қасида унивидир: Бил, қаноат — мулки дарвеш, бешак мусаллам эрур, Бўлса ҳам дарвеш номи ул султонн олам эрур. Мўл-ку чарх танурида қайноқ қуёшдин кулча нон, Аммо дарвеш супрасида чошгоҳ маҳал ул кам эрур. Ҳодисалар заҳри сени бир куни этгай ҳалок, Чунки илон янглиғ фалак ҳалқаи арҳам эрур. Бўлди одамзод ҳоли танг дирҳам туфайли ҳар нафас, Шубҳасиз, ҳолим чигал бўлса, сабаб — дирҳам эрур.

Ҳикоят қиласидарки, дарвиш Носир (Бухорий) Маккага ўтаётиб, дорулислом Бағдодга кирди. Ҳожа Салмоннинг овозасини эшитган эди, (шунинг учун ҳам) уни топиш ва учрашишга қарор қилди- Кунлардан бир куни, баҳор пайти (Ҳожа Салмон) бир гурӯҳ истеъодод эгалари ҳамроҳлигида Бағдод қалъаси девори ёнидан селдек пишҳириб оқаётган Дажлани тамоша қилиб турган, эди, Носир келиб салом берди. Салмон сўради: «Сен ким бўласан?». Носир жавоб қилди: «Ғаріб ва шоир одамман». Ҳожа Салмон уни имтиҳон қилиб деди: Дажланинг рафтори бу йил, воажаб, мастонадир? Носир Бухорий жавоб берди: Пойи магар занжир аро, лабда каф, девонадир? Ҳожа Салмон Носирнинг латиф таъбига оғаринлар ўқиди, уни оғушига олиб, исмини сўради. (Ҳожа Салмон) дарвиш Носир шуҳратини эшитган эди, (шунинг учун ҳам) бирмунча вақт бир-бирлари билан ҳамсуҳбат бўлдилар. Носир (Бухорий)нинг ҳожа Салмонга зўр эътиқоди бор эди ва ўзини (ҳожа) Салмон шогирди ҳисобларди.

### **ХАЁЛИЙ БУХОРИЙ**

XV аср шоири. Ҳаётига оид маълумотлар оз. Навоий («Мажолис уннафоис»да) унинг ҳақида мана бу қисқа маълумотни келтирган: «Мавлоно Ҳаёлий Бухородин ва ҳожа Исламутлоннинг шогирдидир. Бу матлаъ онингдурким: Тинри дардинг, эй ошиқлар қалбини қнлган нишон, Сен бирлз эл овора-ю, сен эрса ғойнб — бенишон. Иккнччи байти дағи яхши воқеъ

бўлибдиркм: Гоҳи тинч бутхонада, масжид ичра гоҳи жим, Васлинг излаб уйма-уй гоҳн сарсондир бу жон. Узи хуш хулқ ва хуш тавр йигит эрмиш, ҳамоноки, қабри Бухородадур». Хожа Исматулло Бухорийнинг шогирдлари жумласидан. Истеъдодли ва хуштабъ киши эрмиш, сўзлари дарвишона, равон ва покиэаднр. Девони Мовароуннахр, Бадахшон ва Туркистонда кўп машхур

## **ТОҲИР БУХОРИЙ**

Исми Шайхзода Тоҳирдир. Хушфеъл одам бўлиб, Султон (Абулқосим) Бобир ... даврида пойтахт Ҳиротга келиб қолган ва пойтахт фозиллари билан яқин алоҳада экан. Дилни ўртовчи, латиф шеърлари бор, хусусан, ғазалгўйликда замонасида тенги йўқ (шоир) эдя. Пойтахт Ҳиротда бошқа шеърларидан кўра, ғазали кўпроқ шуҳрат топди. Замон подшоси (Абулқосим Бобир) унинг бир ғазалини кўп маъқул кўрарди ва кўпчилик шоирлар бунга назира ёзганлар. Уша ғазал ушбутир: Майгун лаби орзусида бағри тун бўлғай киши, Лабки менгзар ғунчага, бағри хун бўлғай киши. Тўйдир жамолингга, десам, менга ул пандлар қилур, Панд агар кўп тингласа банди жунун бўлғай киши. Оҳ агар урсам гаҳи халқ ҳам маломат ёғдирур, Ки, қачон меҳри билан бағри бутун бўлғай киши? Дилни ул айлар асир, қилмас асирни аммо ёд, Шафқатининг йўқлигидан охи тутун бўлғай киши. Ортиқ гўзалларга, Тоҳир, бас, етар, эргашмагил, Кўйида ҳущдин кетиб, телба-юпун бўлғай киши. Султон Бойсунқур замонида Тоҳир Абивардий деган ҳам ўтган ва у ҳам хушсухан шоир бўлган...

## **ҲИСОМИЙ ҚОРАҚЎЛИЙ БУХОРИЙ**

Темурийлар даврида Қоракўлда яшаб ўтган, илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшганганлиги тўғрисида унчалик кўп бўлмаса-да, айrim маълумотлар сақланиб қолган. Ҳисомий Қоракўлий (Девона Ҳусомий ёки Девонаи Ҳисобий) 1442 йилда туғилиб 1505 йилда вафот этган. У созанда, бастакор, хонанда ва шоир бўлган. Хўжа Ахрорнинг таклифига биноан, Қоракўлдан Самарқандга кўчиб келган ва унинг хонақосида бошқа ҳофизлар билан биргаликда Жалолиддин Румий, Қосим Анвар ва ўзининг ғазалларига

битилган асарларни куйлаган. Ўрта асрнинг машҳур мусиқашуносларидан ҳисобланган Дарвешали Чангийнинг мусиқа тўғрисидаги рисоласида Девонайи Ҳисомийдан кўпгина нақшлар, пешравлар ва шеърий девонлар мерос бўлиб қолганлиги таъкидланади.

### **АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ**

Абдураҳмон Мушфиқий XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган шоир. У 1538 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ота-онасидан барвақт ажралган шоир дарбадарликда кун ўтказиб, ҳаётнинг барча азобу уқубатларини бошдан кечирган. Бухоролик бир ҳунарманд хизматида бўлиб, ўша инсоннинг марҳамати билан мактабга кириб савод ўрганган. Сўнг мадрасада таҳсил олган. Мадрасада ўқиркан, билимларни ўрганиш билан бирга, шеърият билан астойдил шугулланган. Унинг дастлабки ижодиётида ҳажвга мойиллик устун бўлди. Ўз давридаги, ўзи кўрган, ҳис этган замона носозлигини, инсон табиатидаги қусурларни ўткир ҳажв билан қаламга олди. Халқ орасида кейинчалик Мушфиқий ёки мулла Мушфиқий номи билан машҳур бўлиб кетган бу ажойиб юртдошимиз ўз асарларини тожик тилида яратди.

Мушфиқий бой адабий мерос қолдирган. Шоирнинг ҳажвиёт, ғазал ва қасидалари унинг «Девони мутойибот», «Девони ғазалиёт», «Девони қасоид», «101 тугун» (Саду як бувад) каби асарларида жамланган. Мушфиқий 1588 йилда Бухоро шаҳрида вафот этган.

### **МИР МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ**

Бухоролик тарихчи (1645—?) олим. Ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланмаган. Аштархонийларцан Субҳонқулихон даврида саройдан четлаштирилган. Кейинчалик Убайдуллахон II саройида бош муншийлик лавозимида хизмат қилган. Убайдуллахоннинг сафарларида ҳамроҳ бўлиб, ўз даврининг фозил кишиси сифатида танилган. Бухоро хонлигининг 18-а. 1-чораги тарихига оид «Убайдулланома» (1716 йилдан кейин) асарини ёзган. Асар муқаддима, 80 боб ва хотимадан иборат бўлиб, унда Убайдуллахон ҳукмронлиги давридаги ижтимоийсиёсий ва маданий ҳаёт ҳикоя қилинади. Бухоро хонлигининг давлат тузуми, ер эгалиги,

мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар (масалан; 1708 йилдаги пул ислоҳоти), Балх, Термиз, Ҳисори Шодмон, Шаҳрисабз каби маҳаллий вилоятлар ҳокимлари ўзбошимчалигига қарши Убайдуллахоннинг олиб борган кураши ва қатъий марказлаштириш сиёсати, пировардида, унинг ўлдирилиши асарда ўз аксини топган. Убайдуллахоннинг ўлимидан кейин Бухородаги ислоҳотларга ҳам барҳам берилган.

Маҳаллий бек ва ҳокимларнинг ўзбошимчалиги ва ай-ирмачилиги кучайган. Бухоро хонлигининг катта қисмида Кўқон хонлиги ташкил топди. Шунингдек, асарда Абдулазизхон ва унинг вориси Субҳонқулихон даври ҳақида ҳам қисқа маълумотлар бор. Асарда сўнгти ўрта асрларда Бухоро хонлигидаги унвон, даража ва мансаблар; туркий қавмлар ва уруғлар ҳақида нодир маълумотлар мавжуд. Хотимада муаллиф билан замондош машҳур олимлар, шоирлар (Сайидо Насафий, Қосимхўжа, Фитрат, Мулҳам), қозилар (мулла Сарфароз ва б.) тўғрисида маълумотлар берилган: «Убайдулланома»нинг Тошкент, Душанба, Санкт-Петербургда 10 дан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд. Асар тўла равишда А. Семёнов томонидан рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

### **МУЖРИМ ОБИД ВОБКАНДИЙ БУХОРИЙ**

Мужрим Обид — (тажаллуси; асл исми-шарифи Миракхўжа ўғли, 18-асрнинг 2-ярми — ҳозирги Бухоро вилояти Вобкент тумани Кумушкент қишлоғи — 19-асрнинг 1-чораги) — зуллисонайн шоир. Ўз даври Бухоро адабий муҳитининг забардаст вакили. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар етарли эмас. Баъзи манбаларда шоирнинг исми Обидхўжа, отасининг исми Миракхўжа эканлиги қайд қилинган. Мирараб мадрасасида таҳсил кўрган. Дастлаб Мужрим тажаллуси билан шеърлар ёзган. 19-асрнинг бошларида Амир Ҳайдар унга Обид тажаллусини берган. Лекин у Мужрим тажаллусидан ҳам воз кечмай, ҳар иккала тажаллус билан ижод этган. У Амир Ҳайдар саройида мубоширлик вазифасида ишлаган. 80 йилча умр кўрган шоир

ҳаётининг сўнгги йилларида қашшоқликда яшаган. Шеърларида бевафо дунёдан,adolatciz замондан, оқибатсиз одамлардан нолиш — шикоят оҳанглари акс этган.

Туркий ижодида Навоий ва Машраб, форсий шеърларида Бедилга издошлик қилган. Унинг туркий девонида 459, форсий девонида 206 газал бор. Девонларида, шунингдек, мухаммаслари, қитъалари, рубоийлари, «Ҳасби ҳол» маснавийси мавжуд. Асарлари тўлиқ ҳолда нашр этилмаган. Газалларидан намуналар ҳамда қитъа ва рубоийлари босилиб чиқсан. Форсий девони мукаммал эмас. Мужрим Обид анъанавий услубда гўзал ишқий газаллар яратган. Уларда сўфиёна рух кучли. Оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган шоирнинг аксар шеърларида шикоят, ҳасрат оҳанги устун. Форсий-арабий сўзлар кўп учраши жиҳатдан шеърларининг тили мураккаб, лекин услуби содда, ифода тарзи равон. Шарқ адабиётини чукур билиши, етук истеъдод соҳиби эканлиги шеърларидан сезилиб турди. Шеърлари охорли ва гўзал ташбеҳу тимсоллар, теран фалсафий умумлашмалар, кескин ижтимоий фикрларга бой. Қитъа ва рубоийларида шоирнинг ахлоқий қарашлари, панд-насиҳатлари акс этган. Умуман, дунёning номукаммаллиги, жамият қусурлари, одамлар феълидаги иллатларни танқид қилиш шоир шеъриягининг асосини ташкил этади. Мужрим Обиднинг туркий ва форсийда битилган девонларининг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сакланади (инв. №976, 1797, 3798, 991).

### **Шайх Сулаймон Бухорий Қудратиллоҳ**

### **ал-Қундузий ал-Қоракўлий**

У 1821 йилда Қоракўл туманининг Қундуз қишлоғида туғилган. Отноаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам у ёшлигидан савод чиқаради. Бухоро мадрасаларида таҳсил олади ва ўз даврининг мукаммал илмларидан хабардор бўлади. Адабиётга ҳавас қўяди, шарқ классиклари Навоий, Лутфий, Мунис, Оғаҳий ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қиласди. «Нақший»

тахаллуси билан шеърлар ёзади. 25 ёшида, яъни 1846 йилда Бухоро амири Насруллохон уни Туркия давлатига элчи қилиб юборади ва бир вақтнинг ўзида Истанбулдаги ўзбек қавмининг раиси ҳам қилиб тайинлайди. Амирликнинг Туркиядаги Шехбендери (элчиси) бўлиб ишлар экан, Султон Абдулҳамид номидан Европа Давлатлари вакиллари билан музокора олиб боришга қатнашган.

Истанбулда у «Муҳожирин» деб аталган турк қабилаларининг илмий жамиятига аъзо қилиб сайланади ва 1875 йилда Венгрияning Сақден шаҳрида ўтказилган туркшунослярнинг халқаро анжуманида шу жамият номидан қатнашади. Сулаймон Бухорий томонидан Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Амир Умархоннинг бир қатор китоблари нашр эттирилган. Шайх Сулаймон Бухорий ўз саёҳати давомида Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитойда бўлади, бу мамлакатлар халқларининг урф-одатлари ва маданияти билан яқиндан танишади.

Сулаймон Бухорий кўп йиллик илмий тадқиқотларини жамлаб, «Луғати Чигатой ва Турки Усмоний(икки жилдли)» луғатини тузади. У 1882 йилда Истанбул шаҳрида «Мехрон» матбаасида нашр этилади. С. Бухорийнинг меҳнати самараси шундаки, ушбу китобда Аҳмад Яссавийдан Завқийга қадар ўтган юз нафарга яқин ўзбек шоирларининг асарларидан намуналар келтирилади. Биргина Навоий асарларидан 400 дан ортиқ мисол қаламга олинган. Сулаймон Бухорий ҳижрий 1298 (мелодий 1882-1883) йилда вафот этган.

### **АҲМАД МАҲДУМ ДОНИШ**

Аҳмад Дониш 1827 йили Бухорода шофирконлик мударрис оиласида туғилган. Дастлаб мактабда, сўнгра отасининг мадрасасида ўқиган Аҳмад адабиёт, тарих, фалсафа, табобат, астрономия илмларини пухта ўзлаштирган. Шунингдек, у номи чиққан хаттот ва рассом ҳам эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аҳмад Дониш Бухоро амири элчилари сафида уч маротаба — 1856, 1869, 1873-74 йиллари Россияга борган ва сафар чоғида Петербург ҳамда Москвада кўрган-кечирганлари ҳақида маҳсус рисола битган. 1874 йил

февраль-март ойларида Россияда чиқадиган “Голос”, “Новое время” газеталарида унинг билим-савияси ва сиёсатдонлиги таърифланган фикрлар босилган. Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, юртдошимиз рус подшоси хизматидаги ёзувчи ва олимларнинг эътиборини тортган, ҳурматига сазовор бўлган.

Маънавиятимизнинг забардаст вакилларидан бўлган Аҳмад Донишдан бизга улкан мерос қолган бўлиб, унинг қамрови ниҳоятда кенг. Садриддин Айний, Евгений Бертельс, Иброҳим Мўминов, Садри Зиё, Сотим Улуғзода, Иброҳим Ҳаққул каби атоқли олим ва адилар мутафаккир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишган.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулнинг “Аҳмад Калла” номли эссесида шундай сатрлар бор: “Ўн тўққизинчи асрдаги Бухоро шароитида Аҳмад Донишдек олим, адаб, мутафаккир ва давлат арбобининг камол топиши ҳайратланарли ҳол...

Илм-фаннинг саёзлашуви, маърифат бўstonларининг қовжираши, ҳуррият нурларининг сўниши Бухоронинг тинка-мадорини қуритган эди. Давлат ва ҳокимият Бухорои шариф ахли хоҳиш-иродасига зид бўлган ақида ва орзу-ҳавасларга тобе эди... Рост сўз, тўғри фикрнинг бир чақалик қиймати бўлмаган ана шундай қалтис шароит ва бадбўй муҳитда Аҳмад Дониш сарой хизматида юрган...

... Аҳмад Дониш ҳаётни севиб, ҳеч бир тўсиқ ва қаршиликни писанд этмай мардона кун кечирди. Шу боисдан ҳам унинг асаллари ростлик, матонат руҳи билан суғорилган”.

ЎзФА Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”), “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро” (“Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари”), “Тарихи салтанати хонадони манғития” (“Манғит амирлари тарихи”), “Дафтари тақвим” (“Кундаликлар”), “Рисолаи дар назми тамаддун ва маъовун” (“Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола”), “Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла” (“Аҳмад Калла ҳикоялари тўплами”), “Ин рисолаист ислоҳ миёни шиа

ва сунн” (“Шиалар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насиҳат”), “Манозир ул-кавокиб” (“Сайёralарнинг жойлашуви”), “Рисола фи аъмол ал-курра” (“Глобусдан фойдаланиш йўллари”), “Мажмуи рисолаи нужум”, “Меъёри тадайюн”, “Бухородан Петербургга саёҳат” сингари 16 та қўлёзма асари сақланади. Аксарияти муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган нусхалардир.

“Наводир ул-вақое” 15 йил давомида, яъни 1870—1885-йиллар оралиғида ёзилган тарихий, фалсафий, мемуар асар ҳисобланади. У 23 бобдан ташкил топган бўлиб, ота-она ва фарзанд муносабатлари (1-боб), мол-дунё (2-боб), тарих (3-боб), олим ва жоҳил тақдери (4-боб), вақт қадри (5-боб), сафар қилиш фойдалари (6-боб), илм-фан манфаати (9-боб), ҳақиқий ва мажозий ишқ ҳамда унинг одоби (10-боб), никоҳ (11-боб), тақдир (12-боб), касб-кор (13-боб), жисм ва руҳ (14-боб), ер тузилиши ва маъданлар (16-боб), туш таъбири (19-боб), айрим ҳадислар талқини (22-боб), инсон ахлоқини белгилаш (23-боб) каби ранг-баранг мавзуларни қамраб олган.

Асар таркибидан, шунингдек, алломанинг “Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола”си ҳам ўрин олган бўлиб, унда подшоҳнинг халқ олдидаги масъулияти 10 шарт асосида кўрсатиб берилади. Шу жиҳатдан Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Муҳаммад Қозининг “Хукмдорга ўғитлар”, Жан-Жак Руссонинг “Ижтимоий шартнома”сини ёдга солади.

Адиб фаранг донишмандлари, “сиёсий ҳукамолар”и ҳақида ёзди. Уларнинг “ихтилол ва инқилоблар тарихини чуқур ўрганиб”, барча ҳақсизлик ва адолатсизлик сабабини “давлат ишларининг ёлғиз подшо қўлида бўлиши”дан топганини, шу сабабли эски “давлат тузумини ўзгартиргани”, “хуқуқда ҳамманинг тенглиги”га риоя этиши, даражалар эса кишиларнинг “фазл ва хунарларининг оз-қўплигига асосланиши”, “давлатни ҳамманинг ўртасида турган киши идора қилиши” ҳақида “қонунлар чиқаришгани”ни уқтиради. Европанинг “барча давлатларни енгиб, бутун дунёга эга бўлишлари”да бу асосий омил бўлганини таъкидлайди.

Қайд этиб ўтиш керакки, адибнинг “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро”, “Тарихи салтанати хонадони манғития”, “Рисолаи дар назми тамаддун ва маъовун”, “Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла”, “Ин рисолаист ислоҳ миёни шиа ва сунн” “Бухородан Петербургга саёҳат” каби рисолалари, “Дафтари тақвим”и ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад Дониш умрининг охирларида “Тарих рисоласи” номи билан машҳур “Тарихи салтанати хонадони манғития” китобини ёзди. Бир ёқдан Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Абдуллахон, Субҳонқулихон, Шоҳмурод, иккинчи тарафдан Амир Музaffer салтанати мисолида ҳар бир давлатнинг тараққий ва таназзули сабабларини таҳлил қилди. Биринчи гурухни мужаддидлар (дин ва давлатни покловчилар) деб ҳисоблади.

Аҳмад Дониш ҳалқ ва давлат, ҳокимият ва юртнинг таназзулдан кутулишини ўйларди. Шу боис у жоҳил, нодон ва аҳмоқ кимсаларни давлатдан ҳимоялашга уринмаганидек, ичдан чириб, бузилиб кетган давлатнинг одамлар ҳаётида бирор ўзгариш қилиши ҳақида сўзлашни ҳам истамасди. Унинг биринчи орзуси ахлоқ ва тафаккур эди.

«Наводири Зиёя» тазкираси муаллифи, олим ва маърифатпарвар Садри Зиёнинг эътирофича, Аҳмад Дониш бутун умрини амир, вазир, қозикалон ва бошқа амалдорларни келажақдан огоҳ этиш, оддий одамларга зулм ўтказмасликка чорлаш, уларни зўравонлик, бераҳмликдан қайтаришдек эзгу ишларга сарфлаган лекин жамият ҳаётида бирон бир ўзгариш кўрмаган.

Давлатни адолат билан бошқаришга ақлу идрок ва илму тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш Аҳмад Донишнинг қарашларига хос хусусиятдир. Аҳмад Дониш “агар давлат ақл, онг принципларига мувофиқ тарзда ташкил этилмаса ва бошқарилмаса, ундай давлатдан яхшилик кутиш мумкин эмас” деб ҳисоблайди. Бу фикр Шарқ мутафаккирлари илгари сурган ва оқил ҳукмдорлар амал қилган давлатни илм-маърифат аҳлига таяниб бошқариш ғоясига ҳамоҳангдир.

У ҳалқ ичидаги оқил одамлардан маҳсус кенгаш (парламент) тузиб, давлатни идора этиш ғоясини илгари суради: “Подшоҳга лозимдирки, катта

бир машваратхона очсин. Бундай иш ҳозирги низомлик давлатлар ичида мамлакат тутишнинг энг муҳим ишларидан ҳисобланади. Мамлакат халқининг турли табақаларидаги энг ақлли ва илмли одамлардан у машваратхонага аъзо сайлаб, уларга маош тайин қиласин. У жойга йиғилган машваратчилар халқнинг ҳамда давлатнинг манфаатини кузатиб фикр фикр юргизсинлар. Улар нима нарсага иттифоқ қилган бўлсалар, у ишни амалга оширсин. Машваратхонада доимий туришлари лозим эмасдир, балки сайланмиш одамлар ҳар куни бир неча соат тўпланиб, мамлакатнинг фойда ва заарларини текшириб турсалар кифоя”. Мазкур фикрлари билан муаллиф Афлотун ва Форобийнинг давлатни ислоҳ қилишга доир қарашларини янада ривожлантиради.

У ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳақида тўхталар экан, подшоҳ ва халқ муносабати қанчалик илиқ бўлса, жамият фаровон, мамлакат обод бўлади деб ҳисоблайди ва буни мамлакат раҳбарининг марҳамати ҳамда адолатига боғлайди.

Аҳмад Донишнинг фикрича, жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон мансаби, моддий мавқеи жиҳатдан фарқланиши мумкин, аммо ижтимоий ёки умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаш, уни намоён этиш нуқтаи назаридан ҳамма бирдек мавқега эгадир.

Мутафаккир таълимотида умр мазмуни алоҳида ўрин тутади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ҳаёти давомида эзгу ишлар қилмоғи, илми ва ҳунарини эл-юртига бахшида этмоғи лозим. У ҳар бир инсон “кattадан ҳам, кичикдан ҳам сабоқ олишга интилсин” дейди ва Афлотун, Арасту, Суқрот каби буюк устозларнинг баъзан дарс жараёнида айрим нарсаларни ўз шогирдларидан ўрганганини бунга мисол қилиб келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Дониш қучли демократик давлат ҳамда ижтимоий тенглик, ижтимоийadolat устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш орзуси билан яшаган. Унинг бу борадаги қарашлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

**МИРЗО АБДУЛАЗИМ СОМИЙ БЎСТОНИЙ БУХОРИЙ**

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1838-1907) XIX аср охири XX бошларида Бухорода яшаб ижод етган тарихчи, адабиётшунос, шоир, хатtot, мунши ва етук лугатшунос олим ҳисобланади. Ундан айнан шу соҳаларга оид бой илмий меърос қолган. Мирзо Сомий ҳозирги Қизилтепа туманининг Хўжа Бўстон қишлоғида туғилиб, дастлабки маълумотини ўз она-қишлоғида олган. Кейинчалик таълимни Бухоро мадрасаларининг бирида давом еттириб, узок йиллар давомида амир Музффар(1860-1885) саройида муншилик лавозимида ишлаган. Амир Абулаҳад(1885-1910) даврида ҳам бир муддат саройда хизмат қилиб, кейинчалик маълум сабабларга кўра саройдан четлаштирилади.

Мирзо Сомийнинг шерларида, тазкира ва айниқса тарихга оид асарларида Бухоронинг бой ва қизиқарли тарихини англаб оламиз. Бухоро амирлигининг XIX аср охири XX бошларидаги, турли-туман воқеа ва ҳодисаларга йўғирилган тарихини унинг айнан 3 асари:

1. “Дахмаи шоҳон”
2. “Туҳфат-ул шоҳий”
3. “Тарихи салотини манғития” асарларида ёрқин акс этган.

“Дахмаи шоҳон” (Шоҳлар даҳмаси) деб номланган 30 қўлёзма варакдан иборат асарнининг фақат охирги 12 вараги Мирзо Сомийнинг мустақил ижод намунаси ҳисобланади. Асарнинг биринчи қисмида Содик Мунший Жондорийнинг Аштархонийлар сулоласи вакиллари Сухонқулихондан то Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўмин ҳақидаги сатирик поемасини қайта кўчирган. Мирзо Сомий асарни мантиқий такомиллаштиришни лозим топади. У асарда манғит амирлари ҳукмронлигининг деярли барча даврини, Раҳимбийдан(1754-1758) то амир Музффаргача (1860-1885) булган йилларни қамраб олишга ҳаракат қиласди.

Мирзо Сомий, Содик Муншийнинг “Дахмаи Субхонқулихон”, “Дахмаи Абулфайзхон, “Даҳмаи Абдулмўминхон” қисмларини мантиқий ривожлантиради. Шундан кейин маснавий воқеаларини бир-бирига уловчи қаҳрамони (шоир) Раҳимхон. Дониёл(мавсуми ғозий) Ҳайдар, Ҳусайн, Умар, Насруллоҳ, Музффар даҳмалари ёнидан ўтар экан улар ҳақида бир-бир

муҳокама юритади. Содик Жондорий каби Мирзо Сомий ҳам вафот этган ҳукмдорларни гўридан “тирилтириб”, уларни ўзаро гапиртириш услубидан фойдаланади.

Асардаги тасвирга кўра, воқеаларни ҳикоя қилувчи қаҳрамон саёҳатга чиқиб, бир манзилга етадики, у ерда шайбоний, аштархоний ва манғит ҳукмдорларининг қабрлари жойлашган экан. Айни воқеалар тафсилоти Сомий достонида ҳам давом этади. Ҳар бир тахт соҳиби ўз умри давомида нимага эришган бўлса(ғалаба, мағлубият, савобу-увол ва ҳ.к)ўшалар ҳақида “бир-бир муҳокама юритилади”.

Асада Муҳаммад Раҳимбий такаббур ва калондимоғ, шунингдек шафқатсиз ҳукмдор сифатида тасвирланган. Тахтга даъвогарлик қилиши мумкин бўлган номзодлар олдидағи қўрқув уни гуноҳсиз кишиларнинг ҳам қонини тўкиб, уларни жазолашга ундейди. Амир Насрулло эса қиёмат куни ўзининг қурбонлари билан учрашувдан қўрқиб турган ҳолда ва тунд рангларда тасвирланади.

Амир Музаффарни тасвирлашда унинг мақтанчоқлигига урғу берилган бўлиб, у асосан ҳукмронлигининг дастлабки йилларида қўлга киритган ғалабалари билан мақтанган. Шунингдек русларнинг ёрдами билан мамлакатдаги қўзғолонлар бостирилгандан сўнг амир Музаффар давлат ишлари билан шуғулланмай, бекорчиликка берилиб ҳаёт кечиргани ҳам қайд етилган.

Мирзо Сомийнинг қолган икки асари насрий тарзда ёзилган бўлиб, “Тухфаи шоҳий” (Шоҳлар тухфаси)1899/1900-1902/1903, “Тарихи салотини манғития”( Манғит ҳукмдорлари тарихи) 1906-1907 йилларда ёзилган. Бу икки йилнома айнан бир даврни, яъни Бухоро амирлигига манғитлар сулоласининг ҳукмронлиги даврини ёритади. Бу асарларда асосан амир Музаффар даврида бўлиб ўтган воқеалар акс этган бўлсада, бу икки асар ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

“Тухфаи шоҳий” сарой тарихнавислиги анъаналари асосида ёзилган бўлиб, унда ҳукмдорлар, уларнинг аждодлари ва шу ҳукмдорларнинг

амаллари кўкларга кўтарилиб, мақтаб ёзилади. “Тарихи салотини манғития” эса кескин мухолифатчилик кайфиятида ёзилган. Шу сабабли биринчи асар илм-фанда тарихнинг “расмий”, иккинчиси эса “махфий” тарих сифатида маълум. “Расмий тарих” ҳажми жиҳатидан иккинчи асарга нисбатан каттароқ. Жумладан, унда анча аввал бўлиб ўтган кўп сонли феодалларнинг қўзголонлар хақида ҳам ёзилган.

### **ШАРИФЖОН МАХДУМ САДР ЗИЁ**

XIX аср охири – XX аср аср бошлари Бухоро заминида туркий ва форс тилларида ижод қилган зиёлилар ижодини ўрганиш мустақиллик йилларида кенг йўл очилди. Ана шундай тараққийпарвар олимлардан бири, шубҳасиз, Шарифжон махдум Садри Зиё ҳисобланади. Бу шахс Бухоронинг сўнгги қозикалонларидан бўлиб, 1867 йил 2 февраляда Бухоро амирлигига қарашли Зиёвуддин қишлоғида Абдушукур оиласида дунёга келган. Отаси Абдушукур амир Музaffer даврида Зиёвуддиннинг қозикалони лавозимида ишлаган. Айни вақтда бу шахс ижодий фаолиятида Оят тахаллуси билан шеърлар битган Шунинг учун манбаларда Абдушукур Оят номи билан тилга олинади.

Шарифжон Махдум бундай олийнасаб оиласида туғилганлиги, унинг ёшлиқ давридан илм олишга имкон яратган. У дастлаб эски мактабда, кейин мадрасада таълим олган. Ёшлиқ чоғидан Шарифжон махдум шеърият, ҳусниҳат ва тарихга қизиққан. Бу шахс ҳақидаги асосий маълумотларни биз, унинг хизматкори бўлиб ишлаган адиб ва олим Садриддин Айнийнинг асарида, “Қисқача таржимаи ҳолим”, “Эсадаликлар”, “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарларида қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Адиб ва олим Садриддин Айний «Эсадаликлар»ининг етакчи ижобий қаҳрамонларидан бири Шарифжон Махдум Садр Зиёдир. Буинсон шахси ва шажараси ҳақида унинг фарзанди адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор М. Ш. Шукуров (1926 йилда Бухоро шаҳрида туғилган)

куйидагиларни ёзади: «Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867-1932) тожик шоири, насрнависи ва тарихшуносидир.

Шариф унинг номидир, Махдум муллазодалар номига кушилиб келадиган калима (сўз), Садр илмий-диний унвон булиб, кейинги асрлар Бухоросида уламоларга бериладиган учинчи (ўрок, ва судурдан кейин) олий унвон ҳисобланади. Зиё унинг адабий тахаллусидир. Садр Зиёнинг номи тарихий сарчашмаларда, жумладан, Мирзо Муҳаммад Шариф, Қози Шарифжон ва шқаларнинг асарларида тилга олинади.

Шарифжон Махдум Садр Зиёнинг илмий - маърифий фаолиятининг яна бир қирраси китобсеварлик ва нодир қўлёзмалардан иборат бой кутубхонани ташкил этганлигидир. Ўша даврда марифатпарварнинг бирортасига бундай катта ва бай кутубхона йўқ эди. Кутубхона фондида ўзининг ижодига оид асарлар дастхати туширилган қўлёзма қўчирмалар, шунингдек қадимий қўлёзма асарлардан иборат. Кутубхонадаги қадимий ёзма ёдгорликлардан энг қадимиysi фан оламида буни "Катта Лангар Қуръони "(Шахрисабздаги катта Лангар қишлоғидан топилган) номи билан машҳур Қуръоннинг нусхасининг бир варағи шу кутубхонада сақланган.

Бундан ташқари Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарининг қадимги нусхаларидан бири ҳам шу кутубхонада сақланган. Мажид Ҳасановнинг "Файзулла Хўжаев" номли асарида ёзилишича "Бухоро илмий жамиятининг энг бой шахсий кутубхоналардан бири Бухоро амирлигининг собиқ қозикалони Шарифжон Махдум (адабий тахаллуси Садри Зиё кутубхонаси ҳисобланади" деб ёзади.

Шарифжон Махдум маърифий оламида икки жихат яккол кўзга ташланади: биринчиси унинг тарихий-адабий асарлари булса, иккинчиси, у ташкил этган бой кутубхона ҳисобланади. Шарифжон Махдум Садр Зиё тарихчи сифатида умумий тарих ва Бухоро тарихининг айrim масалалари буйича бир неча китоб муаллифидир. Шарифжон Махдум илмий-маърифий фаолиятининг иккинчи қирраси бўлган китобсеварлик, унга нодир қўлёзмалардан иборат бой кутубхона ташкил этиш имкониятини берган.

Унинг кутубхонасида сақланган ёзма ёдгорликларнинг энг қадимийси IX асрга оидdir.

1917 йил апрель намойишидан кейин ҳибсга олинган Шарифжон Махдумнинг мол — мулки қаторида унинг бойгина кутубхонаси ҳам давлат томонидан мусодара қилиниб, хозирги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасига топширилади. У ердан эса Тошкентга олиб кетилади. Маълум маънода тафсилоти берилган бу маънавий хазинанинг ундан кейинги тақдири ҳақида “Эсадаликлар”нинг «изоҳлар» қисмида ўқиймиз:

“Бугун Шарифжон Махдум Садри Зиё тўплаган бу нодир китобларнинг аксарияти ЎзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти (Тошкенда) қўлёзмалар хазинасида сақланади ва бу нодир хазинанинг энг яхши қисмларидан ҳисобланади”. Алқисса, Шарифжон Махдум ана ўша улкан маънавий хазинаси билан хам истикдол даври одамларини баркамол шахс қилиб шакллантириш йўлида беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Унинг «Мажмуаи Муросилот» ёки «Навоий альбоми» деб юритиладиган мактублар тўплами Ҳожа Ахрор, Абдурахмон Жомий, Алоуддин Аттор каби улуғ сиймоларнинг Алишер Навоийга ёзган хатларидан иборат ва ягона қўлёзма нусхада (594 мактубни ўз ичига олган) Шарифжон Махдум кутубхонасида сақланиб келинди.

### **САДРИДДИН АЙНИЙ**

XX аср ўзбек ва тожик адабиётларига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний Бухоро амирлигига қарашли Фиждувон туманининг Соктаре қишлоғида 1878 йилнинг 15 апрелида дунёга келган. Олти ёшидан мактабга қатнай бошлаган. Садриддин 1890 йилда Бухорога келиб, Мир Араб, Бадалбек, Олимхон мадрасаларида таълим олган.

Мадрасани тугатгач, янги усул мактабларида муаллимлик қилган. Садриддин Айнийнинг адабий фаолияти ўтган асрнинг 90-йилларида шеър ёзиш билан бошланган. Унинг биринчи асари «Гули сурх» — «Қизил гул» 1897 йили яратилган. Шундан сўнг мактаблар учун «Таҳсиб ус-сиёбон» — «Болалар тарбияси» номли ўқиш китобини (1909) тузиб, нашр эттирган.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида истиқлол учун кураш ҳаракатлари бошланиб кетди. С. Айний амирликка қарши курашгани учун зинданга ташланди. У Октябрь тўнтариши йилларида ўзбек ва тожик тилларида даъваткор шеърлар, маршлар яратиб, уларни «Инқилоб учқунлари» (1923) тўпламида нашр этди. Ёзувчи «Бухоро жаллодлари» (1922) қиссасида амир-амалдорларнинг даҳшатли жабрзулмини, гуноҳсиз кишиларни ўрта аср қийноқлари билан қатл этишларини, «Одина» (1927) қиссасида эса меҳнаткаш халқнинг оғир қисмати ва фожеали ҳаётини жонли тасвирлаб берди.

С. Айнийнинг дастлабки «Қуллар» романи 1934 йилда Тошкентда ўзбек тилида, 1935 йилда эса Душанбеда тожик тилида нашр қилинди. «Қуллар» романининг бош қаҳрамони тарихни ҳаракатга келтирувчи куч — халқ ва унинг содик фарзандларидир, деган холосага етаклайди. Тарихнинг маълум бир даврини қамраб олган бу роман халқ тарихини, унинг ҳаёти ва курашини реалистик акс эттирган. Бироқ «Қуллар» романининг сўнгги, бешинчи қисмидаги жамоа хўжалиги қурилиши йиллари тасвирида жиндак тарихдан четга чекиниш ҳам йўқ эмас. Чунки романда даврнинг ижобий томонлари бўрттириб кўрсатилгани ҳолда Шўро ҳукуматининг жамоалаштириш сиёсати хаспўшлаб ўтилган.

С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» (1937) қиссасидаги бош қаҳрамон Қори Ишқамба жаҳон адабиётидаги Плюшкин ёки Гобсек каби мумтоз образлар билан бир қаторда туради. Иккинчи жаҳон уруши йилларида С. Айний «Марши интиқом», «Муқанна қўзғолони», «Темур Малиқ» каби ватанпарварлик руҳидаги илмий ва бадиий асарларини яратди. У халқ ижодидан, фольклор асарларидан кенг фойдаланган ҳолда «Етти бошли дев» асарини ҳам яратди.

С. Айнийнинг урушдан кейинги тикланиш йилларида яратган асарлари орасида тўрт жилдик «Эсадаликлар»и (1949-1954) алоҳида ажralиб туради. С. Айнийнинг «Эсадаликлар», «Судхўрнинг ўлими», шунингдек, «Дохунда» ва «Қуллар» романлари болгар, немис, поляк, венгер, хитой, француз, румин,

ҳинд, чех ва бошқа тилларга таржима қилинган. С. Айний ўзбек ва тожик адабиёти тарихи юзасидан катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг ўрта осиёлик буюк шоир ва олимлар — Рудакий, Саъдий, Ибн Сино, Васфий, Бедил, Алишер Навоий, Аҳмад Доңиш қаби сиймолар ҳақида ёзган илмий асарлари ниҳоятда қимматли. Унга филология фанлари доктори (1948), профессор (1950) илмий даражаси, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940) унвони берилган. Адиб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси (1943) ҳамда Тожикистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси ва биринчи президенти (1951—54) қилиб сайланган. Бир неча йиллар давомида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг профессори ва Тожикистон фанлар Академияси ташкил топган кундан бошлабоқ унинг Президенти сифатида хизмат қилган. У 1954 йилнинг 15 июнида Душанбе шаҳрида вафот этган.

### **УСМОНХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЕВ**

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ўзининг қоракўл териси, ипак маҳсулотлари, ширин-шакар мевалари ва доривор ўсимликлари билан дунёга машхур бир юрт эдиким, бу чет эл ишбилармонларини ҳам ўзига мафтун қиласарди. Буюк Ипак йўлининг қадим карvon йўллари кесишган бу табаррук заминда аҳоли орасидан йирик тадбиркорлар, савдогарлар етишиб чиқсан бўлиб, улар нафақат Россиянинг Москва, Новгород, Рязань, Макарьевск бозорлари, балки олис Европанинг Лион, Париж (Франция), Берлин, Лейпциг (Германия), Лондон (Англия) каби машхур шаҳарларидаги савдо ярмаркаларида ҳам фаол иштирок этишарди. Бухоро савдогарларининг дунёда «олтин кўприк» номи билан шухрат қозонган Истанбул (Туркия), Африкани Европа қитъаси билан боғловчи Александрия (Миср), ислом дунёсининг муқаддас шаҳарлари бўлмиш Макка ва Мадинада шахсий савдо дўконлари бор эди.

Бухоролик йирик сармоядор савдогарлар орасида Мурод Ашурбой карvonбоши, Кароматуллоҳ ҳожи савдогар, Пўлатбой карvonбоши

сингари шахслар алоҳида мавқе ва мартабага эга эдилар. Савдо-сотик соҳасида тажрибага эга кишилар ўз фарзандларини ҳам имкон қадар ушбу соҳа сирларидан воқиф қилиб, ўз тижорат ишларини давом эттиришда муносиб ворислар бўлиб етишишларини орзу қилишарди. Мана шундай йирик савдогарлардан бири, Бухоро ички ва ташқи савдоси муносабатларида бошлиқ бўлган, алоҳида мартаба соҳиби Кароматуллоҳ Хўжа хонадонида ўғил фарзанд – Пўлат Хўжа дунёга келади.

Пўлат Хўжа камолга етганидан сўнг ота касби – тижорат иши билан машғул бўлди ва қисқа вақт ичида йирик сармоядорга айланди. У савдо-сотик ишларини ривожлантириш, харидоргир моллар сотиб олиш ёки ўз товарларини сотиб даромад қилиш мақсадида Фарғона водийсидаги Андижон, Марғилон, Қува, Хўжанд, Ўш каби шаҳарларга ҳам вақти-вақти билан сафарлар қилиб турган. Ўш (хозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги шаҳар)да ўзининг хусусий дўконларига эга бўлган Пўлат Хўжа Кароматуллоҳ ўғли бу ерда мусулмончилик удумларини саклаган ҳолда Фотима ойим исмли ўзбек аёлига уйланади. Пўлат Хўжа Фотима ойимдан 1878 йили фарзанд кўриб, унга Усмон Хўжа деб исм қўяди.

Усмон Хўжанинг бобоси Кароматуллоҳ Хўжадан Хадича исмли бир қиз ҳамда Убайдуллаҳхўжа, Пўлатхўжа, Атохўжа исмли ўғил фарзандлар туғилган. Усмон Хўжа иккинчи фарзанд Пўлатхўжадан туғилган бўлиб, унинг Собира исмли опаси ҳам бўлган. Усмон Хўжа бошланғич маълумотни ота юртида олади. Воқеалар тафсилотида бир қадар илгарила, хронологик кетма-кетлик тартиби бузилса-да, қайд қилиш лозимки, Усмон Хўжа ўз ҳаёти давомида турли хотинларидан тўрт фарзанд кўрган. Биринчи фарзанди Ҳоди Хўжа унинг Бухородаги хотинидан туғилган. Туркон Ўзганчи исмли ўғли Фирдавс исмли хотинидан туғилган бўлса, Ўзой Ҳожа ва Темур Хўжалар эса Туркияда, Ҳакима исмли хотинидан туғилган фарзандлариdir.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухорода ислоҳотчилик ҳаракати кучайиб, жадидчилик ғоялари ёйилаётган бир давр эди. Жадидчиликнинг «гоявий отаси» И smoил Ғаспирали (1851–1914)нинг маърифатпарварлик қарашлари XIX асрнинг 80-йилларидаёқ илғор фикрли кишилар орасидатарқалганди. Бухоро зиёлилари «Таржимон» газетаси орқали 1883–1884 йиллардаёқ янги усул мактабларидан воқиф бўлишган.

1884 йилда “Таржимон” газетасининг 1000 нафар обуначисидан 200 таси Туркистондан эди. Бухорога Уралолди ва Волгабўйидан савдо-сотик ва ҳунармандчилик қилиш мақсадида кўчиб келган татарлардан бирининг фарзанди Н. Собитов XIX асрнинг 90-йилларидаёқ Бухорода биринчи жадид мактабини очган. Бу жадид мактаби татарлар томонидан очилган бўлиб, мактаб ўқувчилари орасида маҳаллий халқларнинг вакиллари озчиликни ташкил қилган.

Тарихчи ва давлат арбоби Мирза Салимбек (1850–1930) ўзининг «Тарихи Салимий» асарида ёзишича, вардонзелик Мулла Жўрабой XIX аср охирларида Истанбулда таҳсил олгач, Россияда ҳам бўлган. Мулла Жўрабой ҳам Бухорога қайтгач, 1900 йилда ўз туғилган қишлоғида, баъзи манбаларда келтирилишича эса Пўстиндўзон қишлоғида Бухоро амирлиги ҳудудидаги дастлабки жадид (янги усул) мактабини очади.

Туркияда султон Абдулҳамид II режимига қарши Ёш турклар ҳаракати авж олиб, уларнинг илғор фикрлари Бухорога етиб келган эди. Чунки Туркияning Истанбул, Кўния, Измир, Анқара каби бир қатор шаҳарларида бухоролик савдогарлар доимий савдо-сотик билан шуғулланишарди. Усмон Хўжанинг болалик ва ёшлиқ йиллари ана шундай жўшқин сиёсий, маданий жараёнлар кечган бир даврга тўғри келди. Унинг ёшлиқ йиллари Бухорода янгилик ва ўзгаришлар учун курашлар бўсағасидаги воқеалар тизими билан боғланиб кетди.

**МИРЗО АБДУЛВОҲИД БУРҲОНОВ (МУНЗИМ)**

Маърифатпарвар шоир, давлат ва жамоат арбоби Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов 1875 йили Бухорода таваллуд топади. Дастребаки таълимни эски мактабда олади. XIX асрнинг 90-йилларидан Абдулвоҳид Бурҳонов Мунзим тахаллуси билан маърифий шеърлар ёза бошлайди, кейинчалик эса амалий фаолиятида ҳам маърифатпарварлик билан шуғулланади. XX асрнинг биринчи ўн йиллигига Мунзим янги усулдаги мактаб очиш учун ҳаракат қила бошлайди. Бухородаги дастребаки жадид мактабининг очилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. У 1908 йили Самарқандга бориб, жадид мактабларидағи ўқитиши услубини Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдуқодир Шукурийдан ўрганади ва шу йили ўз ҳовлисида жадид мактаби, 1909 йилда эса катта ёшдагилар учун кечки мактаб ташкил этади.

Бухорода 1909 йилдан шаклланган жадидлар ташкилоти аввал маърифатпарварлик ишларини олиб борди. Мунзим бу ташкилот ишига фаол қатнашиб, шу йили Мукаммил Бурҳонов, Садриддин Айний билан биргаликда билан «Тарбияйи атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамиятини тузишда иштирок этди. Бу жамият бухоролик маърифатпарварлар ва ҳур фикрли зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда катта аҳамият касб этди.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Бухоро жадидлари А.Бурҳонов бошлиқ эски жадидларга, Ф.Хўжаев ва А.Фитрат бошлиқ янги жадидларга бўлинади. Биринчи гуруҳнинг асосий фаолияти маърифатпарварлик бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислоҳотлар тарафдори эди. Кейинчалик бу икки гуруҳнинг бирлашуви натижасида «Ёш бухороликлар» партияси тузилиб, Мунзим унга раис этиб сайланади.

1918 йилдан 1920 йилнинг сентябригача Мунзим Тошкентда яшайди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, у аввал Марказий ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик Халқ маорифи нозири, Соғлиқни сақлаш нозири лавозимларида ишлайди.

Халқ маорифи нозири лавозимида ишлаган Мунзим 1922 йил июнида миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ

бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР хукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга асосан, у мазкур ишни ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 йилнинг ёзида Мунзимнинг шахсан ўзи бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштиради. 1920 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Мунзим ўзини тамоман ижодий ва публицистик фаолиятга бахшида этади. 30-й. бошида «Тожикистони сурх» газетасида ишлади. Абдулоҳид Мунзим 1934 йилда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Душанбеда вафот этади.

### **МИРЗО СИРОЖ ҲАКИМ БУХОРИЙ**

Сирож Ҳаким номи билан танилган сайёҳ 1877 йилнинг 23 октябрида Бухоро амирлигининг пойтахти – Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Унинг тўлиқ исми – Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий ибн Ҳожи Мирзо Абдурауф эди. Отаси бухоролик савдогар ва сарроф (пул алмаштирувчи, йирик пулларни майда қилувчи) эди. Сирож беш ёшидан она шаҳри Бухорода таҳсил олишни бошлади. Ўқиши давомида диний ва дунёвий илмларни ўзлаштирди, форс тилини мукаммал даражада эгаллади.

Унинг отаси Ҳожи Мирзо Абдурауф икки йил давомида ўғли учун форс тилидан алоҳида ўқитувчи ёллади. Ёш Сирож ўқитувчи билан тилга оид билимларини такомиллаштирди, форс ёзувини ўрганди, ахлоқшунослик, маданият ва тарихга оид форсча китобларни мутолаа қилди. Айни вақтда араб тилини ҳам ўрганишга бел боғлади ҳамда уни ҳам мукаммал даражада ўзлаштириди.

Бир қанча вақтдан сўнг Ҳожи Мирзо Абдурауф ўғлини ўз ишига жалб қилди ва унга касбининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Отаси Сирожни саррофлик дўконларидан бирига жойлаб қўйди. Бу вақтда Сирож иш билан банд бўлиб ўқишини ташлаб қўймади, балки отаси томонидан ёлланган алоҳида ўқитувчи кўмагида рус тилини ўргана бошлади. Олти ойлик таълимдан сўнг у рус тилини ўзлаштириди ҳамда кирилл алифбосида бинойидек ўқишни ўрганиб олди.

Бундан кейин, олти ойдан бироз ошиқ муддатда шахсий ўқитувчи билан француз тилини эгаллашга киришди. Айни даврда у ўз хусусий ишини ҳам бошлади ҳамда пахта олди-сотдиси билан шугулланди. У Европа, Россия, Усмонийлар, Эрон ва бошқа мамлакатлар шаҳарлари ҳамда улардаги гаройиботлар ҳақида сўзлаб берувчи савдогарлар, саёҳатчилар билан сухбат куришни хуш кўрарди. Сирож бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш иштиёқида эди.

Сирож 1902 йил, 25 ёшида Европа бўйлаб саёҳат қилиш учун отасининг розилигини олди. У она шаҳри Бухородан 1902 йил 5 июнда йўлга чиқиб, Каспий (Хазар) денгизи орқали Кавказга, у ердан Усмонийлар империясига келди. Усмонийлар давлатида кемага ўтириб, Қора денгиз орқали Болгариягача етди, унинг пойтахти – Софияда сайру саёҳат қилди.

Сўнгра Сербия қироллигига отланди, турклар томонидан “Кутлуг уруш шаҳри” деб аталган Белградни томоша қилди, шаҳардан чиқиб шимолга – Австрия-Венгрия империясидаги Будапештга ҳам келди. Венани кўрди, Германия империясининг пойтахти – Берлин шаҳрини кезди. Германиядан Франция Республикасига отланган Сирож Ҳаким Париж шаҳрини ҳам четлаб ўтмади. Саёҳатда давом этиб, Ла-Манш бўғози орқали Британия империясига келди, Лондонни айланди. Лондон саёҳатидан сўнг ортга қайтди.

Йўл-йўлакай Польша қироллиги пойтахти – Варшавани келиб кўрди. Москвани айланиб, 1903 йил январида Бухорога қайтиб келди. Ўзи ёзганидак, дастлабки саёҳати унинг дунёқарашини тубдан ўзгартирибгина қолмай, унда чукур таассуротлар ҳам қолдирди.

Қайтганидан бир ой ўтиб, ўзининг иккинчи саёҳатига отланди. Бу сафар жануби-ғарбга томон йўл олди. 1903 йил февралда Бухорони тарк этди. Йўлда Ўрта Осиёning энг қадимги шаҳарларидан бири – Марвга келди, бироз вақтдан сўнг ўша даврда Қожарлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган Эронга қарашли Хуросонни айланди. Шиаларнинг “муқаддас” шаҳри – Машҳад, Умар Хайём ва Фаридуддин Аттор яшаган – Нишопур, Фирдавсийнинг Ватани – Тус шаҳарларини бориб кўрди, Нишопурда етти ой

турди. Кейин 1851 йилда асос солинган Техрон Тиббиёт коллежи (у 1986 йилдан бошлаб Техрон Тиббиёт университети номини олган)га ўқишга кирди.

Техрон коллежидаги ўқиш ниҳоясига етгач, айни шу даргоҳда дарс берди, шунингдек, Техрон шифохоналаридан бирида шифокорлик қилди. Айни шу вақтда у анча танилди, шифокор ва кенг дунёқараашга эга саёҳатчи сифатида ном қозонди. У Эронда “доктор Мирхон” номи билан эл оғзига тушди. У ҳақда Афғонистоннинг ўша вақтдаги амири Ҳабибуллохон (1901–1919 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳам хабар топди. Сирож Ҳаким Афғонистонда “доктор Собир” номи билан шухрат қозонди. У анъанавий тиббиётдан кўра Европа тиббиётини афзал қўрарди. Сирож Ҳаким орадан икки йил ўтиб, 1905 йилнинг июнида Бухоро қайтди. Ортга қайтишда Ҳирот, Бомиён, Мозори Шариф, Балхда бўлди, Амударёдан сузиб ўтиб Термизга келди. Ундан Насаф орқали Бухорога етиб келди. Бухорога қайтганидан бир ой ўтиб, савдогарлар ва афғон амири Ҳабибуллохоннинг яқин кишилари ўртасида юзага келган можарога аралашиб қолди. Ўш вақтларда Бухоро ва Афғонистон амирликлари иттифоқчи эдилар ва мазкур можаро амирликлар муносабатини ёмонлаштириши мумкин эди. Натижада Сирожиддин таъқиб остига олинди. У Бухоро амирлигини тарк этиб, ўзининг сўнгги – учинчи саёҳатини бошлади.

Сирожиддин Ҳаким Европага йўл олди. Ўзининг тиббиёт соҳасидаги билимларини янада ошириш мақсадида Швейцария пойтахтида 1834 йили асос солинган Берн университетининг тиббиёт факультетига ўқишга кирди. 1909 йилда Бухорога бутунлай қайтди ва ўзининг хусусий шифохонасини очди. Бу шифохонадаги ўз даврининг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари Европадан олиб келинган эди.

Қисқа вақт ичida унинг шифохонаси бухороликлар ичida жуда машҳур бўлиб кетди. Ундан шифо топиш мақсадида Бухоро худудидан ташқаридаги bemorлар ҳам келарди. Ўқимишли ва маърифатли бўлгани учун унинг Бухорога келиши ёшларга сезиларли даражада куч берди.

Мирзо Сирож чет элларда бўлганида у ердаги таълим тизимини, хусусан, мактаб таълимини жуда яхши ўрганди. Бухородаги анъанавий таълим билан уни таққослади. Жумладан, буни ўз сафарномасида қуидагича қайд этган: “Европада мактаб ва мадрасаларни кўриб ёдимга ўзимиздаги мактаб ва мадрасалар келди, эсладиму юрагим гам ва афсусга тўлди. Нега бизни миллатимиз илмни шунча хор қилиб, уни тарк этади... Эрон уламолари илмга ва санъатга ғайратли, иштиёкли бўлиб, ҳамма шаҳарларида мактаблар очган. Техронда жадид анъанавий мактаблари, дорулмуаллимин, дорулфунун, сиёсий мадраса, ҳарбий мадраса, тиббий мадраса мавжуд. Муаллимлари Фарангистон (Франция, Европа)да таълим олишган”.

Таълимдаги таназзулни ўзга тизим билан таққослай билган Сирож Ҳаким анъанавий мактабларни, европача таълим-тарбияни бухороликлар учун қанчалик аҳамиятли ва зарурий эканлигини тушунтиришда, тарғиб этишда жонбозлик кўрсатди. Кўп йиллик саёҳатлари натижасида яратган “Тухфаи аҳли Бухоро” (“Бухоро аҳлига тухфа”) асарида Усмонли турк сultonлари, Эрон, Афғонистон, Хиндистон ва Европа мамлакатларидағи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, маданий ҳаётни тасвирлади. Жумладан, ушбу асарда Туркия билан бўлган савдо ишларида қатнашган бухоролик ва қўқонлик бир қанча савдогарларни эслаб ўтган. У ўзининг кўп турк савдогарлари билан яқин муносабатда бўлганини ёзган. Асарда, шунингдек, Бухородаги маданий ҳаёт ва мадрасалар хусусида ҳам сўз боради.

Сирож Ҳаким ўзбек ва тоҷик тилларида ғазал, қасида, мухаммас ва рубоийлар ёзди. Унинг 200 юздан ортиқ шеърлари битилган 2 та тўплами ва “Тухфаи аҳли Бухоро” асарининг қўлёзмаси Тошкентдаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. У ўзбек тилидан ташқари, форс, араб, француз, немис ва рус тилларини ҳам мукаммал биларди. Сирож Ҳаким дастлаб “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамияти шаклида тузилган жадидларнинг “Ёш бухороликлар” партияси дастлабки ташкилотчиларидан бири эди. У Бухоро жадидлари томонидан Янги Бухоро (ҳозирги Когон)

шахрида 1912 йил 14 июлдан 1913 йил 2 январгача ўзбек тилида чиқарилган “Турон” газетасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди.

Маърифатпарвар олим ва шоир, табиб, сайёҳ Сирож Ҳаким 1914 йил 17 январда – 36 ёшида Бухоро шахрида сил касалидан вафот этди.

### **АБДУРАУФ ФИТРАТ**

Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили. У қомусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, бетакрор драматург ва шоир, жанговар публицист, ношир ва журналист, талантли давлат ва жамоат арбоби эди.

Абдурауф Фитрат ўз таржимаи ҳолида ёзишича, 1886 йилда Бухорода туғилди. Фитрат-Абдурауфнинг тахаллуси бўлиб, «туғма истеъдод» маъносини беради. Отаси Абдураҳимбой савдо билан шуғуллангани боис чет элларга чиқар, дунё аҳволидан боҳабар, ўқимишли ва таниқли одам эди. Онаси Бибижон, адабиётшунос, Фитрат оиланинг тўнғич фарзанди эди. У бошланғич тарбияни диний мактабда, сўнг машҳур «Мирараб» мадрасасида олди. Форс ва ўзбек тилларининг мукаммал билимдони бўлмиш Фитрат араб тилини ҳам чуқур эгаллаб, шаҳарда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга, айниқса, жадидчилик ҳаракатларига қизиқиб қаради.

Ўзининг айтишича, аввал жадидлар ҳаракатига қаршилик қилди, кейин унинг моҳиятини англаб етгач, бу ҳаракатга қўшилди, ҳатто ашаддий тарғиботчиларидан бирига айланди. Жадидлар маслаҳати ва ёрдами билан бир гурух ёшлар, жумладан Фитрат Истамбулга ўқишга юборилади. У 1909—1913 йилларда Туркияда таҳсил олди. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб, ўстириб юборди. Туркистон халқи ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтда у ерда «Ёш турклар инқилоби» воқеаси бўлган эди) ва илгор мамлакатлар нуқтаи назаридан қарай бошлади: диний хурофотларни кескин танқид қилишга, ҳатто динни, мактаб-маорифни ва Туркистондаги идора усулини ислоҳ этиш ғояси билан нафас олди. Фитрат 1909 йилда Истамбулда «Хиндистонда бир фарангি ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган

мунозараси» китоби босилиб чиқди. Амир асарни Бухорода босилишга рухсат бермагач, Истамбулда нашр эттирган эди. Асар форсча ёзилган, уни Ҳожи Муин ўзбекчага айлантириди ва «Туркистон вилоятининг газети»да бостириди (1911 й.).

1913 йилда эса асар алоҳида китоб ҳолида чиқди, унга Беҳбудий кириш сўзи ёзди. «Ҳибис қилиш, ўлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди, деб ёзади Фитрат, - у замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълимтарбия усулини, бир куй расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди. Унинг ноширлари бўлғон Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўзбоши ёздим ва шунинг билан гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлғонини кўрсатдим».

Китоб Бухорода ижтимоий онгнинг жонланишига катта туртки бўлди, ҳатто ҳукумат томонидан таъқиб қилинаётган жадид мактабларининг кўплаб очилишига, мактаб-таълим ишларининг жонланишига ёрдам берди. Ахир ундаги «Ислом мамлакатлари нега вайрона ва харобазор қолиши керак. Бунинг сабаби нимада?», «Бу бечораларнинг нега ейишга noni йўқ?» каби жиддий савол ва мулоҳазалар халқ онгига таъсир этмасдан иложи йўқ эди.

Фитрат адабиётнинг ҳамма жанрларида қалам тебратди ва ўз орзу-армонлари, эзгу тилакларини тарғиб эта бошлади. У 1910 йилда Истамбулда «Сайҳа» («Бонг») деган шеърлар тўпламини бостириди. У ҳам форс тилида эди. «Ҳинд сайёҳининг қиссаси»ни ҳам форсчада ёзди ва 1912 йилда Истамбулда нашр эттириди.

Фитрат Туркиядан кайтгач, Бухоро, Самарқанддаги қизғин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий ҳаракатларига фаол аралашиб кетди. Жадидчиларнинг бир грухи маориф-маърифат орқали халқ аҳволини яхшилашга интилишса, иккинчи грухи давлат тизимини ислоҳ этиш, қайта куриш орқалигина халқ ва юрт аҳволини ўнглаш мумкин, деган сиёсий йўлдан юришга интилди. Шу мақсадда 1917 йил феврал инқилобидан кейин ёш бухороликларнинг инқилобий партияси тузилди. Марказий Қўмита аъзолари

орасида Фитрат саркотиб сифатида ва Файзулла Хўжаев аъзо сифатида иштирок этишди. Партия Амирни ислоҳга даъват этди ва у қоғозда кўп хайрли ишлар қилишга ваъда берди, амалда ўз билганидан қолмади. Фитрат матбуот орқали ҳам ўз ғояларини тарғиб этишга интилди. Самарқандда 1917 йил апрелидан «Хуррият» газетаси чиқа бошлаган эди, аввал унга Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода, кейин 27-28-сонларига Фитрат муҳаррирлик қилди. 1917 йил Октябр тўнтариши муносабати билан шу «Хуррият» газетасида Фитратнинг «Русияда янги бало бош кўтарди - большевик балоси!», деган қайди босилди (ўша газетанинг 1917 йил 49-сонида).

Кўқон мухторияти тузилганда (1917 й. ноябр) Фитрат Самарқандда эди. Шу ердан унга вакил-аъзо қилиб сайланди. Ўзининг «Хуррият» газетасида бу воқеани Фитрат юрақдан қувватлаб мақола эълон қилди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еrimiz босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емрулди. Номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруқقا бўйсундик. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтирудук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу - Туркистон мухторияти.

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртқич жандарманинг тепкиси билан йиғилғонда, юртларимиз ёндуруулғонда, диндошларимиз осулғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушқун руҳимизни кўтармак учун, шул қоп-қора дунёning узоқ бир еридин ойдин бир юлдуз ялқиллаб туар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!» («Хуррият», 1917, 5 декабр).

Фитрат 1921 йилда Бухорога келиб давлат ишларида фаол иштирок эди. Бир қанча масъул вазифаларда ишлаб, Бухоронинг ривожи учун қўлидан келган ёрдамини берди. Аммо Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати раҳбарларининг миллатнинг тараққиёти учун олиб бораётган кенг кўламдаги яхши ишлари Масковга ёқмади. Масков Бухоро ҳукумати таркиби бой,

савдогарлардан иборат бўлиб қолган, деган айни қўйиб, ҳукумат аъзолигидан беш кишини, жумладан Фитратни ҳам чақиради (1923 йил 12 июн Пленуми). Фитрат Масковга кетишга мажбур бўлади. У ерда Шарқ тиллари институтида илмий ходим бўлиб ишлади (1923-1924). Шу йиллар унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат Масковдан қайтиб келгач, Бухоро, Самарқанд, Тошкент университетларида дарс берди, Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида тил ва адабиёт институтида, Ўзбекистон Фанлар қўмитасида ишлади. Бу йиллари у шеърлар, пьесалар билан бирга ниҳоятда кўп ва теран илмий асарлар ёзди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва Шўро ҳукумати раҳбарларига ёқмас эди. Уни А. Қодирий, Чўлпон, Боту, У. Носирлар билан биргалиқда миллатчиликда айблаш тобора авж олди. Фитрат «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда ҳар вақт Шўро ҳукуматига коммунистик фирмасига хайрихоҳ бўлиб турдим», деб ёзган эди.

Афсуски ҳалқ идеали ва баҳт-саодати, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат тақдири учун туну кун меҳнат қилган бу улуғ зотни шу партия, шу Шўролар ҳукумати аксилинқилобчи, миллатчи, «ҳалқ душмани» деб айблади, 1937 йил апрелда ҳибсга олди ва 1938 йил 4 октябрда А. Қодирий, Чўлпонлар билан бирга ваҳшийларча отиб ташлади. Уларни отиш ҳақидаги ҳукм бир кун кейин, яъни 1938 йил 5 октябрда чиққан. 1957 йилда Собиқ Иттифок Олий судининг ҳарбий коллегияси 1938 йил 5 октябрдаги ҳукмни бекор қилди ва Фитратни айбсиз деб топди.

Фитрат кўпқиррали ва сермаҳсул ижодкордир. Бу — унинг оз ва созлирикаси, кўпқиррали драматургияси, жанговар публицистикаси ва катта ҳажмдаги чуқур илмий-тадқиқотларидир. Унинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти ҳалқни жаҳолат, турғунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, баҳт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. У ўзбекнинг ўзлигини таниши, отабоболари каби улуғвор қашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёning илгор маданий мамлакатларига етиб олишга

чақирди. Бутун ижодининг моҳияти халқнинг қалб қўзини очишга ва меҳнат, яратиш, ўқиши-униш, курашга даъватдан иборатdir. У илк тўплами «Сайҳа»нинг қути Файзулла Хўжаев таъкидлаганидек, «Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шакдда биринчи бор ифодалаб берилишида эди». Шу туфайли бу тўпламнинг Бухорода босилишига амир Олимхон қаршилик қиласи.

Фитратнинг «Учқун» деган тўпламининг чикқанлиги тўғрисида хабар босилган (1923 йил), лекин у топилмаган. Республика матбуотида ва «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида (1922 йил), бошқа манбаларда унинг талайгина шеърлари босилган. Гарчанд Фитрат форс, араб тилларини яхши билса-да, ўз шеърларида иложи борича уларни ишлатмасликка ва содда ўзбек тилида ёзишга интилди. Унинг устига Фитрат ўз бадиий ижоди ва илмий мақолалари орқали бармоқ вазнининг қулайлиги ва кенг имкониятларини тарғиб қиласи. «Бир оз кул!», «Ишқимнинг тарихи», «Яна ёндим...», «Кор» каби шеърлари соддалиги ва туйғу, кечинмаларни ҳаққоний ифодалаб бериши билан жозибали-дир. «Ўқитувчилар юртига» шеърида элни маърифат, ҳақиқат йўлига йўналтириш ва жаҳолатга қарши курашга даъват этади:

### **МУСО САИДЖОНОВ**

Истеътодли тарихчи, манбашунос олим, биринчи ўзбек миллий профессорларидан марҳум Мусо Сайджоновнинг (1893-1938) илмий мероси ҳали тўла ўрганилмаган. Бироз киноя билан айтадиган бўлсак, оммалашмаган. Етишиб келаётган ёш тарихчи олимларимизнинг аксарияти бу олимнинг илмий хизматлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Мусо Сайджонов қатағон қилингандан сўнг, унинг кўп асарлари нашр этилмай, қўллёзма ҳолиҷа қолиб кетди.

Археолог, бухорошунос олима Е.Г.Некрасова кўп йиллик илмий ҳамкорлигимиз рамзи сифатида бизга Мусо Сайджоновнинг 1927 йил «Маориф ва ўқитувчи» журналида араб алифбосида чоп этилган икки асари нусхасини тақдим этди. Бу асар «Бухоро шаҳри ва эски бинолари» деб номланиб икки қисмдан иборат. Аслида уни бир номдаги икки асар дейишип

мумкин. Асар айни пайтда библиографик нодир асарлар рўйхатидан жой олган. Мусо Сайджоновнинг илмий меросини тадқиқ қилган марҳум шарқшунос М.А.Абдураимовнинг «Сайджоновнинг илмий мероси» мақоласида («Шарқ юлдузи» 1972, 9-сон) ҳам мазкур асар тўғрисида маълумотлар учрамайди.

Бу икки асар яхлит Бухоро шаҳрининг тарихий топографиясига багишланган. Биринчи қисмида Бухоро шаҳристони, Арк ва ундаги бинолар тўғрисида маълумотлар берилса, иккинчи қисмида Регистон ва унга туташ ҳамда яқин жойларда жойлашган бинолар тўғрисида маълумотлар берилади. Иккала асар ҳам бой тарихий манбалар, жумладан Наршахийнинг «Бухоро тарихи», ўрта аср вақф ҳужжатлари, археологик ашёлар асосида ёзилган ва ҳанузгача ўз илмий қийматини сақлаб келмоқда. Муаллиф В.В.Бартольд, И.И.Умняков каби машҳур олимлар тадқиқотлари, шунингдек Фотих Карим таржималаридан ҳам фойдаланган.

XX аср 20-йилларида Бухоро шаҳрининг ўрта асрлардаги тарихий топографиясини ўрганиш тарих фани олдидағи муҳим масалалардан бирига айланган эди. Шу боис В.В.Бартольд, И.И.Умняков ва бошқа олимлар бу борада тадқиқотлар ўтказиб, бирин-кетин мақолалар эълон қила бошладилар. Мусо Сайджонов ҳам бу ишдан четда қолмади. Қолаверса, у шу қадими шаҳарнинг туб вакили сифатида унинг тарихий топографиясини ўрганишни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Юқори лавозимларда ишлаётганига қарамай, илмий тадқиқот билан шугулланишни тўхтатмади (М.Сайджонов XX аср 20-йилларида Бухкомстарисга раҳбарлик қилди).

Асада муаллиф Ўрта Осиёда, жумладан Бухоро воҳасида феодал қўрғонларнинг пайдо бўлиши, бир сўз билан айтганда урбанизация жараёнларининг жадаллашув босқичларини очиб беради. Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиш тарихига илмий ёндашган биринчи маҳаллий тарихчи Мусо Сайджоновдир. Мусо Сайджонов асари сермашаққат археологик кузатувлар, сомонийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар даври вакф ҳужжатларини ўрганиш, уларни қиёслаш натижасида олинган илмий

хулосалар маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун унга қайта-қайта мурожаат қилиш мумкин.

Олим асосий эътиборни Бухоро шаҳристонининг ўрта асрлардаги тузилишига қаратган. Шаҳристоннинг умумий майдони, худудлари, дарвозалари тўғрисидаги маълумотлар жуда қимматлидир. Мусо Сайджонов фикрича, Тоқи телпакфуруушоннинг жанубидаги кўчадан тўғри борганда ўнгдаги биринчи кўчадан Масжиди Калонга чиқилган. Шаҳристоннинг Бани Саъд номли дарвозаси шу ерда жойлашган бўлган. Қорахоний Арслонхон ўз саройини Бани Саъд дарвозаси билан ҳозирги Масжиди Калон орасидаги ерга қурган ва ундан узоқ бўлмаган жойда ўзи учун кўк гумбазли мақбара барпо этган. Лекин давр ўтиши билан бу мақбара ер остида қолиб кетган. Муаллиф сўзларига кўра, кўк гумбазли мақбара устида кейинчалик ҳовли қурилиб, унинг эгаси қудуқ қазиганда кўк гумбазли мақбара чиққан.

Мусо Сайджоновнинг Бухоро шаҳристони тарихий топографияси бўйича амалга оширган тадқиқоти бошқа олимлар тадқиқотидан ўз аниқлиги, илмий далилларга асосланганлиги билан фарқ қиласи. Олим шаҳристоннинг ҳар бир томони узунлигини, шунингдек унинг етти дарвозаси жойлашган ери вақф ҳужжатлари асосида аниқ кўрсатган. Шаҳристон ичida ва унга яқин ерларда жойлашган бинолар тўғрисида ҳам қимматли маълумот беради. Жумладан, «Дарвозаи кабирийа» деб аталган дарвоза вақф ҳужжатларида «Дарби ислом» номи билан тилга олиниб, у ҳозирги Такбандбофон гузарига чиқиладиган кўча бошида жойлашган. Мусо Сайджонов Дарвозаи нав шаҳристоннинг шимоли-шарқида, ҳозирги Шоҳ Аҳси мозори ва хонақоси ғарбидаги жойлашган, деб ҳисоблайди. Муаллифнинг қатъий фикрича, шаҳристон атрофи хандак бўлган. Бу хандакнинг баъзи қисмлари шайбоний Абдуллахон (1557-1598) давригача мавжуд эди. Бу фикр бошқа олимларда учрамайди ва Бухоро шаҳри тарихий топографиясини тадқиқ қилиш борасидаги янгиликдир.

## **ФАЙЗУЛЛА ХҮЖАЕВ**

Файзулла Хўжаев, Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли... Бу табаррук номни тилга олиб, узоқ хаёлга толдим. Илкимга хома тутиб ёзишга ҳам анчагина мажолим етмай юрди. Узоқ мулоҳазаларга бориб халқимизнинг бу фидойи фарзанди ҳақида, бутун ҳаётини инқилобга бағишилаб, пировардида, шу ИНҚИЛОБнинг сохта ғоялари номи ила ўлимга ҳукм қилинган, лекин номи мангуликка дахлдор Файзулла бобо ҳақида баҳоли қудрат фикр юритишга ўзимда журъат сездим...

Файзулла Хўжаевнинг киндик қони томган муқаддас Бухоройи шарифда кезар эканман, неча бор хаёлан бу инсон билан сұхбатлашар, назаримда, энг оғир дамларда унинг руҳи мени қўллаб-қувватлагандай туюларди...

Файзуллахўжа мелодий 1896 йил 1 июлда Бухоро шаҳрида амирлик худудидаги йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли (1859–1912) оиласида дунёга келди. Унинг онаси – Райҳон Сайдмурод қизи (1865–1938) Пешкў туманидаги Зандане қишлоғидан бўлиб, бу муштипар аёл оддий дехқон оиласида вояга етган эди.

Файзуллахўжа ёруғ оламга кўз очиб келган пайт шарқона мучал бўйича маймун йилининг саратон ойига тўғри келади. Йил ағдариб, мучал кўтарганда маймун йилида Алишер Навоий, Муҳаммад Хоразмий, Хожа Аҳрор, Мирзо Абдулқодир Бедил каби алломалар дунёга келганининг гувоҳи бўлдик. Саратон ойида эса Файзулла Хўжаевнинг икки даҳо ҳамюрти: муҳаддислар пешвоси Имом Исмоил Бухорий ҳазратлари ва шайхур-раис Абу Али ибн Сино каби алломалар туғилган эканлар. Ушбу мос келишлар бежиз эмасдир. Чунки Тангри таоло саратон ойида туғилганларга ҳам, маймун йилида таваллуд топғанларга ҳам айрича истеъдод ва қобилият ато этаркан.

«Маймун» сўзи арабчада «баҳтли», «қутлуғ», «муборак», «ижобий таъсир кўрсатувчи» деган маъноларни англатади. Мучал бўйича Маймун йилида туғилганлар ақлли, топқир, киришимли, хушчақчақ ва илтифотли, илмга ниҳоятда ташна, ҳамиша ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, улар ҳар


жиҳатдан яхши яшайдилар. Хотиралари жуда кучли бўлиб, кўрган ёки эшитган нарсаларини майда-чуйдасигача унумтайдилар. Уларнинг топқирилиги ҳайратомуздир: мураккаб муаммоларни тез ва ўзларига хос ҳолда ҳал этишади. Японларнинг айтишича, бу йилда пала-партиш ҳаёт кечирадиган даҳолар туғилади. Бу мучал соҳиблари улкан ишларга қўл урадиган, доно ва ақлли одамлар бўлиб, ундейлар албатта катта ютуқларга эришади. Маймун йилида таваллуд топган Файзулла Хўжаев ҳаётида ушбу йил кейинчалик ҳам бот-бот ўз марҳамату карамларини аямади. Маймун йили бу даҳо тақдирида муҳим ўрин тутади...

Файзулла болалик чоғида эски усулдаги мактабга қатнаб, савод чиқарди ва Бухоро мадрасаларидан бирида икки йил таҳсил олиб, Қуръони каримни ёд олди. Файзулла ўн ёшдан сал ошганида отаси уни Москвага олиб боради. Бу пайтда Москва кўчаларида биринчи рус инқилоби ҳаракати ҳали сўнмаган эди. Беш йил Москвада ўтган давр (1907–1912) Файзулланинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу ерда у хусусий муаллимлар қўлида таълим олди. Бунгача Шарқ маданияти билан мадраса таҳсили орқали анча-мунча хабардор бўлган закий ўспирин энди Оврупо ва Россия урф-одатлари, уларнинг тартиблари билан танишди. Файзулла ёшлигиданоқ ўзбек, тожик, рус тилларини бир хилда мукаммал билар эди. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, Ф.Хўжаев ҳатто немис тилида ҳам ўз фикрини равон баён эта олган. Шарқу Ғарб таълимини мукаммал эгаллаган Файзуллага бу билим кейинчалик жуда асқотди ва қўл келди. У XX аср бошларида инқилоб майдонига кириб келган Бухоро ва Туркистон ёшлари ўртасида чуқур билимга эга бўлган зукко шахс эди. Файзулла Хўжаевнинг атоқли давлат арбоби бўлиб шаклланишида ёшликда олинган таълимнинг ўрни бўлакча бўлган.



**Имом Исмоил ал Бухорий зиёратгоҳи**





Хожа Али Ромитаний (Хожай Азизон)



**Бобойи Самосий зиёратгоҳи**





## Атамалар изоҳи

**авом** -оддий халқ  
**адад-** сон, саноқ, ҳисоб  
**адиб** тарбиячи, муаллим; адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи, адабиётчи  
**ажам** араб халқлари ва мамлакатларидан бошқалар (кўпинча Эрон мамлакати ва халқига нисбатан айтилади)  
**азон** муаззиннинг масжидда жамоатни намоз ўқишга чақириғи  
**азим** улуг, буюк, катта  
**алайхиррахма** унга раҳмат бўлсин  
**алайхиссалом** унга салом бўлсин (пайғамбар номига қўшиб айтилади)  
**аллома** энг билағон олим, илм-фаннынг бир ёки бир неча соҳасини мукаммал эгаллаган  
**аъён** юқори мансабли, баланд мартабали кишилар; амалдорлар  
**амир** фармон берувчи, бошлиқ, ҳукмдор, пешво, раис, бек  
**амир ал-ҳамид** мақтовли амир  
**ансоб** наслу наслаб, насллар  
**арафа** Рамазон ҳайити ёки Курбон ҳайитидан олдинги кун  
**аҳли сунна** суннийлик мазҳаби (йўли)даги мусулмон аҳли  
**балоғат илми** адабиётдан лаззатланиш, шеърни, сўзни англаш ва фасоҳатли сўзлаш илми  
**бани** авлод, болалар  
**бидъат** ислом пайғамбари замонидан кейин янгидан топилган одатлар, ишлар  
**ботил** бузилган, бекор қилинган; асоссиз, тубсиз  
**вазир** девонхона бошлиғи, вазир  
**валлоҳу аълам** – Аллоҳ билувчи  
**вараъ соҳиби (аҳли)** – парҳезкорлар, тақводорлар  
**виқор** – оғирлик, чидам, улуғворлик  
**воиз** – ваъз айтувчи, панд-насиҳат қилувчи  
**дехқон** – «қишлоқ ҳокими», ер эгаси  
**доҳил** – кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирган бўлмоқ  
**жадал илми** – мунозара қилиш илми  
**жомеъ масжид** – жума кунлари жамоат билан намоз (жума намози) ўқиладиган катта масжид

**заиф** – қуввати кам, кучсиз; унчалик кучли бўлмаган, етарли даражада етук бўлмаган, пухта ишланмаган

**зикр (қилмоқ)** – эслаш, тилга олиш, фақат Ҳақ ёди билан бўлиб, ундан бошқаларни унутиш

**зоҳид** – дунё ишларига қизиқмасдан, ибодат билан машғул бўлган киши, сўфи

**ижмоъ** – саҳоба ва мужтаҳидлар иттифоки, келишуви

**ижозат хати** – улуг олимлардан шогирдига бериладиган муҳрли ҳужжат

**илми аруз** – шеърият вазни, аруз илми

**имло мажлиси** – устозларнинг ўз рисолаларини шогирдига ва тингловчиларга ёздириши ва тушунириши

**имом** – масжидда намозда жамоатнинг олдида намозни бошқарувчи, уларни иқтидо эттирувчи, олдинда туриб раҳбарлик қилувчи

**имому асҳоб ал-ҳадис** – муҳаддисларнинг имоми

**истисқо** – ёмғир тилаб дуо қилиш

**иқтибос** – кўчирма қилиб олиш, ўхшатиш

**каромат** – авлиёлардан ҳозир бўлган ғайри табиий, фавқулодда ҳол

**калом илми** – эътиқод илми

**куния** – арабларда кишиларга хурмат юзасидан «Абу», «Ибн», «Ум» ёки «Бинт» билан бошланадиган лақаблар.Мас: Абу Али, Умми Гулсум

**луълу** – марварид, гавҳар

**мабда** – бошланиш жойи

**мажус** – оловга сифинувчи

**мазҳаб** – йўл, таълимот, маслак, диннинг тармоғи

**маноқиб** – яхши сифат, гўзал хислат, мақтов; бирорнинг яхши хислатларини кўрсатадиган мақтайдиган асар

**маросил (бирл. мурсал)** – ҳадис тури, тобеин томонидан пайғамбар алайҳиссаломдан қилинган ривоят

**машраса** – бир жилдга яқин

**маърифат** – билиш, таниш, билим

**муаззин** – аzon айтuvчи, масжидда аzon айтиб, нағозга чорловчи шахс

**муаззин ал-абъяз** – оқ муаззин

**мударрис** – дарс берувчи, мадраса ўқитувчиси

**мумтоз** – сараланганд, ажратилган; бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган

**мунажжим** – юлдузшунос, астролог, астроном

**мунозара** – илмий, адабий, диний масалалар юзаси-  
дан тортишув

**мурид** – хоҳловчи; тасаввуфда бирор шайхга эрга-  
шувчи

**мусаниф** – китоб тузувчи, муаллиф

**муснад** – ровийлари билан бирга мукаммал ривоят  
қилинган ҳадис тўплами

**мустақим** – тўғри, сахих

**мухтасар** – қисқа

**муфассир** – тафсирнавис, Куръон оятларини шарх-  
ловчи

**муфтий** – фатво берувчи, шариатни баён этувчи, қо-  
нуншунос, руҳонийлар бошлиғи

**муқим** – бир ерда турувчи (яшовчи), турғун

**муҳаддис** – ҳадис тўпловчи олим

**муҳтасиб** – ҳисобловчи, шариатга хилоф ишларни  
текширувчи, назорат этувчи

**набий** – пайғамбар

**назар илми** – баҳсу мунозара одоби баён қилинади-  
ган илм

**насроний** – христиан

**нафл** – вожиб бўлмаган

**нисбат** – бирор кимса ёки нарсага олиб бориб боғ-  
ламоқ

**нужум** – юлдузлар

**омил** – амал қилувчи, ишловчи; амалдор, ҳоким

**ориф** – билувчи, танувчи, маърифатли

**работ** – мусофирихона, бекат, шаҳар атрофи, карвон-  
сарой, савдо жойи

**риёзат** – нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортиниб,  
ўзини қийнаш, машаққатланиш

**риҳлат** – кўчиш, ўлиш

**ровий** – ривоят қилувчи

**сабр** – бошга тушган оғир ахволдан нолимай, чидам  
кўрсатиш

**садр** – кўқрак; улуғ мансаб; шеърдаги биринчи мис-  
ранинг биринчи сўзи

**санад** – таянч, хужжат, далил, ҳадис ровийларининг  
мукаммал исми битилган силсила

**сахих** – тўғри, соғлом, олий даражадаги ҳадис

**саҳоба** – пайғамбар ҳамсухбати, сұхбатдоши

**саҳобаи киром** – улуғ саҳоба

**сидиқ** – тўғри, ҳадисни тўғри ривоят қилувчи киши

**сийрат** – хулқ, одат

**соҳиб ул-асрор** – сирлар эгаси, кароматли авлиё  
**суннат** – Мұхаммад пайғамбар ва саҳобалар тутган  
йўл ва пайғамбарнинг буйруқлари  
**суннат-сания** – Мұхаммад алайҳиссаломдан қолган  
ибодат ва одатларга амал қилмоқ  
**табаа-тобеин** – тобеинларни кўрган зот  
**тариқат** – усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли  
**таъбир** – баён қилиш, изоҳлаш, маъносини очиш  
**таълиф** – тартиб билан жамламоқ; асар (китоб) ёз-  
моқ, муаллифлик  
**тақво-** диндорлик, парҳезкорлик  
**таҳажҷуд** – тунда ўқиладиган намоз  
**тобеин** – саҳобаларни кўрган кишилар, эргашувчилар  
**уламо** – олимлар, мусулмон руҳонийларининг юқо-  
ри табақаси  
**унноб** – жилон (чилон) жийда  
**усул илми** – фиқхнинг тўрут усули ҳақида баҳс этув-  
чи (Куръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёс) илм  
**файёз** – энг кўп файз берувчи; лутф ва карам қилувчи  
**файз** – барака, мўллик, инъом-эҳсон, қувонч, баҳра  
**фарз** – Аллоҳнинг ижроси зарур бўлган буйруқлари,  
зарур, лозим  
**фарсаҳ** – фарсаҳ форс тилидан олинган сўз бўлиб, пора  
санг, пор санг, бир бўлак тош маъноларини англатади. Ка-  
димда масофа ўлчовини билиш учун ҳар 6 км.да йўл че-  
тига катта тош қўйилган. Шунинг учун ўзбек тилида *бир  
тош узоқликда, бир тош юрдик* деган ифодалар бор  
**фасих** – очик, равshan, равон, ёқимли, қоидага муво-  
фиқ сўзловчи, чиройли услубли  
**фақих** – диний хуқуқ билимдони  
**фи сабилиллоҳ** – Аллоҳ йўлида  
**фиқҳ** – диний хуқуқ илми  
**халифа** – вакил, ўринбосар, Пайғамбарнинг ўрин-  
босарлари, тасаввуфда буюк муршиднинг ўринбосари,  
муридларнинг улуғи  
**халифаи рошид** – тўғри йўлдан юрувчи, тўғри йўл  
кўрсатувчи халифа  
**хаттот** – китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб  
**хонақоҳ** – шайхлар, дарвишлар зикру само килади-  
ган катта жой, масjid  
**шайх** – ислом динида олий руҳонийлар вакили  
**шайх ал-қуззот** – қозилар шайхи  
**шамс** – қуёш  
**шамс ул-аймма** – имомлар қуёши

**шариат** – тўғри йўл, ислом динининг барча хуқуқий қонуний томонлари билан ахлоқий меъёрларининг мажмуаси. Ислом шариати тўртта асосий манбага (Қуръон, сунна, ижмөъ ва қиёсга) таянади. Қуръонда зикр қилинган хуқуқий қоидалар

**шариф** – шарофатли, азиз, қадрли

**шарҳ** – изоҳлаш, изоҳлаб тушунтириш

**шукур** – раҳмат айтиш, миннатдор бўлиш

**қавл** – гап

**қавм** – кишилар тўдаси, гурухи

**қамар** – ой

**қассор** – кийим юувчи, кирчи

**қози** – ислом қонунлари юзасидан ҳукм ва ижро ишларига белгиланган мансабдор

**қози ас-сайф** – қиличдай ўткир қози

**Қуръон** – ислом динининг муқаддас китоби

**қутб** – авлиёларнинг улуфи ва пешвоси, ягона ҳисобланган авлиё, валиюллоҳ (сўфийларда), ҳар бир жамоа ва гуруҳнинг моддий ва маънавий бошлиги, йўлбошчи

**ғаріб** – ҳадиснинг жуда кам ривоят қилиниши

**ғози** – ғазот килувчи, уруш килиб ғалаба козонган

**ҳадис** – пайғамбар Мұхаммад а.с. айтган сўзлар

**ҳамд** – мақтов

**ҳанафий мазҳаби** – ислом динидаги тўрт мазҳабдан бири – Имом Аъзам мазҳаби

**Ҳаромком дарёси** – Зарафшон дарёси

**ҳасад** – бирорга насиб этилган неъмат ва фазилатларни кўра олмасдан уларнинг заволини орзу қилмоқ

**ҳасан** – яхши (саҳих ҳадисдан кейинда турувчи ҳадис)

**ҳидоят** – тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш

**ҳикмат** – билимдонлик, донишмандлик

**ҳикмат илми** – фалсафа

**ҳофиз ул-Қуръон** – Қуръонни ёддан билувчи

**ҳофиз ул-ҳади**

## **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

- 1, Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Mirziyoev Sh. Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birlgilikda barpo etamiz (uzbek va rus tillarida). –Т.: O’zbekiston, 2016.
6. Mirziyoev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak (o’zbek va rus tillarida). –Т.: O’zbekiston, 2017.
7. Mirziyoev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz. –Т.: O’zbekiston, 2017.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисининг 1992 йил 3 ноябрдаги “Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғ‘рисида”ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисининг 2002 йил 4 декабрдаги “Абдулхолиқ Г‘иждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғ‘рисида”ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисининг 2007 йил 11 сентябрдаги “Бухоро шаһрининг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масалалари тўғ‘рисида”ги 191-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисининг 2019 йил 21 сентябрдаги “2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғ‘рисида”ги 794-сонли қарори.
12. Абдуллаева Д. XX асрнинг 20-йиллари ва XXI аср бошларида меъморий обидаларни сафлаш ва таъмирлаш ташкилотлари фаолияти тарихи (Жаҳон ва Ўзбекистон тажрибаси): магистрлик диссертацияси.- БухДУ Тарих кафедраси, 2014.
- 13.Акимушкин О. Накшбанд // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006. – Б.299-301
14. Анке фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатских династий мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв). – Алматы: Институт Востока Германского Восточного общества, 2004.
15. Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоqlар. -Т.: Ўқитувчи.1994.
16. Ахмедов М.Q. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 17.Ахметова Ш.С. Историческое краеведение в Казахстане: учебное пособие. – Алма-Ата, 2012.
18. Бартолд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в 9-томах Т.1. -М.: Наука, 1963.
19. Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигига таълим тизими (XIX аср охири – XX бошларида): Тарих фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011.
20. Бухоро ва Хива шаһарларининг 2500 йиллигига бағ‘ишланган халқаро симпозиум тезислари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
21. Бухоро шаҳри 2500 ёшда. –Т.: Фан, 1998.
22. Выборова И.В., Распопина А.А., Распопина И.А. Иркутское краеведение: основы экскурсионной работы: учебно-методический материал. – Иркутск: БГУЭП, 2008.
23. Зониева С.А. XIX аср охири–XX бошларида Бухорода шаһар маданияти тараqqиёti (Носируддин ибн амир Музффарнинг “Түнфат уз-зирийн” асари маълумотлари асосида): Тарих фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009.
24. Корнилов Г.Е. Историческое краеведение Урала: учебное пособие. – Екатеринбург: Уралский государственный университет, 2015.

25. Курбанов Г. Печати Бухарского ханства XIX - начала XX вв (источниковедческое исследование) History and Culture of Central Asia.,- Tokyo. -P.85-126.
26. Матюшин Г.Н. Историческое краеведение: учебное пособие. – М.: Просвещение, 1987.
27. Мирзаулов Б. Бухоро тарих зарвараqlарида.1-китоб. –Т.: Lessor Press, 2016.
28. Мирзаулов Б. Бухоро тарих зарвараqlарида.2-китоб. –Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018.
29. Муhammadжонов А. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача): ўқув қўлланма. – Т.: G‘афур G‘улом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2004.
30. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик: ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
31. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: Фан, 1966.
32. Нельматов Б. Бухоро миллий меъморчилиги – шаҳарсозлик маданиятининг таркибий қисми: битирув малакавий иш. БухДУ Бухоро тарихи кафедраси, 2019.
33. Равшанов Ў. Шарқ ва Европа мамлакатлари тарихини ўрганишда Бухоро музейи материалларининг аhamияти: магистрлик диссертацияси. - БухДУ, Бухоро тарихи кафедраси, 2018.
34. Ражабов Q. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих haqiqati (1920-1924 йиллар). –Т.: “Маънавият”, 2002.
35. Ражабов Q., Муhammadжонова Л. Ромитан тумани тарихи. Qисқача маълумотнома. – Т.: Tafakkur, 2015.
36. Ражабов Q., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Т.: Tafakkur, 2016.
37. Тешаева Ю. Тасаввuf алломалари юбилейларининг нишонланиши: битирув малакавий иш. - БухДУ Бухоро тарихи кафедраси, 2019.
38. Хисматулин А. Ходжаган // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006. – Б. 417-425.
39. Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмиратае в конце XIX – начале XX в. / Текст и вводная статья: Улфат Абдурасолов и Паоло Сартори. – Ташкент – Вена 2016.
40. Нотамова Ю. Мирза Салимбек илмий меросида Бухоро тарихи: битирув малакавий иш.- БухДУ Бухоро тарихи кафедраси, 2019.
41. Anke von Kugelgen. Die Legitimierung der mittelasiatischen Mangitendynastie. – Stambul, 2002.
42. Bakhtiyor Babajanov et Mariya Szuppe. Les inscription persanes de Char Bakr, nécropole familiale des Khwaja Juybary près de Boukhara // Corpus Inscriptionum Iranicarum. London, 2002.
43. Devin De Weese. Kojaqani Origins and the Critique of Sufism ..., Ed. by Frederick De Jong and Bernd Radtke. Leiden-Boston-Köln, 1999. – P. 492-519.
44. Florian Schwarz. Unser Weg schließt tausend wege ein. Derwische und Gesellschaft im islamischen... Berlin, 2000.
45. Jürgen Paul. Doctrine and Organization the Khwajagan-Naqshbandiya in the First Generation After Baha’uddin: Das Arabische Buch, 1998 (ANOR 1).
46. ترک پس‌тан گهواره بخارا علايی منصب صور سید . Сайид Мансур Олимий. Бухоро-Туркестон бешиги. Анқара – 1996.
47. Shamsutdinov R., Karimov Sh., Xoshimov S., Ubaydullaev O’. Vatan tarixi (o’quv qo’llanma). Ikkinchchi kitob. – Т.: «Sharq» nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2016.

## II. Qo’shimcha adabiyotlar:

48. Ахмедов С. Жаҳон ҳазинаси жавонири. -Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1997.
49. Бартолд В.В. Географический очерк Мавераннахра. Соч. в 9-томах. Т.2. -М.: Наука, 1963.
50. Бартолд В.В. Бухара. Соч. в 9-томах. Т.1. ч.2. – М.: Наука, 1965.

51. Жумаев А.Ш. Бухоро археологияси (ўқув услубий қўлланма). -Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006.
52. Жумаев А.Ш. Qуий Зарафшон жой номлари тарихи. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006.
53. Жумаев А.Ш., Муhammedov И.Т., Намроев А.Н. Ўлкамиздаги жой номлари. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1998.
54. Жумаев А.Ш., Qурбонова М.Б. Бухоро этнографиясидан лавналар. -Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006.
55. Жумаев Q. Ситораи Мони Хосса. - Т.: Фан, 2005.
56. Жумаев Q. Ситораи Мони Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010.
57. История Бухары. Авторский коллектив. –Т.: Фан. 1976

Mangitendynastie. – Stambul, 2002.

42. Bakhtiyar Babajanov et Mariya Szuppe. Les inscription persanes de Char Bakr, nécropole familiale des Khwaja Juybary pres de Boukhara // Corpus Inscriptionum Iranicarum. London, 2002.
43. Devin De Weese. Kojagani Origins and the Critique of Sufism ..., Ed. by Frederick De Jong and Bernd Radtke. Leiden-Boston-Köln, 1999. – P. 492-519.
44. Florian Schwarz. Unser Weg schließt tausend wege ein. Derwische und Gesellschaft im islamischen... Berlin, 2000.
45. Jürgen Paul. Doctrine and Organization the Khwajagan-Naqshbandiya in the First Generation After Baha’uddin: Das Arabische Buch, 1998 (ANOR 1).
46. ترک پستان گهواره بخارا عالیمی منصب سور سید . 46 Сайид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистан бешиги. Анқара – 1996.
47. Shamsutdinov R., Karimov Sh., Xoshimov S., Ubaydullaev O’. Vatan tarixi (o’quv qo’llanma). Ikkinchchi kitob. – Т.: «Sharq» nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyyati, 2016.

**Темиров Фаррух Умедович**

**БУХОРОЛИК АЛЛОМАЛАР**

**МЕТОДИК ҚҮЛЛАНМА**

Мазкур ўқув методик қўлланма Бухоро давлат университети ўқув-методик  
кенгашининг **2020** йил, **27.05.** даги № 7 – сонли йиғилиш  
баённомаси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

